

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

АБДУРАХМОНОВА ҲИЛОЛА АБДУРАХИМ ҚИЗИ

**СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ: НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ
ВА ЎЗИГА ХОС ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

мавзусида 5A220102 – халқаро журналистика таълим йўналиши магистр
академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Аудиовизуал журналистика ва оммавий
коммуникация кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доцент Н. Қосимова

2016 йил “ ____ ” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

ф.ф.н., доцент,

Н. Қосимова

2016 йил “ ____ ” _____

Тошкент – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. СИЁСАТ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1. Дунё сурати қайта шакллантирилиши ва ижтимоий сиёсий фикр эволюцияси контекстида сиёсий коммуникация концепцияси генезиси.....	14
1.2. Ахборот жамияти ва замонавий илмий дунё харитасининг шаклланиши.....	22
II-БОБ. СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
2.1. Сиёсий коммуникация: асосий тушунчалар, атамалар таърифи ва таснифи	33
2.2. Сиёсий коммуникациянинг микродаражали назариялари.....	42
2.3. ОАВ ижтимоий-сиёсий омиллар ҳаракати майдонида.....	51
III-БОБ. СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ КОММУНИКАЦИЯ: УЙҒУНЛИК МУАММОЛАРИ	
3.1. Сиёсий коммуникация жараёнларида шахс ва индивиднинг ўрни, аҳамияти	64
3.2. Кенг омма – сиёсий ва маданий коммуникация субъекти сифатида	71
3.3. Ахборий жамият шароитида сиёсий манипуляция кўринишлари.....	77
ХУЛОСА.....	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101
ИЛОВА.....	

КИРИШ

XX ва XXI асрда кузатилаётган коммуникатив технологияларнинг интенсив тараққиёти ва ижтимоий аҳамиятли ахборотни тарқалиши бутун жамоатчилик, сиёсий, иқтисодий, диний ва маданий институтлар жалб этилган глобал ахборот борлиғи шаклланишига олиб келди. Коммуникациянинг замонавий техник воситалари ақл бовар қилмас ҳажмдаги ахборотларни миллионлаб одамларга етказиб, уларнинг меҳнат, ҳордиқ, сиёсий ҳаётига таъсир ўтказди, хулқ-атвор намуналарини намоёиш этади, жамоатчилик фикрини акс эттиради ва шакллантиради.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Сиёсат соҳасидаги коммуникация ёки сиёсий коммуникация бошқа коммуникацион жараёнлар каби учта мақсадни кўзлаши мумкин: ахборот алмашинуви, фикр алмашиши, ахборот хатти- ҳаракат ўзгариши. Бироқ ушбу жараёнда асосийси, шубҳасиз хатти ҳаракат ўзгариши ҳисобланади, чунки айнан у жамиятда ҳукумат бошқарув муносабатлари таянчини ташкил қилади. Ўз навбатида, ОКВ ва улар томонидан узатилаётган ахборот устидан назорат, ахборот жамиятида ҳокимиятни ижро этиш, ушлаб туриш, керак пайтда эса уни эгаллаш зарурий шартлардан бирига айланади.

Айни пайтда сиёсий коммуникация маълум даражада универсал назариялар ролига интилувчи ва сиёсий ёндашувларни ўз ичига оладиган умумсоциологик парадигмалар одатий доирасига сиғмайдиган ҳодисалар қаторига киради. Методологик, онтологик, гносеологик тартибнинг машҳур устунликларига эга бўлиб, “классик” концепциялар замонавий дунёнинг ажралмас бўлагига айланган коммуникацион феноменларни ўрганиш ва тушунтиришда муайян қийинчиликларга дуч келади. Бу камида “тўртинчи ҳокимият” мустаҳкам тушунчасини қайта кўриб чиқиш ва аллегорикдан кўра констатациялашаётган мазмунда таҳлил қилина бошлайди.

Ижтимоий муҳим ахборот, жумладан, сиёсий характердаги маълумотлар, кўпроқ миллий агентлик ва каналлар орқали эмас, дунёвийлари

томонидан тарқатилади. Натижада, дунёга “ғарб”, кўпинча, – америка маданияти, белги, рамзлари, воқеаларни “американча” таҳлили уқтирилади. Айрим тадқиқотчилар ўйлаганидек, “ғарбий бўлмаган” давлатлар учун ижтимоий маданий суверенитети, ўзига хос миллий ҳаёт тарзини йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган бу каби ахборот экспансияси нафақат политологлар эътиборини қаратолмаслиги, балки классик парадигмалар чегарасидан чиқиш, камида, формацион ва цивилизацион ёндашувларни ҳамкорликда ва ўзаро тўлдириб ишлатишни назарда тутди.

Бу сингари ёндашув камида иккита ҳолат ҳисобига “яшаш ҳуқуқи”га эга. Биринчидан, ҳукумат феномени моҳияти, сиёсий билимларда калит предметларни излаш бошқарув – бўйсунуш муносабатлари саналади. Бу ҳокимият ва уни амалга оширилишини “бошқарувчи” ва “бошқарилувчилар” ахборий ўзаро муносабатларини назарда тутадиган коммуникацион жараён сифатида кўриб чиқишга асос беради, аниқроғи – ахборот алмашинуви, улар ўртасидаги тескари алоқа ёки бошқарув самарадорлигини таъминлаш учун “бошқарувчилар” “бошқарилувчилар” ҳақидаги барча зарурий маълумотларни олиши шарт ва ушбу маълумотларга асосланиб, шаклланаётган ҳолатга кўра, қўйилган мақсадга йўналтирилган кейинги бошқарув қарорларини шакллантириши керак. Иккинчидан, сиёсатнинг ўзи, инсон фаолиятининг исталган соҳаси каби ўзида коммуникацион бошланғич нуқтани сақлайди, ўзаро таъсирнинг аниқ тарихий шаклларида сиёсатнинг турли субъектлари – индивидлар, ижтимоий бирлашмалар ва жамиятда уларнинг ҳокимият ўрнатилиши, фаолият юритиши ва ўзгариши каби манфаатларини ифодаловчи “мулоқот”ида акс этади.

Тадқиқотнинг ўрганлик даражаси (мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили). Сиёсий коммуникация ҳақидаги замонавий назарий қарашлар илдизи узоқ тарихга эга. Коммуникация сиёсий таъсир воситаси сифатида антик даврдан буён тушунилганлиги ҳақида бизгача етиб келган қадимий юнон ва рим манбалари гувоҳлик беради. Платон ҳаёлий давлат

ҳақидаги мулоҳазаларида маърифий мақсадларда мифларни “қайта ёзиб олиш” ва худолар одамлар олдида яхши кўринишга эга бўлмаган жойларини олиб ташлашни таклиф қилиб, гапирган¹. Арасту биринчи бўлиб, олий “умумий фаровонлик”ка эришишга йўналтирилган “мулоқот”ни таҳлил қилиб, сиёсий фаолият коммуникацион аспектига эътибор қаратди². Оқибатда сиёсатнинг коммуникацион моҳияти ҳақидаги алоҳида тасаввурлар “умумий ҳуқуқий тартибот”ни ўрнатиш мақсадини кўзлайдиган сиёсий мулоқот ҳақида гапирган Цицерон асарларида ҳуқуқий тусга эга бўлди.

Ғарбий Европа Ўрта асрлари атоқли олимлари Августин Блаженный ва Фома Аквинский ўзининг диний-фалсафий асарларида худо томонидан ўрнатилган табиат билан шартлашадиган инсон мулоқотининг турли шаклларига эътибор қаратади. Уйғониш даврида инсонларнинг кайфияти ва хулқ-атвори ўзгаришига йўналтирилган сиёсий онгга таъсири Н. Макиавелли ижодида тараққий топди. Янги асрда босмачилик ишида тарқалиш ва ривожланиш даражасига кўра, эркин матбуот ғояси атрофидаги фикрлар кураши жараёнида бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган коммуникациянинг сиёсий ролини тушуниш ва англашга оид турли концептуал ёндошувлар шаклланди. Шундай қилиб, Т. Гоббс³ давлатни заифлаштириб, уни тарқалиб кетишига сабаб бўладиган “исёнкор олимлар захри” билан курашиш заруриятини асослаб беради; айти пайтда қонуннинг кучини адашаётганларга эмас, балки хатоликларнинг ўзига қарши ишлатишга чақиради. XVII–XIX аср либерал демократик ғоя намоёндалари Дж. Мильтон, Дж. Локк, Ш.Л. Монтескье, Дж. С. Милль⁴ бошқача нуқтаи назарга эга эдилар. Улар сўз эркинлиги, мустақил ОАВ орқали фикрлар алмашинуви ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш ва суистеъмолликларга қарши курашиш, давлат томонидан деспотизмни намоён

¹ Платон. Государство. // Платон. Филеб, Государство, Тимей, Критий. – М.: Мысль, 1999.- С. 79.

² Аристотель. Политика. // Аристотель. Сочинения: В 4 т. Т.4. – М.: Мысль, 1983.- С. 76.

³ Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского. // Гоббс Т. Сочинения: В 2 т. – Т.2. – М.: Мысль, 1991.- С. 3.

⁴ Милль Дж. О свободе. // Наука и жизнь. – 1993. № 11.- С.10–15; № 12. - С. 21.

бўлиш воситаси сифатида кўриб чиқиладиган Ғарб давлатларида сиёсий коммуникация фаолият юритиши ва ривожланиши меъёрий асосининг табиатини кўп жиҳатдан белгилаб беришади. XIX аср ўрталарида сиёсий коммуникация муаммолари ҳануз ўз таъсирини йўқотмаган марксистик мафкура доирасида кўриб чиқилган. Мазкур концепциянинг асосий ғояси шундан иборатки, матбуот материаллари муайян қадриятлар, қарашлар ва ғояларни акс эттириш ва ривожлантириш шаклида намоён бўлади, бунда ўз навбатида “исталган вақт ҳукмрон ғоялари бу ҳукмрон синфнинг ғоялари бўлган”.

Ўтмиш олимларининг сиёсий назариянинг умумий муаммоларига бағишланган, давлат ва жамият ўзаро муносабатлари, сиёсий ҳокимиятни ижро этиш моҳияти ва механизмларини ўрганиш контекстида сиёсий коммуникациянинг турли томонлари кўриб чиқилган асарлари орасида М. Вебер, Т. Парсонс, П. Сорокинларники⁵ муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йирик социологлар томонидан илгари сурилган ғоялар сиёсий коммуникацияни бир йўналишли ахборот таъсири кўринишида тасвирлаган ёхуд бу каби ҳаракатларнинг кетма-кетлиги ва кўп ҳолатларда у ҳақида “бошқарувчи” ва “бошқарилувчи”лар ижтимоий ўзаро алоқаси ҳақидаги замонавий тасаввурлар ёки яна ҳам аниқроқ атганда, улар ўртасида ҳаракатлар ўзаро алмашинуви ҳақида осонлаштирилган таърифини енгишга сезиларли таъсир ўтказди.

Сиёсий коммуникация жараён ва ҳодисаларни тизимли тарзда ўрганишни Г.Лассуэлл⁶ ишларидан бошлаб кўриш мумкин. Унинг асарлари Биринчи жаҳон уруши даврида тарғиботи феноменининг таҳлилига бағишланган. Сиёсий коммуникативистика “жамоатчилик ҳаёти ахборот-сиёсий соҳа қурилиши ва табиати, унга мос оммабоп ва нооммабоп алоқаларни ривожланиш механизм ва тенденциялари, ҳукмрон доиралар ва

⁵ Сорокин П.А. Главные тенденции нашего времени. – М.: Наука, 1997. – С. 50.

⁶ Lasswell H. Propaganda Technique in the World War. – London: Kegan Paul, Trench, Trubner & Co., 1927. – P. 33.

фукаролик жамияти мулоқоти эволюцияси шаклларини ўрганувчи фан” соҳасида фундаментал тадқиқотлар XX аср 40 йиллар ўрталарида бошланган. Замонавий шароитларда сиёсий коммуникацияни тадқиқ этишнинг умумназарий ва методологик омилларини англашда ахборотлаштириш ва ахборот жамиятини шаклланиши ижтимоий омиллари таҳлили асосий ўрин эгаллайди. Машхур хорижий тадқиқотчилар – Д. Белл, А. Бениджер, Н. Винер, Р. Дарендорф, М. Кастельс, А. Кинг ва Б. Шнайдер, Р. Катц, У. Мартин, И. Масуд, А. Мэттеларт, Э. Тоффлер,⁷ ва бошқалар қаторида ушбу масалага қатор рус олимлари Р.Ф. Абдеев, Е.Л. Вартанова, Т.П. Воронина, Г.Л. Смолян ва Д.С. Черешкин, Ю.В. Яковец⁸ ҳам ўз ҳиссасини қўшишган.

Кўриб чиқилаётган муаммоларда ижтимоий коммуникация, оммавий-коммуникацион жараёнлар, механизмлар ва уларнинг натижаларини инсонлар онгига таъсирини таҳил қилиш соҳасидаги назарий ишлар мавжуд. Сўнгги йилларда ушбу йўналиш бўйича И.И. Засурский, Я.Н. Землянова, Г.С. Мельник, Е.П. Прохоров, А.В. Соколов, В.П. Терин, Л.Н. Федотова, Ф.И. Шарков⁹ каби рус олимларининг ишлари, Ж. Абрамсон, Ф. Артертон ва Г.

⁷ Bell D. Die dritte technologische Revolution und ihre möglichen socioökonomischen Konsequenzen. // Mercur. – 1990., Beniger I.R. The Control Revolution: Technological and Economic Origins of the Information Society. – Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1986., Dahrendorf R. Reflections of the Revolution in Europe. – New York: Times Books, 1990., Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура. – М.: Государственный университет – Высшая школа экономики, 2000., Кинг А., Шнайдер Б. Первая глобальная революция: Доклад Римского клуба. – М.: Прогресс; Изд. фирма “Прогресс – Панагея”, 1991., Katz R.L. The Information Society: An International Perspective. – New York: Praeger, 1988., Martin W.J. The Information Society. – London: Aslib, 1988., Masuda Y. Managing in the Information Society: Releasing Synergy Japanese Style. – Oxford, OX, UK; Cambridge, Mass., USA: Basil Blackwell, 1990., Mattelart A. The Information Society: An Introduction. – London; Thousand Oaks, Calif.: Sage, 2003., Тоффлер Э. Метаморфозы власти: Знание, богатство и сила на пороге XXI в. – М.: АСТ, 2003.

⁸ Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации: Диалектика прогрессивной линии развития как гуманный общечеловеческий философия для XXI в. – М.: Гуманитарный издательский центр “ВЛАДОС”, 1994., Вартанова Е. Финская модель на рубеже столетий: Информационное общество и СМИ Финляндии в европейской перспективе. – М.: Изд-во Московского университета, 1999., Воронина Т.П. Информационное общество: сущность, черты, проблемы. – М.: ЦАГИ, 1995., Смолян Г.Л., Черешкин Д.С. О формировании информационного общества в России // Информационное общество. – 1998., Яковец Ю.В. Формирование постиндустриальной парадигмы: истоки и перспективы. // Вопросы философии. – 1997.

⁹ Засурский Я.Н. Журналистика и общество: балансируя между государством, бизнесом и общественной сферой. / Средства массовой информации постсоветской России / Под ред. Я.Н. Засурского. – М.: Аспект пресс, 2002., Мельник Г.С. Mass media: психологические процессы и эффекты. – СПб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета, 1996., Прохоров Е.П. Журналистика и демократия. – М.: Аспект Пресс, 2004., Соколов А.В. Общая теория социальной коммуникации. – СПб.: Издательство Михайлова В.А., 2002., Терин В.П. Массовая коммуникация: Исследование опыта Запада. – М.: МГИМО, 2000., Федотова Л.Н. Социология массовой коммуникации. – СПб.: Питер, 2003., Шарков Ф.И. Основы теории коммуникации. – М.: Социальные отношения, 2002.

Оррен, Э. Гринберг ва Б. Пэйдж, Г. Иннис, Д. Келлнер, Ж. Кин, Ю. Хабермас¹⁰ каби хорижий олимларнинг (ОКВ ва жамиятда ҳукумат бошқаруви муносабатларини ташкил этиш муаммоси кўтарилган) нашрлари ҳақида айтиш мумкин.

Сиёсий коммуникация ва унинг асл моҳияти тушунчаси таҳлилига Г.А. Белов, М.Ю. Гончаров, В.В. Латынов, А.И. Соловьев¹¹ каби рус политологлари, машҳур хорижий тадқиқотчилар М. Дефлёр ва Э. Деннис, Ж.-М. Коттре, П. Лазарсфельд, Г. Лассуэлл, Р.-Ж. Шварценберг¹² ишлари бағишланган.

Сиёсий коммуникацияларнинг алоҳида масалалари таҳлилига бағишланган махсус ишлар замонавий ўзбек тадқиқотчилари амалиётида унчалик кўп эмас. Шунинг учун рус ёки чет эл манбаларига мурожаат қилишга тўғри келди. Буларга М.С. Вершинин, Е.Г. А.А. Чичановский, С.А. Шомова монографиялари, А.И.Соловьев¹³ таҳрири остидаги “Сиёсий коммуникация” ўқув қўлланмаларини киритиш мумкин. Сўнгги йилларда М.Г. Анохин ва М.Ю. Павлютенкова, В.А. Ачкасов ва А.В. Чугунов, Л.А.

¹⁰ Abramson J.B., Arterton F.Ch., Orren G.R. The Electronic Commonwealth: The Impact of New Media Technologies on Democratic Politics. – New York: Basic Books, 1988., Innis H.A. Empire and Communications. – Oxford, Clarendon Press, 1950., Kellner D. Grand Theft 2000: Media Spectacle and a Stolen Election. – Lanham, Md.: Rowman & Littlefield Publishers, 2001., Кин Дж. Средства массовой информации и демократия. – М.: Наука, 1993., Habermas J. The Structural Transformation of the Public Sphere: An Inquiry into a Category of Bourgeois Society. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 1989.

¹¹ Белов Г.А. Политология: Учебник для вузов. – М.: Наука, 1994., Гончаров М.Ю. Риторика политической коммуникации. // Массовая коммуникация в современном мире: Сборник научных трудов / Под ред. д.ф.н., проф. Ю.П. Буданцева и др. – М.: МГИМО, 1991., Латынов В.В. Политическая коммуникация. // Политическая энциклопедия: В 2 т. / Национальный общественно-научный фонд; Рук. проекта Г.Ю. Семигин; Науч.-ред. совет: пред. совета Г.Ю. Семигин. – Т. 2. – М.: Мысль, 1999., Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации. // Полис. – 2002.

¹² DeFleur M.L., Dennis E.E. Understanding Mass Communication: A Liberal Arts Perspective. – Boston: Houghton Mifflin, 2002., Lasswell H. Propaganda, Communication, and Public Opinion: A Comprehensive Reference Guide. – Princeton, Princeton University Press, 1946., Lazarsfeld P.F. On Social Research and its Language. – Chicago: University of Chicago Press, 1993., Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – Ч. 1. – М.: [Российская академия управления], 1992.

¹³ Вершинин М.С. Политическая коммуникация в информационном обществе. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001., Чичановский А.А. В тенетах свободы: Политологические проблемы взаимодействия властных структур, средств массовой информации и общества в новых геополитических условиях. – М.: Славянский диалог, 1995., Шомова С.А. Политическая коммуникация: социокультурные тенденции и механизмы. – М.: Издательство ИНИОН, 2004., Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации. // Полис. – 2002.

Василенко, А.В. Дмитриев, В.В. Латынов,¹⁴ сиёсий соҳада энг янги ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш имкониятлари ва келажаги масаласи кўриб чиқиладиган диссертация ишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий муаллифларнинг сиёсий коммуникация – муаммонинг барча тарафларини таҳлил қилиш соҳасидаги – назарий тадқиқотлари иккита асосий йўналиш бўйича ривожланади. Биринчиси, индивид даражасида хулқ атвор, фикр ва сиёсий қурилмаларни ўзгартиришни мақсад қилган ахборот таъсир ўтказиши натижалари ҳақидаги эмпирик маълумотларни умумлаштириш ва тартибланиш асоси сифатида онг тузилмаларининг кичик босқичларда қурилиши билан боғлиқ. П. Лазарсфельд, Б. Берельсон ва Х. Годэнинг 40-йилларнинг ўрталарида илк бор чоп этилган “Халқ танлови”¹⁵ номли кенг тарқалган тадқиқотидан бошлаб, ушбу йўналишдаги ишларнинг катта қисми сайлов кампанияларига тайёргарлик ва ўтказиш мазмунида руҳлантирувчи коммуникация жараёнларни ўрганиш билан алоқадор. Сайлов боришига ахборий таъсири ва сиёсий ОКВ томонидан яратиладиган медиа образлари турли аудиториялари томонидан қабул қилиш жараёнларини таҳлили алоҳида назарий томонлари хусусан 50- 60- йилларда Б. Берельсон, Э. Кац ва У. Макфи, иштирокида П. Лазарсфельд¹⁶ томонидан тадқиқ этилган.

Сиёсий коммуникацион тадқиқотлар микро босқичлари қаторига Б. Багдикян, Д. Бари ва Б. Сильвер, А. Джордж, Р. ва К. Доусонс К. Прюитт¹⁷ билан ҳаммуаллифликда 50-90- йилларда чоп этилган асарларида

¹⁴ Чугунов А.В. Политика и Интернет: политическая коммуникация в условиях развития современных информационных технологий: Автореферат дисс. ... канд. полит. наук. – СПб., 2000., Анохин М.Г. Политические системы: адаптация, динамика, устойчивость (Теоретико-прикладной анализ). – М.: Агентство “Инфомарт”, 1996., Василенко Л.А. Интернет в информатизации государственной службы России: Социологические аспекты. – М.: РАГС, 2000., Латынов В.В. Политическая коммуникация. // Политическая энциклопедия: В 2 т. / Национальный общественно-научный фонд; Рук. проекта Г.Ю. Семигин; Науч.-ред. совет: пред. совета Г.Ю. Семигин. – Т. 2. – М.: Мысль, 1999.

¹⁵ Lazarsfeld P., Berelson B., Gaudet H. The People's Choice. – New York: Free Press, 1944.

¹⁶ Berelson B., Lazarsfeld P., McPhee W. Voting: A Study of Opinion Formation in a Presidential Campaign. – Chicago: University of Chicago Press, 1954. – P. 95.

¹⁷ Bagdikian B.H, Bahry D., Silver B. Soviet Citizen Participation on the Eye of Democratization. // American Political Science Review. – 1990. – Vol. 84. – P. 82.

кўрсатилган шахс сиёсий ижтимоийлашуви жараёнлари ва ташвиқот феноменлари назарий таҳлили ҳам тегишли.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бугунгача сиёсат соҳасида ахборот таъсири ва ўзаро таъсирлашув жараёнларини англаш ва назарий ўрганиш сиёсий коммуникация ҳали ҳануз тадқиқотларнинг назарий методологик объекти сифатида ўрганилмаган. “Акцентларни аралашуви”, яъни сиёсат соҳасида коммуникация феномени таҳлили учун машҳур политологик концепцияларни қўллаш турли сиёсий ҳодисаларни ўрганишда, сиёсатнинг ўзини “коммуникацион ўқиш”да кескин ривожланаётган назария элементларини қўллаш билан мослашишини назарда тутати. Ушбу ишда айнан юқорида санаб ўтилган мавзуларнинг барчаси атрофлича очиб беришга ҳаракат қилинган.

Шу муносабат билан **тадқиқот мақсади** сиёсат субъектларини ўзаро ва ҳокимиятни эгаллаш, сақлаш, ишлатишга, жамиятда бошқарув муносабатларининг сақланиши, мустаҳкамланиши ёки ўзгаришига қаратилган ижтимоий атроф-муҳит билан таъсирлашувининг зарурий таркибий қисми сифатида назарий концепция ва моделларни таҳлил қилиш саналади.

Бу мақсадга эришиш йўлида **қуйидаги вазифалар** белгиланди:

– дунё умумий харитасини мифологик образлардан ахборот коммуникацион тасаввурларга ўзгартириш билан ўзаро алоқада ижтимоий сиёсий фикр эволюциясини ўрганиш асносида сиёсий коммуникация замонавий назарий концепциялар пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуний табиатини асослаб бериш;

– сиёсатнинг ахборот коммуникацион соҳасини таҳлилидан келиб чиқиб, ижтимоий сиёсий илмлар умумий тузилмасида сиёсий коммуникация назарий концепцияси ўрнини аниқлаш;

–сиёсий коммуникацион жараёнларни ўрганиш методологияси ривожланишда асосий тенденцияларини тадқиқ этиш;

– сиёсий коммуникацион тадқиқотлар йўналишини микробоскич таракқиёти ўзига хослигини, сиёсий коммуникация алоҳида ва хусусий омилларини таҳлил қилиш умумий ва ўзига хос методларини аниқлаш;

– сиёсий коммуникацион тадқиқотлар йўналишини микробоскич ёндашуви синтези асосида жамият сиёсий тизими ўзида тузилмаости умумлаштирилган функционал асосланган компонентлар қурилиши методологияси ва принципларини асослаб бериш;

– сиёсий соҳада ахборот таъсири ва ўзаро таъсири жараёнларини концептуал акс эттирувчи когнитив тузилмалар сифатида сиёсий коммуникация асосий моделларини таҳлил қилиш;

– муайян сиёсий натижалар: тарғибий-ташвиқий фаолият, сиёсий реклама, жамоатчилик алоқалари ва сиёсий маркетингни ривожлантиришга эришишга йўналтирилган стратегик сиёсий коммуникацион кампаниялар умумий ва ўзига хос томонларининг назарий таҳлили даражасида аниқлаш;

– сиёсий фаолият маълум тарихий шакллари ижтимоий сиёсий соҳада қайта қуриш жараёнларида коммуникация воситаларининг ролини очиб бериш;

– интернет тармоғини универсал коммуникацион муҳит сифатида ишлатиш имкониятлари ҳисобига қурилаётган ахборот жамиятида сиёсий коммуникация шакллари ривожланиш асосий тенденцияларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Сиёсий коммуникацияга оид ғарб тадқиқотчиларининг концепция ва назариялари.

Тадқиқот предмети. Сиёсий коммуникация концепция ва назариялари тадқиқоти методологияси, шаклланиш тарихи ва концепциялари.

Тадқиқотнинг назарий- методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фундаментал асарлари, унинг олимлар ва илмий жамоалар олдида сўзлаган нутқлари ва мақолалари, кодификациялашган қонун нормалари, шунингдек қонунлар, Президент Фармонлари, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, хорижий олимларнинг оммавий коммуникацияга оид олиб борган тадқиқотлари ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Сиёсий коммуникация шаклланиш принциплари ва методлари, шунингдек, назарий концепциялар ривожланиш тенденциялар таҳлили асосига тадқиқот объекти муайян хусусиятларини шартли белгили намойиш билан боғлиқ моделлаштириш методи қўйилган бўлиб, бир томондан, сиёсий коммуникациянинг ижтимоий сиёсий воқеликда ўз ўрнига эга бўлган феномени сифатида ички бутунликни акс эттирадиган, бошқа томондан, унинг алоҳида қисмлари ўзига хослигини очиқ беради.

Сиёсий коммуникация ахборот жамияти шаклланишида сиёсий коммуникация ривожланиши асосий тенденциялари таҳлили, шунингдек, сиёсий соҳада энг яхши ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш муносабати билан тугалланишига узоқ вақт бор жараёнларини тадқиқ этишга муносабатни назарда тутадиган “электрон демократия” алоҳида элементлари шаклланиш устунликлари ва кейинги эволюцияси баҳоси эҳтимолий сиёсий башорат қилиш методини ишлатилишини долзарблаштиради.

Мазкур муаммони кейинги тадқиқотларига йўналтирилган илмий тадқиқот ишида сиёсий коммуникация таҳлили ҳамда тадқиқот жараён ва ҳодисалари назарий таҳлили кўрсатилган материаллар ва натижаларни қўллаш имконияти билан боғлиқ. Шунингдек, ахборот соҳаси ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан давлат ҳокимият органлари самарали ахборот ўзаро алоқасини таъминловчи давлат ва муниципал электрон инфратузилмасини ривожлантириш бўйича миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқаришни мақсад қилган давлат ва ижтимоий сиёсий уюшмалари фаолияти билан алоқадор.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Кириш, учта боб, саккизта бўлим, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳамжи бетдан иборат.

I- БОБ. СИЁСАТ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Дунё сурати қайта шакллантирилиши ва ижтимоий сиёсий фикр эволюцияси контекстида сиёсий коммуникация концепцияси генезиси

Ҳар қандай давр сиёсий қарашлари дунё, унда одамнинг ўрни, инсонни атрофидаги воқелик ва ўзига ўзининг муносабатлари ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, ушбу тасаввурлар билан шартлашган онг ва фаолият принциплари, эътиқодлар ва қадриятларга таяниб, ўзида дунёвий бошланғич нуқтани сақлаши лозим. Илгариги дунёвий кўрсатмалар ва уларнинг доирасида шаклланадиган, дунё сурати деб номланиши қабул қилинган, атроф воқелиги бутун образидан келиб чиқиб, ҳокимият ва ҳукмронлик қилиш, сиёсий муносабатлар, жамиятдаги тизим, жараён ва институтлар, сиёсий фаолият шарт, имконият ва сабаблари ҳақида билимлар шаклланиши ва ривожланиши ўзига хослик ва қонуниятлари ишлаб чиқарилади.

Воқеликни акс эттириш тарихан биринчи шакли афсонавий дунё сурати бўлиб, фантастик образларида қадимий жамият дунёқарашлари шаклланади. Афсонавий тушунчада умумдунёвий, фазовий, илоҳий келиб чиқишга эга дунёвий тартиблар ажралмас қисми сифатида кўринса, сиёсий фикр намоён бўлиши ўз навбатида бутун афсонавий дунёқараш элементларини намоён этарди. Илоҳий адолатни кўкларга кўтариш ердаги ижтимоий сиёсий муносабат, инсон хулқ атвори қонун қоидалари бизгача етиб келган Қадимий Миср манбалари: “Птахотеп таълимоти”(м.а. XXVIII аср), “Гераклеополь шоҳининг ўғлига таълимоти”(м.а. XXI аср) ва бошқаларга хос. Ҳукумат ва қонунлар илоҳий табиати ҳақида тасаввурлар, уларнинг ўзгармас осмон олд кўрсатмалари ва адолатига мувофиқлиги кейинги, м.а. XVIII аср сиёсий ҳуқуқий фикр қадимий Бобил ҳайкали “Хаммурапи қонунлари”да акс этган. Ушбу ҳужжат матнида ўз мулозимларига нисбатан коммуникатор ролида

чиқадиган Қадимий Бобил шоҳи моҳиятан худолар иродаси ретранслятори сифатида намоён бўлади: “Шамаш, осмон ва ер буюк судьяси хоҳишига кўра, мамлакатимда адолат қарор топсин! Мардук, менинг ҳукмдорим буйруғига кўра, кўрсатмаларимдан ҳеч ким бўйин товламасин”.

Ҳукумат ва ҳукмдорларнинг ўзи илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар нафақат қадимий матнларида, балки тасвирий санъат ҳайкалларида ҳам ўз аксини топган. Кенг томошабин аудиториясига яққол мақсади билан очиқ ва кўримли шаклда муайян маълумотларни мустаҳкамлаган бу ҳайкаллар моҳиятан сиёсий коммуникация визуал усуллари ишлатиш энг эрта шакллари ҳисобланади. Шундай қилиб, қадимий миср фиръавнлари билан илоҳлари тасвири тарқалиши шубҳасиз потенциал томошабинлар онгида буюклиги ва донолиги ўз ўзидан англашилиб, шубҳага йўл қўйилмайдиган ердаги ҳукмдорнинг илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги тасаввурларига қаратилган.

Афсоналар мазмуни қадимий одамлар онги учун етарлича ишончли намоиш қилинади, чунки у кўплаб авлодлар воқелигини англашнинг “ишончли” тажрибаси муайян маъносида акс этган бўлиб, бу танқид эмас, эътиқод предмети бўлиб хизмат қилади. Шунга қарамасдан, жамиятнинг ижтимоий дифференциаллиги, амалий илмлар йиғилиши ва умумлашиши ва атроф воқелиги ҳақидаги тасаввурлар дунёнинг бутун мифологик сурати, дунёқарашни алоҳида индивидлар ҳам, турли уюшмалар ҳам секин асталик билан парчаланишига олиб келди. Алоҳида дунёвий юклама фалсафа ва динга ўтди, у кўп асрлар тор, баъзан қарама қарши муносабатларда жойлашган. Дунё сурати табиатини ўзгариши, турли соҳалари тўғрисидаги ғоя ва илмлар доирасида шаклланиш ва ривожланиш ўз ичига сиёсат соҳасини ҳам олиб, “... секинлик билан йиғилган илмларни олдиндан аниқланадиган текис тўғри чизиқли жараён. Тарихда ўзининг портлайдиган, инқилобий даврлар бўлгани каби ғоя ва илмлар тарихида ҳам инсон руҳи, инсон интеллекти ҳақиқий фейерверки ажойиб феноменида кузатиладиган

бир неча юзйилликдаги даврлар бўлган. Бу кўп жиҳатдан инсон цивилизацияси кейинги боришини аниқлаштирадиган ўзига хос “маънавий инқилоб”дир¹⁸”. К.Ясперс томонидан “ўқдаги вақт” деб номланадиган биринчи инқилобий давр милoddан аввалги 800 ва 200 йиллар оралиғидаги давр деярли бир пайтда ва бир биридан мустақил тарзда Шарқда – Хитой, Ҳиндистон, Форс, Фаластин ва Ғарбда – Грецияда бир неча ички бир бирига қардош маънавий марказлар шаклланди. К.Ясперс алоҳида таъкидлаганидек, “ўқдаги вақт” – бу мифологик дунёқарашни ёриб ўтилиши, рационал фикрловчи, ўзини ўзи англашга қобил инсон шаклланиши даврида “биз ҳануз фойдаланиб келаётган асосий категориялар ишлаб чиқилганди”¹⁹. Сиёсий фикр фалсафа доирасида тараққийлашган. В.Д. Зотов таъкидлаганидек²⁰, “XV–XVII асрларгача яъни Уйғониш давригача ва Янги аср бошланишида сиёсий ҳуқуқий фикр асосан файласуфлар ҳаракатлари туфайли ривожланган”. Ҳақиқатдан ҳам, Қадимги Хитой, Қадимги Рим ва Греция, Ўрта асрлар, Янги аср бошланиши мутафаккирлари, энг аввало, буюк файласуфлар: Конфуций (м.а.551–479.), Мо-цзы (м.а.479–400), Платон (м.а.428/427–347), Аристотель (м.а.384–322), Августин Аврелий (354–430), Фома Аквинский (1225/1226–1274), Ибн Хальдун (1332–1406), Томас Гоббс (1588–1679), Джон Локк (1632–1704)лар ҳисобланган. Ушбу қаторга Марк Туллий Цицерон (м.а.106–43), машҳур римлик нотик, давлат арбоби ҳам киради. У қадимги юнон фалсафаси чуқур билимдони бўлишига қарамасдан, Платон ва Аристотель ғоялари асосида давлат ва ҳуқуқ ҳақида шахсий таълимотини яратади, бу таълимот янги тарихий шароитларда сиёсий воқеликларнинг аксига айланди. Шунингдек, шулар қаторига Никколо Макиавелли (1469–1527) ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Флорентийлик сиёсатчи, дипломат, ёзувчи ва сиёсий соҳани илмий ўрганиш методологияси илдизларини қиёсий, тарихий таҳлил ва реал сиёсий муносабатларни

¹⁸ Ясперс К. Смысл и назначение истории. – 2-е изд. – М.: Республика, 1994. –С. 52

¹⁹ Ясперс К. Смысл и назначение истории. – 2-е изд. – М.: Республика, 1994. –С. 122.

²⁰ Зотов В.Д. Политология. – М.: Юристь, 2001 – С. 51.

эмпирик кузатиш методлари ёрдамида мустақил изланиш объекти сифатида ўрганган тарихчи ҳисобланади.

Антик давр ижтимоий фалсафий таълимотлари сиёсий онг ва фуқаролар хулқ атвориға таъсир воситаси сифатида коммуникацияни англашға тамал тоши кўйишди. Тарқалаётган ахборотларни чуқур саралаш, ишлаб чиқиш, зарурий ҳолатларда мазмунини ўзгартириш йўли билан мифологик тасаввурлар танқиди, оммавий онг бирлашуви кейинги мақсади, “идеал давлат” фуқароларининг мафкуравий сиёсий бирлигига эришиш Платон асарларида ўз ифодасини топган. “Ахир биз болаларимиз улғая бошлаганда, – дейди буюк файласуф – улар билиши керак бўлган фикрларға кўпинча зид бўлган қандайдир номаълум шахслар томонидан ўйлаб топилган тўғри келган мифларни қабул қилиши ва эшитишиға йўл қўя оламизми?”²¹. Сиёсий коммуникация алоҳида аспектларини назарий умумлаштиришға бўлган маълум ҳаракатлардан энг биринчилари Аристотелға тегишли, у сиёсатни “мулоқот” сифатида кўриб чиқиб, илк бор унинг коммуникацион моҳияти очиб берди. Уни таъкидлашича, “кўриб турганимиздек, ҳар қандай давлат ўзига хос мулоқотни намоён қилади, ҳар қандай мулоқот эса бирор манфаат йўлида ташкил этилади, шуниси аёнки, барча мулоқотлар у ёки бу манфаатға интилади, барчасидан устун ва энг кўп шундай манфаатни кўзлайдики, у барчасидан муҳим ва қолган барча мулоқотларни ўз ичига олади. Мана шу мулоқот давлат ёки сиёсий мулоқот деб аталади”. Айнан Аристотелға коммуникацион жараёнлар биринчи моделларидан бири – оммавий нутқ тузилмасининг таърифига тегишли²²: “Нутқ учта элементдан иборат: нотикнинг ўзи, у гапираётган предмет, у мурожаат қилаётган шахсдан; охиргиси кўзланган мақсаддир (тингловчини назарда тутяпман)”.

Аристотелнинг сиёсатнинг коммуникацион моҳияти ҳақидаги ғояси кейинчалик Цицерон ва Ўрта аср мутафаккирлари асарларида ҳам ўрганилади. Машҳур рим нотиғи ва давлат арбобида сиёсий нутқ ҳуқуқий

²¹ Платон. Государство. // Платон. Филеб, Государство, Тимей, Критий. – М.: Мысль, 1999.- С. 79.

²² Аристотель. Риторика // Аристотель. Риторика; Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – С. 5.

табиатга эга бўлади ва “умумий ҳуқуқий тартибот” ўрнатилиши мақсадини кўзлайди. Давлатни (respublica) “халқ меросий бойлиги (res populi)” сифатида аниқлаштириб, Цицерон алоҳида таъкидлаганидек, “халқ бу қандайдир йўл билан одамларни ҳар қандай бирлашуви эмас, балки кўплаб одамларни ҳуқуқ масалалари ва манфаатлар бирлиги асосида боғланган уюшмаси тушунилади”. Кейинроқ Августин Блаженный халқларнинг ранг баранглиги ва турфа хиллигига қарамасдан, уларнинг ҳар бири “алоҳида қонуниятлар ва анъаналар” бўйича яшарди, ҳамиша “иккита града” деб номланадиган “иккитадан кўп бўлмаган инсоний мулоқот”лар яъни “фақатгина тана бўйича дунёда яшашни истайдиган одамлардан иборат”, иккинчиси “руҳан яшашни истайдиганлардан иборат” иккита жамияти мавжуд бўлган²³. Фома Аквинский, Аристотелнинг “Сиёсат” асарини насронийлик руҳида талқин қилиб, инсонни “сиёсий мавжудот” ёки “жамоавий мавжудот” сифатида мавжудлиги худо томонидан белгиланган зарурият деган хулосага келди.

Уйғониш даврида Н. Макиавелли²⁴ ижодида тарқатилаётган хабарларни саралаш, таркибини ўзгартириш ва интерпретация қилиш йўли билан сиёсий онгга мақсадга йўналтирилган таъсири муаммоси билан боғлиқ “Платон чизиғи” кейинги ривожини топди. Амалий сиёсат дунёвий табиати ва уни диний тасаввурлардан ажратиш заруриятига урғу беришига қарамай, Макиавелли ҳокимиятни муваффақиятли ижро этишни таъминлайдиган мафкуравий восита сифатида динни қўллаш тарафдори эди: “Аслида, ҳеч бир халқда худога қаратилмаган фавқулодда қонунлар муассиси бўлмаган, чунки акс ҳолда уларнинг қонунлари ҳеч ким томонидан маъқуланмасди; фаросатли инсон томонидан анланган ва қолган барча одамлар томонидан устунликлари арзирли даражада баҳоланиши мумкин бўлган етарлича аён бўлмаган манфаатлар жуда кўпдир. Мана шунинг учун мазкур қийинчиликларни бартараф этишни истаб, худоларга мурожаат қилган”.

²³ Августин Блаженный. О граде Божиим. – Мн: Харвест; М.: АСТ, 2000. – С. 12

²⁴ Фома Аквинский. Сумма теологии: [Фрагменты]. // Антология мировой правовой мысли: В 5 т. / Национальный общественно-научный фонд; Рук. научного проекта Г.Ю. Семигин. – Т. II: Европа: V–XVII вв. – М.: Мысль, 1999. С. 581.

Моҳиятан бу каби динга тоза утилитар ёндашувни давлат, сиёсий манфаатларни таъминлаш мақсадига йўналтирилган коммуникацияни қўллаш вариантларидан бири сифатида кўриб чиқилади.

XVII асрдан бошлаб дунёқараш шаклланишида илм катта аҳамият касб этади. Айнан мана шу даврда ғарбий жамиятда рационализм идеаллари тасдиқланиб, “ақл асри” ҳукмронлиги эълон қилинади. Айни пайтда В.М. Найдыш таъкидлаганидек, “табиатшунослик ҳар қандай илм асоси сифатида гуманитар фанлар ривожланишига (методологик кўрсатмалар, умумдунёвий тасаввурлар, образ, ғоя ва бошқалар орқали) ҳамиша таъсир ўтказган”.

Фалсафий интерпретация натижасида дунёвий ва методологик аҳамият касб этадиган табиий илмларга эришиш, ижтимоий воқелик ҳақидаги илмларни шакллантириш усул ва услублари, шу қаторда ижтимоий сиёсий назариялар қурилиши асосида ётган принциплар тизимига кўринарли таъсир ўтказди.

Бугун содир бўлаётган ўзгаришлар қонуниятлари ва объектив мантиқини очиш, ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасида кескин саналадиган чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўзаро муносабатларини яъни бўлиб ўтганларнинг энди содир бўладиганларига муносабати сифатида тушунишга илмий онг ёрдам беради. Ушбу муносабат билан дунёнинг классик сурати И. Пригожин, И. Стенгерс таъкидлаганидек²⁵, “замонавий илм фан бошидан ўтказаетган трансформация устидан айниқса кузатиш қулай бўлган “кузатувчилик пункти””ни гавдалантиради. Ньютоннинг классик механикаси катта ҳажмли дунё сурати учун хос бўлган объектив воқелик ҳодисаларининг кенг доирасини қамраб олган илк фундаментал илмий назария бўлди. XVI–XVII аср илмларини умумлаштириб, И. Ньютон илк бора бутун дунё тортишиш қонуни ва илгари И.Кеплер томонидан ўрнатилган сайёралар ҳаракати қонунлари оддий натижалари сифатида келиб чиққан механик ҳаракат учта асосий қонунларини универсал ва содда шаклда шакллантирди. Ўзининг

²⁵ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – С. 31.

тизимли изоҳида Ньютон ер ва осмон жараёнлари механикаси кўп йиллар давомида илмий онг ягона назарий асоси бўлиб қолди ҳамда механик дунё сурати ядроси бўлиб намоён бўлди. Ньютон назариясининг аниқ астрономик вазибалар осмон жисмлари ҳаракатини ўрганиш билан тор ўзаро алоқаси астрономия навигация, қадимдан вақтни аниқ белгилашдан то XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги саноат инқилобигача бўлган давр бевосита инсон амалий фаолияти муҳим соҳаларига мўлжалланганлиги шароит билан тарихан белгиланади, бу илм фан етакчи соҳаси саналади.

Механицизм XVII–XVIII асрларда сиёсий ғоялар ривожланишига аҳамиятли таъсир ўтказди. Т. Гоббснинг “Левиафанга” қаратилган машҳур кириш бу муносабатда жуда аҳамиятли²⁶, бу ерда давлат турли хил пружиналар, дастак, ғилдирак, ип ва бошқалардан қилинган одамлар томонидан яратилган ҳар қандай ҳаракатланувчи автомат механизми ёки соат “сунъий одам”га тенглаштирилади. Зарурият даврини мутлақлаштирувчи сабаблилик ва детерменизмни механистик тушунчаси Ш.Л. Монтескье сиёсий таълимотида ёрқин намоён бўлади, у табиий омиллар яъни табиий муҳит ҳамда иқлим таъсири натижасида жамият тараққиёти асосий принципларини тушунтиришга интилан. Қонунларни “нарсалар табиатидан оқиб чиқадиган зарурий муносабатлар” сифатида аниқлаштириб, у инсонни муҳитнинг жисмоний хусусиятлари ҳам қонунлар табиатини, ҳам ҳокимият турини аниқлаб берадиган атрофдаги олам қатъий детерминистик тизимига жойлаштиради²⁷. Монтескье фикрича²⁸, қонунлар “давлат жисмоний хусусиятлари, унинг совуқ, иссиқ ёки мувозанатдаги иқлимига, тупроқ сифати, ўлчамлари, ер эгалари, овчи ва чопонлар – халқининг ҳаёт тарзига мос келиши керак”, ва “бу барча муносабатлар, уларнинг бирлиги Қонунлар Рухини шакллантиради”.

²⁶ Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского. // Гоббс Т. Сочинения: В 2 т. – Т.2. – М.: Мысль, 1991.- С. 3.

²⁷ Монтескье Ш.Л. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – С.5 .

²⁸ Монтескье Ш.Л. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. – С.67 .

Шу муносабат билан табиатшуносликда механицизм ҳукмронлиги даврида ижтимоий сиёсий жараёнларни, шу жумладан, сиёсий коммуникация аспектларини англаш билан боғлиқ аниқ муаммолар моҳиятан илмийдан кўра, қадриятларга асосланган табиатга эга назариялар доирасида кўриб чиқилган. Дж. Мильтон ўзининг машҳур “Ареопагетика”сида инглиз парламентиға қаратилган ОАВ эркинлиги ҳақидаги нутқи телеологик далиллардан фойдаланиб, ҳар бир инсонни ақл билан илоҳий бойитилганлиги ҳолати, мустақил фикрлай олиши қобилияти, ўқиш имкониятидан келиб чиқиб, босма эркинлигини чекланиши ўз виждониға асосланиб яхши ва ёмон ўртасида мустақил танлаш имкониятиға эга бўлган инсонларға зид эканлигини, қарама қарши фикрлар билан синаш эса шахсни насронийлик тушунчасида фазилатларини такомиллаштиришға кўмаклашишини исботлади²⁹.

Ньютон томонидан дунё классик сурати ва унинг оқибатлари универсал табиати ҳақидаги тасаввурларға келадиган бўлсак, улар XIX асрда илмға киритилган принципиал янги методологик ўрнатма – вақтни орқаға қайтариб бўлмаслик ҳақидаги бир томонламалик ҳақидаги ғоясини илғари сурган, табиатшунослик соҳасидаги муҳим кашфиётлар томонидан иккиланишларға сабаб бўлди. Саноат инқилоби кенгайиб бориши билан “савдогар ўрнини фабрика ишчиси, хронометр ўрнини буғ машинаси эгаллади”, табиий фанлар тадқиқотчиларининг қизиқиш марказида эндиликда механика эмас, термодинамика тура бошлади.

Мафкуралар кураши йўсинида сиёсий коммуникация муаммоси одамлар онгига мақсадли таъсир кўрсатиш инструментал имкониятлари нуқтаи назаридан, тадқиқот манфаатлари кесишмасида қолиб, назариётчиларнинг эътиборини жалб қилди. Прогрессив тенденциялар кўп жиҳатдан гегел диалектикаси таъсири остида сиёсий муносабатлар мураккаблашуви ҳамда

²⁹ Мильтон Д. Ареопагитика: Речь о свободе печати, обращенная к английскому парламенту // О свободе: Антология [с.306] западноевропейской классической либеральной мысли / Отв. ред. М.А. Абрамов. – М.: Наука, 1995. -С. 19.

рационал такомиллашуви, сиёсий тизимларнинг жамиятни самарали бошқариш ва ташкилотчилик даражасини ўстириш имконини берадиган кенг ва универсал табиатдаги ахборот, функциялар ва тузилмалар ижтимоий тарихий жараёнда йиғилиши позициясидан таҳлил этилади.

Постклассик илмий дунё сурати доирасида шакллантирилган дунёқараш кўрсатмаларига муайян таъсир сиёсий коммуникация жараён ва ҳодисалар илмий таҳлили илк ҳаракатларида кузатилади. Коммуникациянинг мазкур тарихий контекстида аҳамияти диалог мақсадларига боғлиқ бўлмаган ва шунинг учун моҳиятан иккиламчи саналган ҳокимият ва жамият диалогичуви учун сиёсий жараёни боғлайдиган чуқур техник бўлиб намоён бўлади. Келтирилган тезис намоёнишкорона иллюстрацияси сифатида Г. Лассуэлл асари ҳам келтирилади, бу ерда уруш олиб бориш шароитларида оммавий тарғибот самарадорлиги муаммолари кўриб чиқилади ва коммуникация диалог кўринишида эмас, балки бир йўналишли, моҳиятан фаол ҳаракатланувчи, “бошқарувчи”, “бошқариладиган” аудиторияга ахборий таъсир объекти ролида чиқадиган нофаол коммуникаторлар ролига ўзаро зид кўйилиши ва қатъий мустаҳкамланишини назарда тутадиган олдиндан берилган натижа билан техник технологик субъект объект жараёни етарлича содда тарзда таҳлил қилинади.

1.2. Ахборот жамияти ва замонавий илмий дунё харитасининг шаклланиши

XXI аср бошларида ахборот инқилоби ўз таъсири билан ижтимоий воқеликнинг барча томонларини қамраб олди. “Компьютер техникаси кириши бутун ишлаб чиқариш жараёни, машинасозлик, архитектура, китоб босиш, ахборот тизими, тиббий хизматни мутлақо ўзгартирди. Компьютер экран билан бирга фикрлаш тарзимизни, ахборот олиш усули,

ишбилармонлик алоқаларини ўзгартира бошлайди”, – дея 90-йиллар бошларида таъкидларди Д.Белл³⁰.

“Ахборот жамияти” атамаси 60-йиллар бошларида илмий ишлаб чиқариш таҳлилига бағишланган америкалик тадқиқотчи Ф.Махлуп асарлари индустриал шаклдаги цивилизация ўрнига келувчи тарихий тараққиёт янги босқичга ўтиш вариантлари кўриб чиқиладиган постиндустриализм замонавий ижтимоий сиёсий назариялар ва концепциялар босқичли аппаратида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. 90- йиллар бошларида Белл таъкидлаганидек, “постиндустриал жамият бу мавжуд ғарбий дунёдаги тараққиёт тенденциялари проекцияси ёки экстрополяцияси эмас, балки аграр тизимни саноат ўзгартиргани каби ҳаётнинг ижтимоий техник ташкилоти янги принциpidир”³¹, дейишга имкон берди.

Ахборот жамиятининг шаклланиши асосий омили инсон ҳаёт тарзининг барча соҳаларида ахборот коммуникацион технологияларининг ролини ўсиши саналади. М.Кастельс сўзларига қараганда, “ахборот технологиялар атрофида қурилган янги технологик парадигма иши орқали моддий маданиятимиз қайта шаклланиши” содир бўлмоқда. Ахборот менеджменти соҳасидаги машҳур мутахассис, 80 йиллар иккинчи ярмида Белфастдаги Қироллик университети ахборот тадқиқотлари кафедраси мудир, У. Мартин таъкидлашича, ахборот жамияти атамаси остида “ривожланган саноат жамияти” тушунилиши керак ва унинг марказида Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа туради. Бундай жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқотчининг фикрига қараганда, 5та энг аҳамиятли: технологик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий критерийлар саналади. Улардан энг асосийси технологик омилдир – ахборот технологиялари ишлаб чиқариш, муассасалар, таълим соҳаси ва хўжаликда кенг қўлланилади. Ижтимоий соҳада ахборотга йўлни кенгайтириши “турмуш даражаси” ўзгариши,

³⁰ D.Bell. Die dritte technologische Revolution und ihre möglichen socioökonomischen Konsequenzen. // Mercur. – 1990. – P. 44.

³¹ D.Bell. Die dritte technologische Revolution und ihre möglichen socioökonomischen Konsequenzen. // Mercur. – 1990. – P. 62.

“ахборий онг” шаклланиши ва тасдиқланиши энг муҳим стимуляторларига айланади.

Сиёсат соҳасида ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги сиёсий жараёнда фуқароларнинг иштироки кескин ошиши ва аҳоли турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари ўртасида консенсусга эришишга кўмаклашади. Маданий критерий ҳам алоҳида индивид, ҳам бутун жамият ривожланиши ролидан келиб чиққан ҳолда, ахборотнинг қимматли табиатидан иборат. У. Мартин таъкидлаганидек, ахборот жамиятида “турмуш сифати ижтимоий ўзгаришлар ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари каби тобора кўпроқ ахборот ва уни ишлатишга боғлиқ. Бундай жамиятда ҳаёт стандартлари, меҳнат ва ҳордиқ шакллари, таълим ва тижорат тизими ахборот ва илм соҳасидаги ютуқлар катта таъсири остида”³².

Замонавий жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий маънавий ҳаёт соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар асосий манбаси сифатида ахборот коммуникацион технологияларни кўриб чиқаётган назарий концепция ва ёндашувлар орасида Д.Беллнинг инсоният учинчи технологик инқилоби ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, чиқишидан анча олдин кенг машҳурликка эга бўлган Р. Арон, Г. Маркузе и У. Ростоу ишларидаги “янги саноат тўнтарилиши” ёки “иккинчи саноат инқилоби” тўғрисидаги ғояларини Ғарбий Европа олимларидан биринчилардан бўлиб Н. Винер илгари сурди³³.

Д.Белл саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётида техник технологик ва тузилмавий ўзгаришлар моҳиятидан келиб чиқиб, постиндустриал жамият генезиси ва тараққиёти, учинчи технологик инқилоб билан боғлиқ чуқур ўзгаришларни номлашни таклиф қилади. Улардан энг биринчиси XVIII аср иккинчи ярмида бошланган саноат тўнтарилиши бўлиб, у бугун амалий қўллашга йўл очган Ж. Уатт исми билан чамбарчас боғлиқ.

³² Martin W.J. The Information Society. – London: Aslib, 1988. – P. 174 .

³³ Wiener N. Cybernetics or Control and Communication in the Animal and the Machine. – 2nd ed. – Cambridge (Mass.): The M.I.T. Press – New York: John Wiley & Sons, 1961. – P.194 .

Белл ҳисоблаганидек³⁴, бу технологик янгилик ҳаётга принципиал янги тушунча – “меҳнат самарадорлиги”ни йўлга қўйиб, шу орқали фойда олиш, бойликлар кўпайиши, турмуш тарзини ўсишига жамият томонидан қабул қилинган илгари маълум бўлган энг фойдали “тинч” йўлга асос бўлди. Иккинчи технологик инқилоб XIX аср охирида содир бўлди ва иккита янгилик электр ва кимё билан боғлиқ бўлиб, улар туфайли масофада энергия узатиш, телефон, радио, синтетик материаллар имкони туғилди. Ҳозирги, компьютер ва телекоммуникацияни гавдалантирадиган, учинчи технологик инқилоб асосида тўртта янги жараён ётади:

- механик, электрик ва электромеханик тизимдан электрон тизимга ўтиш, бу тузилмавий элементлар катта сонини қисқартириш ҳамда энергия ва хабарлар узатиш тезлигини ошириш имконини берди;
- “миниатюрлаштириш”, яъни ўлчамларни кескин ўзгариши, электр ўтказувчи ёки электрик импульсларни қайта шакллантирувчи тузилмавий элементларни сиқиш, бу масалада микропроцессорларга кўплаб назорат, бошқарув, тарқатиш ва йиғиш функцияларини узатишга имкон берган транзисторни яратилиши аҳамияти жиҳатдан “буғ кучи”ни кашф этилиши билан тенглаштирилади;
- “дигитлаштириш” ёки ахборотни телефонлар (товуш), телевидение (тасвир), компьютер (маълумотлар) ва телефакс (матн) ўртасидаги коммуникацион секторларда анъанавий фарқларни ювадиган рақамли кодлар воситасида дискрет узатиш, рақамли қайта шакллантириш ёрдамида улар моддий ўзаро алоқага эга бўлди, “телетрансмиссия” номи остида машҳур унифицион иттифокка бирлашди;
- дастурий таъминот хўжалик ва кичик ишлаб чиқаришда шахсий компьютерларни кенг тарқалишига “калит”, чунки эндиликда фойдланувчилардан турли амалий масалаларни тез ва бир пайтда ечиш учун дастурлашнинг бирор махсус тилини билиш талаб этилмайди

³⁴ Bell D. Die dritte technologische Revolution und ihre möglichen socioökonomischen Konsequenzen. // Mercur. – 1990. – Jg. 44. – H. 1. – S. 28.

Барча технологик инқилобларни ажратишда ҳал қилувчи шароит, Белл фикрича³⁵, киритилган янгиликлар “жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келган ва эски муносабатларни янгидан ташкил этадиган ўзгаришларнинг манбаси ёки асоси” бўлиб хизмат қиладиган пайтидир. Бироқ масалани бу тарзда қўйилиши айнан урта технологик инқилобни ажратилиши фикримизча, муайян мантиқий қарама қаршиликлардан эркин бўлмаган тарзда намоён бўлади. Агар технологик инқилоб жамиятнинг олдингиларидан фарқли, кейинги тараққиёт босқичи етиб келишига сабаб бўладиган янгилик тўнтарилишлари билан таққосланса, унда мазкур критерийга биринчи ва учинчи “технологик инқилоб”ларни мослаштиради, улар ўз навбатида, саноат ва постиндустриал босқичларни бошланишини белгиласа, иккинчисида “технологик тўнтарилиш” янги тўнтарилишлар аҳамиятига қарамасдан, ҳануз тараққиётнинг саноат босқичида турган жамиятда “эски муносабатларни янгидан ташкил қилиниши”га олиб келмайди. Шу тариқа, Белл томонидан таклиф этилаётган “уч технологик инқилоб” концепцияси назаримизда, ортиқча “оралиқ занжир”га эга бўлиб, замонавий жамиятдаги чуқур ўзгаришларни зарур даражада очиш имконини бермайди.

Мазкур концепцияга қараганда, илмий техникавий инқилоб ўзига хосликлари ва эҳтимолли ижтимоий оқибатларни тушунишга қаратилган Н.Винер томонидан таклиф этилган концепция ишончлироқдир. Ҳали 50 йиллар бошларида кибернетикага асос солган шахс “иккинчи саноат инқилоби” ҳақидаги тезисни асослай бошлади, чунки у алоҳида таъкидлаганидек, “машина бир пайтлар инсон маданияти соҳасига кириб, унга улкан таъсир ўтказди”.

Винер ҳам Белл каби саноат ишлаб чиқариши тараққиётида инқилобий нуқта буғ машинасини кашф этилиши деб ҳисоблаб, даставвал “инсон ёки ҳайвон меҳнатини ишлатишни энг ёқимсиз шаклларида бири: шахталардан

³⁵ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. – М.: Academia, 1999. – С. 78.

сув тортиш ўрнида амалда қўллади”³⁶. Аммо у “кўпроқ фойда ва камроқ харажат” очилган йўлини инсонпарвар ёки тинч йўл деб ҳисобламасди. XIX аср бошларида саноат инқилобини ривожланиши таҳлили учун типик намуна сифатида текстил фабрикаларни кўриб чиқиб. Айнан техник иқтисодий детерминантлар, инсонпарварлик эмас, олим фикрича, ўша пайтлари йирик ишлаб чиқариш тараққиёти: “... илк буғ машиналарини кам ҳажмдан кўра кенгроқ ишлатиш тежамлироқ бўларди. Машина двигательдан кўра текстил машиналари нисбатан енгил ҳамда энергияни кам истеъмол қиларди. Шунинг учун бу машиналарни йирик фабрикаларда йиғиш иқтисодий фойдалироқ эди, бу ерда кўплаб тикув станоклари биргина буғ машиналари билан ҳаракатга келтирилади”. Механик тизимлардан электрикларга ўтиш барча ишчи машиналарни ягона двигателга улаш заруриятини камайтирадиган энергия тақсимлаш усулини таъминланишига қарамасдан, “электромотор... мавжуд саноат техникасини ҳаракатга келтирувчи механизмлардан яна бири саналади”. Натижада, электр энергиясини қўллаш саноат тўнтарилиши тугалланишинигина белгиларди, чунки Винер таъкидлаганидек³⁷, техника аввалгидек одамлар интеллектуал фаолияти соҳасига тегиб ўтмасдан, “инсон мушакларига алтернатива сифатида” намоён бўлади.

Замонавий жамият ўз моҳиятига кўра, К.Яспер фикрига қараганда, кўп жиҳатдан “инсон илк меҳнат қуролини ясаб, оловдан фойдаланишни бошлагани, бирдан мутлақо янги имкониятларга эга бўлган”даги давр узок ўтмиш билан қиёслайди. Ҳақиқатдан ҳам, 200 йиллар олдинги саноат инқилоби одамларни оғир жисмоний ва монотон қўл меҳнати соҳасидан озод қилишга асос солгани каби, энди ахборотлаштириш инқилоби инсонни, Винер таъкидлаганидек, “аслида инсонга хос бўлмаган меҳнат”ни акс

³⁶ Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. –С. 34.

³⁷ Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. – С.44.

эттирувчи оддий ва бир хил ақлий операцияларни мунтазам бажариш билан боғлиқ фаолият шаклларида озод эта бошлади.

“Кибернетика” асари муаллифи 50 йилларда берилган баҳоларига кўра, ҳисоблаш машиналарига “уларга тегишли ўринларни эгаллаш учун 10 дан 20 гача йил”³⁸ зарур бўларди. Ўтмиш утопистларидан фарқли ўлароқ, у бўлажак “коммуникация” жамиятига деталли таъриф беришга уринмаган ёки агар ахборот жамияти замонавий тушунчасини қўллайдиган бўлсак, унда “инсон ва машина, машина ва инсон ҳамда машина ва машина ўртасидаги ахборот алмашинуви ўсиб боровчи роль бажариши тайин”. Шунга қарамасдан, Винернинг ижтимоий сиёсий ғоялари анъанавий таърифларга алтернатива бўлишга ўзига хос асос бўлди. Бу пайт сиёсий коммуникация замонавий тушунчаси моҳиятини тушуниш учун айниқса муҳим ва “инсон мавжудотларининг инсоний ишлатиш” концепциясининг муваффақиятини қисман тушунтиради, ушбу концепция доирасида зиддият ва антагонизмсиз жамиятнинг янги моделини яратиш таклиф қилинган. Э.Ф. Макаревич таъкидлаганидек, “ахборот алмашинуви, жамоатчилик онги ва кайфиятига таъсири, жамоатчилик алоқалари сиёсий, иқтисодий кучларига таъсир ўтказишнинг турли усулларини ишлатиш зиддиятни қайта шакллантиришга кўмаклашади”.

Винернинг сиёсий ғоялари кўп жиҳатдан қарама қарши. Бир томондан, у “жуда катта”, ўзининг нуқтаи назаридан, давлат ҳудудий таълимини танқид қилади, чунки “кичик жамоалар”ни бошқариш осонроқ. Бошқа томондан, у фақатгина функционал маънода глобаллашув замонавий концепцияларига қисмангина ҳамоҳанг дунёвий давлат яратилиши имкониятига кўрсатади. “... Буюк империялар, – Винер таъкидлаганидек³⁹, – ...яхшиланган алоқа воситалари туфайли мавжуд. Форс империясининг юраги шоҳ йўли ва шоҳ буйруқларини етказувчи чопарлар мусобақалари бўлган. Буюк Рим

³⁸ Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. – С. 33.

³⁹ Винер Н. Акционерное общество “Бог и Голем”: Обсуждение некоторых проблем, в которых кибернетика сталкивается с религией. // Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001. -С. 197.

империяси Римнинг йўлларни қурилиши ишидаги ютуқлар натижасида мумкин бўлди. Мазкур йўллар нафақат легионларнинг ҳаракати, балки императорнинг хат буйруқларини узатишга хизмат қилади. Самолётлар ва радиони пайдо бўлиши билан ҳукмдорларнинг сўзи дунёнинг энг чекка бурчакларига етиб боради ва илгари “дунёвий давлат” яратилишига тўсқинлик қилган бу омилларнинг кўпчилиги энди бартараф этилди. Шунини таъкидлаш лозимки, замонавий алоқа воситалари ... “дунёвий мамлакат”ни иложсиз қилади”.

Шунга қарамай, “дунёвий давлат” ғоясига иккилантирувчи муносабатга қарамасдан, шунини тан олиш керакки: Винер биз учун замонавийликка айланган келажакка башоратларида жамият тараққиётининг барча жараёнларига таъсир ўтказган ахборий таъминот даражаси замонавий жамиятнинг энг муҳим таснифларидан бири эканлигида ҳақ эди.

Номо sapiens “ақлли одам” Номо communicans “коммуникацион инсон”га айланади, Винер таъкидлаганидек⁴⁰, у учун “тўғри ахборотга эга бўлиб ҳақиқатда яшаш”ни анлатади. “Коммуникацион инсон” – албатта виртуал эмас, реал мавжудот, ҳаёти кўп жиҳатдан моддий энергетик эмас, балки атроф муҳит билан ахборот алмашинуви орқали аниқлаб берилади. Бу Жараён дунёси, жараён олиб келиши тайин ўлик мувозанат ва олдиндан белгиланган уйғунлик томонидан башорат қилинувчи дунё ҳам эмас”.

Дунёнинг эҳтимолий суратида Винер Дж. К. Максвелл, Л. Больцман ва Дж. У. Гиббсларнинг ғоялари давоми ва ривожини кўрарди, улар ўз замонидан анча илгарилаб, ҳали XIX ва XX асрлардаёқ дунёни “ягона ҳолатдаги шахсий қонунлар билан шунчаки мосликда бўлмаган, балки содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни эҳтимолли тақсимланиши” сифатида кўриб чиққанди. Бир қарашда, “тўлиқ бўлмаган детерминизм” ёки “қонуний индетерменизм” каби баҳсли кўринадиган таърифлар билан ўз позициясини тавсифлаб, кибернетика асосчиси аслида Ньютон– Лаплас классик ёндашуви

⁴⁰ Винер Н. Человеческое использование человеческих существ: кибернетика и общество. // Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001.- С. 3.

билан янги нуқтаи назарни таққосларди холос. Эҳтимолли дунёга хос статистик қонуният моҳиятан сабабли алоқанинг муайян шакли сифатида намоён бўлади, у ҳам ўзининг бошқа шакллари каби сабабсиз ҳодисалар мавжудлиги имкони йўқлигига, бироқ бунда тизимнинг мазкур ҳолати ўзгаришга мойиллиги мавжуд ички тенденциялар амалга ошиши имкониятининг объектив ўлчами ҳисобланмиш муайян эҳтимоллик билангина кейинги ҳолатини аниқлайди:

“Сабаб бу шунчаки бор ёки йўқликкина эмас, кўпроқ ёки камроқ даражада мавжуд бўладиган ҳодисадир”⁴¹.

“Иссиқлик тугаши” дунёнинг эҳтимоллик моделида Оламнинг чегараланган, асимптомик ҳолати сифатида аниқланади. Эҳтимол у “вақтнинг чегараланмаган даражадаги (яъни чексизликда) ўсишига интилиши мумкин”. Лекин бунда Оламнинг асосан стохастик қонуниятларга бўйсунувчи алоҳида қисмлари исталган вақтда тартибга солувчи тўлқинлар пайдо бўлиши мумкин, бу каби “маҳаллий дунёларда тараққиёт йўналиши кўриниб турганидек, яхлит олам тараққиётига зиддир ва уларда ташкилотчилик ўсишига чекловлар ва даврий тенденциялар мавжуд”. Бундай шароитларда жараёнларни тасодифий ўзини ўзи ташкиллаштириши оқибатида мураккаб, жумладан, ҳаёт шаклларига ажодд бла олиши мумкин бўлган тузилмалар вужудга кела олади, уларнинг мустаҳкамлиги ва кейинги тараққиёти “икки хил табиий саралашдан ўтади:

“яроқсиз”ларни бузиш ва номустаҳкамларидан тезкор ўтиш орқали”.

Дунё сурати эҳтимолликлари доирасида ушбу позициядан нафақат инсон пайдо бўлиши сабабларидан бирига айланган биологик эволюция, балки ижтимоий сиёсий ташкилот “номустаҳкам” ёки “яроқсиз” шаклларини бузилиши билан борадиган халқаро тарихий жараён интерпретация қилинади.

⁴¹ Ньютон И. Математические начала натуральной философии. – М.: Наука, 1989. – С. 68.

Шунда, замонавий дунё сурати эҳтимолли стохастик тасаввурларга асосланиб, А. И. Соловьев⁴² билан “хукумат ва хукумат соҳасидаги жамият ўртасидаги доимий алоқаларга кўмаклашиш гипотетиклиги ва ноаёнлиги сиёсий коммуникацияни, калит шароити ва манбаси бутун ижтимоий ҳаётнинг мазкур шаклини репродуктивлаштириш бўлган, ўзига хос сиёсат эпимарказига айлантиради”. Шу билан бирга, XX ва XXI асрларда фалсафий дунёвий интерпретация натижасида умумилмий табиатга эга бўлган ва шунинг натижасида замонавий ижтимоий сиёсий назариялар шаклланиши усул ва йўллари таъсир ўтказадиган “ахборот” ва “коммуникация” тушунчалари сиёсий контекстда алоҳида кўриб чиқилишга арзийди.

Бобга хулоса.

XX аср иккинчи ярмида ривожланган илмий техник инқилоб, хусусан, замонавий босқичи ахборот инқилоби шароитида одамларнинг янги амалий талаблари билан тарихан шартлашадиган ва долзарблашадиган замонавий илмий дунё сурати билан қарама қарши қўйилади. Дунё чизиксизлиги, моддий энергетик ва ахборот жараёнлари ўзаро алоқаси алоҳида натижалари ҳақидаги энг янги табиатшунослик тасаввурларни фалсафий методологик англаш дунёнинг постклассик дунё сурати билан қиёсланганда, нафақат вақтнинг бир йўналишлилик, қайтарилмаслигини тан олиш, балки қатъий ньютон -лаплас детерменизмидан воз кечишга олиб келади. Шу тарзда англаш натижасида шаклланган атроф воқелигининг янги образи ахборот жамияти ижтимоий фалсафий концепциялар умумилмий асослари сифатида намоён бўлади, улар ўз навбатида хукумат тўғрисидаги сиёсий омиллар ўзаро алоқаси контекстида таҳлил этиладиган коммуникация муаммоси мавжуд сиёсат дунёси ҳақидаги тасаввурлар трансформациясига олиб келади.

Сиёсат назарияси фан доирасида ахборий ўзаро таъсир муаммоси ҳокимият, жамиятда бошқарув муносабатлари бўйича сиёсий омиллар мақсадга йўналтирилган фаоллигини намоён бўлиши, бундан ташқари,

⁴² Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации. // Полис. – 2002. – № 3. – С. 5.

хокимиятнинг ўзини ахборотга эга бўлиш, доимий такомиллашуви орқали мақсадга мувофиқлик ва мавжуд тартибни ўзгартиришга таъсир қила оладиган илмга асосланган бунёдкорлик ғояси сифатида кўриб чиқилиши нуқтаи назаридан қайта интерпретация қилинади.

Илм фаннинг ривожланиши даражасида айрим дастлаб барчага машҳур бўлган ва етарлича ўрганилиб чиқилган феноменларга қайта муносабат қилинган тақдирда илгари аниқланмаган назарий методологик муносабатда принципиал жиҳатдан муҳим феноменларни излаб топишга имкон беради.

II-БОБ. СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Сиёсий коммуникация: асосий тушунчалар, атамалар таърифи ва таснифи

“Коммуникация” атамаси ҳозирги мазмуни билан яқиндагина сиёсий илмлар луғатида пайдо бўлди. Политологик матнларда ушбу тушунчани бевосита қўлланилиши илк бора XX аср бошларига тегишли Ф. Ратцелнинг сўзларига бориб тақалади: “сиёсий муносабатда ахборот узатиш барча коммуникацион хизматлар ичидан энг муҳими саналади”⁴³. Коммуникация кенг тушунча сифатида нутқ, имо-ишора, шунингдек, тасвирлар ва бошқа рамзий шакллар воситасида ахборотни инсондан инсонга ўтиши деб тушунилади. Илк коммуникация кўринишлари моддий ташувчиларда аниқланган бўлиб, жамият билан бирга пайдо бўлиб, ривожланиб келди, бироқ ҳам нутқий, ҳам визуал коммуникация сиёсий таъсир ускунаси сифатида қадимдан ишлатилиб келди. Қабилла бошлиқлари, кейинчалик фиръавнлар, қирол, шоҳ, князлар ва бошқа ҳукмдорлар қадимдан бугун сиёсий коммуникация деб номланувчи воситага қизиқишарди. Уларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўз мулозимларию, фуқароларининг сиёсий қарашларига таъсир ўтказиш санъати даражасига таъсир кўрсатади. Инсон онгида керакли образларни шакллантириш мақсадида турли вербал ва новербал хабарлар, мисол учун, турли тантанали оммавий маросимлар рамзлари, кейинчалик ҳатто буюк архитектура қуролларидан кенг фойдаланиларди. Одамларнинг ақлий кайфиятига таъсир ўтказиш учун индоктринация яъни урушлар ва ички зиддиятлар даврига хос бўлган мафкуравий “мия тозалашлар” тактикаси тез-тез қўлланиларди. Замонавий тарғибот, ташвиқот, жамоатчилик билан алоқалар ва сиёсий рекламани эслатувчи ахборий таъсир ўтказишларнинг энгилроқ кўринишлари ҳам ишлатилган. Қонун ва фармойишлар чиқариш йўли билан сиёсий

⁴³ Ratzel F. Politische Geographic. – Oldenburg, 1903; цит. по: Цыганков П.А. Международные процессы в условиях глобализации: проблема эффективной коммуникации // Вестник Московского университета. Серия 18: Социология и политология. 1999. № 4. - Б. 57.

коммуникацияни тўғри йўналтириш, мувофиқ жамиятларда ахборот оқимларини назорат қилиш ҳаракатлари тадбиқ қилинган. Бу назорат цензуранинг— махсус давлат институтларининг расмий фаолиятидан тортиб, замон талабларига жавоб берувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш йўли билан “пастдан норасмий босим ўтказиш”гача турфа хил шакллари қабул қилган. “Сиёсий коммуникация” тушунчасининг пайдо бўлиши Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ғарбий жамият тадрижи билан бевосита боғлиқ. Сиёсий коммуникация сиёсий ижтимоий илмлар тўқнашган нуқтада тадқиқотларда нисбатан мустақил йўналиш сифатида ажратилиши XX асрнинг иккинчи ярмида дунёдаги сиёсий жараёнларнинг демократлашуви, ахборот технологияларини пайдо бўлиши ва ролини ўсиши, шунингдек, кибернетик назария тараққиёти сабабли юзага чиқиши билан асосланади. Кўп жиҳатдан кибернетика туфайли “коммуникация” атамаси дастлаб асосан техник, алоқачи ва ҳарбийларнинг тилида қўлланилишига қарамай, умумтартибли атамага айланди, у турли илм соҳаларида кенг тарқалди, Н. Винер ғоясига кўра, сиёсий коммуникация бу сиёсатга катта таъсир кўрсатувчи хабарларни яратиш, жўнатиш, қабул қилиш ва қайта ишлашдир. Ушбу таъсир тўғридан-тўғри ёки билвосита амалга оширилиши, унинг натижалари бўлса, ҳам тезкор, ҳам вақт ўтиши билан намоён бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри яъни бевосита таъсир хусусида сайловларда иштирокка чақириш, у ёхуд бу сиёсий курс кўмагига мурожаат, маъқуллаш ёки қабул қилиш ёки аксинча, бирор қонун лойиҳасини рад этишни талаб қилиш каби кўринишлардаги сиёсий фаолиятга нисбатан ишлатишимиз мумкин. Хабарларнинг билвосита таъсири воқелик ёки қотиб қолган қараш “мукаммал модель” ёки “образлар” яратиш учун ишлатилишда намоён бўлади, улар сиёсий элиталар ва оммавий жамоатчилик онги ва ҳаракатларига таъсир кўрсатади. Хабар яратувчилар ва жўнатувчилар сиёсатчи, журналист, муайян гуруҳ намоёндалари ва ҳеч бир ташкилот аъзолари бўлмаган алоҳида шахслар (бу ҳолатда уларни айнан бир ижтимоий

умумийлик ёки институтга тегишлилиги аҳамият касб этмайди) бўлиши мумкин⁴⁴. Худди шу нарсани хабарни қабул қилувчиларга нисбатан ҳам кўллаш мумкин. Бунда хабар индивид, уюшмалар, институтлар онги, қарашлари ва хулқ-атвори, шунингдек, улар яшаётган муҳитга таъсир кўрсатган ҳолда, аҳамиятли сиёсий кучга эгаллиги муҳимдир. Сиёсий хабар сиёсатнинг калит омилидир, чунки сиёсий жиҳатдан муҳим ахборотнинг катта қисмини биз шахсий тажрибамиз эмас, балки тарқатилаётган хабарлар орқали оламиз. Ўтмиш воқеалар ҳақидаги маълумотлар ва келажак ҳодисаларнинг башоратини ахборот алмашинуви ҳисобигагина олиш имкониятига эгамиз. Шу муносабат билан Кеннет Бёрк таъкидлашича, “Воқелигимизнинг катта қисми вербал тарзда шакллантирилади. Фақатгина воқеликнинг арзимас қисмини биз бевосита тажриба йўли билан ўрганамиз, тўлиқ тасвир эса рамзлар тизими ҳисобига пайдо бўлади. “Демократия” ва “адолат” каби мавҳум тушунчалар, яна қатор сиёсий феноменларга келсак, бу ерда эмпирик асослар пайдо бўлмайди. Уларни тушунтириш вербал рамзларга алоқадор. Кўпгина сиёсий ҳодисалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин”⁴⁵.

К. Дойч сиёсий коммуникацияни “давлат бошқарувининг асаб тизими” деб атади, сиёсий хабарни сиёсий хулқ-атворни белгиловчи омил деб ҳисоблади⁴⁶. Ж.-М. Коттрэ фикрича, коммуникациянинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни инсон организми қон айланиши билан таққосланиши мумкин⁴⁷. Худди шундай уни “ҳаётини куч манбаи” ёки “она сути” деб аташ мумкин, чунки сиёсий коммуникация жамиятнинг турли қатламларини боғлаб, уларни бир бутун бўлиб фаолият юритишига кўмаклашадиган керакли субстанциядир. Жамиятда айланадиган сиёсий хабарлар сиёсий

⁴⁴ Cohen A. Future Directions in Television News Research. // American Behavioral Scientist. 1989. Vol. 33. - P. 135.

⁴⁵ Burke K. Language as Symbolic Action. – Berkeley, 1966.- P. 5.

Cotteret J.-M. Gouvernants et gouvernes: La communication politique. – P, 1973. – P. 9.

⁴⁶ Deutsch K.W. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. – London, 1963.– P. 25.

⁴⁷ Cotteret J.-M. Gouvernants et gouvernes: La communication politique. – P, 1973. – P. 9.

ҳаётнинг моҳиятан ва сифатли тарафларини аниқлайдиган тасаввурни уйғотади.

Сиёсий коммуникация етарлича тўлиқ талқини Р.-Ж. Шварценберг томонидан таклиф этилган. У бу тушунчани қуйидагича таърифлайди: “бир сиёсий тизимдан бошқасига ва сиёсий ҳамда ижтимоий тизимлар ўртасида кўчиб юривчи сиёсий ахборотни узатиш жараёни бўлиб, барча босқичларда индивид ҳамда гуруҳлар ўртасида ахборот алмашинуви узлуксиз жараёни амалга ошади”⁴⁸.

Массачусет технологик институти профессори Л. Пай алоҳида таъкидлаганидек, “сиёсий коммуникация элитадан оммага қараб сигналларни бир томонлама йўналтирилганлигини эмас, сиёсатга турлича таъсир кўрсатувчи жамиятдаги норасмий коммуникацион жараёнларнинг бутун майдонидир. Исталган жамиятдаги сиёсий ҳаёт сиёсий коммуникациянинг мустаҳкам усулларисиз мавжуд бўла олмайди”⁴⁹.

Хориж муаллифларининг асарларида сиёсий коммуникациянинг асосий учта усули ажратилади: босма (матбуот, китоб, афишалар) ва электрон (радио, телевидение ва ҳ.з.) оммавий ахборот воситалари ёрдамидаги коммуникация; ташкилотлар, хусусан, бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилувчи сиёсий партиялар ва босим гуруҳлари ёрдамидаги коммуникация; норасмий алоқалар ёрдамидаги коммуникация⁵⁰. Бироқ бу усуллар қаторига шунингдек, алоҳида коммуникатив ҳолат ва ҳаракатлар – сайловлар, референдумлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. “Сиёсий коммуникацияда, – инглиз-америкача “Сиёсий таҳлил луғати” муаллифлари белгилаганидек, – ёзилган ёки талаффуз этилган сўз билан ишланади, бироқ у шунингдек, исталган белги, рамз ёхуд сигнал ёрдамида амалга ошади, унинг воситасида моҳияти тушунилади. Шу тариқа, коммуникацияга рамзий ҳужжатлар – масалан

⁴⁸ Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – М., 1992. – Ч. 1.- Б. 17.

⁴⁹ Pye L. Political Communication // The Blackwell Encyclopedia of Political Institutions. Oxford – New York, 1987. - P. 44.

⁵⁰ Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – М., 1992. – Ч. 1.- Б. 19.

армияга юборилиш ҳақидаги хатни ёқилиши, сайловларда иштирок, сиёсий котиллик ёки бутун дунё бўйлаб саёҳатга кемаларни жўнатилишини киритиш мумкин. Сиёсий коммуникация катта қисмини ОКга ихтисослашган муассаса ва институтлар, ҳукматга тегишли ахборот агентликлари ёки сиёсий партиялар ташкил этади. Шунга қарамасдан, у юзма-юз суҳбатдан то миллий қонун чиқарувчи палаталардаги муҳокамагача исталган ижтимоий мулоқотда аниқланади”⁵¹.

Политология мустақил фан сифатида шаклланган даврда М.Ю. Гончаров сиёсий коммуникация тушунчасига биринчилар қаторида таъриф беради. Унга кўра, “сиёсий коммуникация” атамаси сиёсий фаолият соҳасида ахборот айланиши деб таърифлайди⁵².

Ахборотнинг бу кўриниши жанрларга кўра турфа хил ва турли аудиторияга мўлжалланган бўлади: дипломатик муҳокамалардан тортиб оммавий коммуникация каналларидан узатиладиган хабарларгача.

Муаллиф фикрича, на сиёсий ахборот услуги, на адресат аҳамият касб этади: бу ҳолатда коммуникатор сиёсий институтлар ёки уларнинг таркибида ва уларнинг номидан ҳаракат қилувчилар муҳимроқдир. Муаллиф сиёсий коммуникацион жараёнинг институционал таркибий қисмга эътибор қаратишига қарамай, асосан “сиёсий коммуникация” атамасининг моҳияти ва ўзига хослигини аниқловчи тарқатиладиган ахборотнинг функционал вазифасини намоён қилишини муҳим ҳисоблайди. Бу сиёсий тузилмаларга хизмат кўрсатувчи ва сиёсий қарор қабул қилинишига таъсир этувчи ахборотдир⁵³.

Ю. И. Аверьянов таҳрири остида 1993 йида чоп этилган илк русча “Политология” қомусий луғатида “сиёсий коммуникация” тушунчаси таърифланмаган, бироқ оммавий коммуникацияга махсус мақола

⁵¹ The Dictionary of Political Analysis / Eds.: J. C. Plano, R. E. Riggs H. S. Robin. ABC – Clio. Santa Barbara. USA – Great Britain, 1982.- P. 11.

⁵² Гончаров М.Ю. Риторика политической коммуникации // Массовая коммуникация в современном мире. М., 1991. - С. 55.

⁵³ Ўша манба.- С. 55.

бағишланган бўлиб, сиёсий мазмун жиҳатдан кўриб чиқилади⁵⁴. Айни пайтда Г.А. Белов ва В.П. Пугачев таҳрири остида ўша йили чиққан қисқача “Политология асослари” луғатида таъриф берилган: “Сиёсий коммуникациялар – ахборот алмашинуви ва бевосита мулоқот асосида сиёсий субъектлар ўзаро таъсири жараёнини, шунингдек, унинг маънавий ўзаро таъсирлашуви восита ва усулларини акс эттирувчи тушунчадир”⁵⁵.

1994 йилда муаллифлар жамоаси раҳбари А.А. Мигولاتьев илмий таҳрири остида чиққан “Политология луғати”да сиёсий-коммуникацион жараённинг функционал томонини очиқ берувчи таъриф келтирилган: “Сиёсий коммуникация (лотинча *communicatio* сўзидан олинган) – сиёсий жараённи тизимлаштирувчи ва унга янги маъно берувчи, жамоатчилик фикрини шакллантириб, фуқароларнинг талаб ва манфаатлари ҳисобига сиёсий ижтимоийлаштирадиган жараёндир”⁵⁶. Сиёсий коммуникация тушунчасининг шунга ўхшаш таърифи 1998 йилда нашр қилинган А. В. Миронов ва П. А. Цыганков таҳрири остидаги “Замонавий политология” луғатида берилган⁵⁷.

В. В. Латынов томонидан икки жилдли “Сиёсий энциклопедия” да (1999) унга яқинроқ, кенгроқ таъриф берилган “сиёсий коммуникация” тушунчаси остида “сиёсий ҳаёт субъектлари, қолаверса, давлатлар ва фуқаролар ўртасида ахборот алмашинуви” англашилади, у расмий (масалан, оммавий ахборот воситаларида) ёхуд норасмий (“парда ортидаги” муҳокамалар) даражаларда кечиши мумкин”. Муаллиф оммавий сиёсий коммуникацияга катта эътибор қаратган, замонавий дунёда у “сиёсатнинг бўйсунувчи элементидан унинг яратувчисига айланди” ва “сиёсий

⁵⁴ Политология: Энциклопедический словарь.- С. 164.

⁵⁵ Основы политологии: Краткий словарь терминов и понятий. / Под ред. д.ф.н., проф. Белова Г.А. и д.ф.н., проф. Пугачева В.П. М., 1993.- С. 54.

Зарубежная политология: Словарь-справочник. / Под ред. А. В. Миронова, П. А. Цыганкова. М., 1998. - С. 18.

⁵⁶ Политологический словарь. / Научн. ред., рук. авт. колл. А. А. Мигولاتьев, сост. В. А. Варывдин: В 2 ч. М., 1994. Ч. 1. - С. 97.

⁵⁷ Зарубежная политология: Словарь-справочник. / Под ред. А. В. Миронова, П. А. Цыганкова. М., 1998.- С. 19.

ижтимоийлашув муҳим манбаи саналиб, сиёсий аҳамият, қурилмалар, кадриятлар ва сиёсий иштирок шаклларига эга бўлишга хизмат қилади”⁵⁸.

Сиёсий коммуникацион жараёнларнинг аҳамиятли томони келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда, аниқ амалий ижтимоий фаолият жараёнида “манба” ва “истеъмолчи”лар – ўзаро таъсирлашадиган индивидлар, гуруҳ, институтлар алмашадиган маълумотлар – ахборотнинг узатилиши, кўчиб юриши ва сиёсий мазмунда семантик жиҳатдан аҳамиятли алмашинуви деб ҳисобланади. Шу муносабат билан фикримизча, алоҳида таъкидлаш лозимки, гап “умумий жиҳатдан сиёсий ахборот” хусусида эмас, балки айнан муайян ҳолатда семантик аҳамиятга эга ахборот ҳақида кетмоқда. Шу сабабли “сиёсий” ва “сиёсий аҳамиятли” ахборот остида айнан нимани тушуниш лозимлигини аниқлашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Сиёсий ахборот тушунчаси жамият сиёсий соҳасида содир бўлаётган воқеа-ҳодиса, фактлар борасидаги хабарлар таркиби билан мос келади. Сиёсий аҳамиятли ахборот тушунчасига келсак, унинг ҳажми хабарларнинг бутун борлигини қамраб олади, бу хабарлар ҳокимиятни эгаллаш, ушлаб қолиш ёки ишлатишга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий фаолият жараёнида сиёсий омиллар ҳолатини ўзгартиради. Айни пайтда сиёсий аҳамиятли ахборотнинг элементи бирор-бир сиёсий омил манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий ҳаёт бошқа соҳасидаги ҳодиса ҳақида хабар мазмунига айланиши мумкин. “...Сиёсат тушунчасидан айрим фаолият турлари ва шакллари олиб ташлашга қилинадиган доимий уринишлардан кўра табиатан сиёсийроқ ҳеч нима йўқ. “Абсурд деполитизация”га нисбатан тенденциялар (масалан, сиёсий ва диний муаммоларни ёки ишлаб чиқаришдаги муносабатлар ва ирқий масалалар билан ўзаро алоқада кўриб чиқмасликка чақириқлар) одатда одамларни сиёсатдаги иштирокидан чалғитиш, қарорларни ишлаб чиқариш ва рўёбга чиқаришга интилишларни яширади. Улар инсон мавжудлигини таъминловчи асосий шартлар учун

⁵⁸ Латынов В.В. Политическая коммуникация. // Политическая энциклопедия. Т. 2.- С. 172.

муҳимдир”⁵⁹. Оқибатда, ҳар қандай ижтимоий муаммо агар уни ҳукумат ҳамда ҳукумат муносабатлари масалалари билан боғланса, сиёсий аҳамият, сиёсий табиат касб эта бошлайди.

Шу тариқа, сиёсий коммуникация ҳокимият ёки унинг амалга ошиши учун кураш жараёнида ахборот алмашинуви йўли билан субъектлар ўзаро таъсири мазмунли омили сифатида намоён бўлади. У ахборотни мақсадга йўналтирилган қабули ва танланган усули билан боғлиқ бўлиб, усиз сиёсий жараён ҳаракатининг имкони мавжуд эмас. “Коммуникация воситасида – Ю.В. Ирхин таъкидлаганидек, – асосий учта тури: қўзғатувчи(буйруқ, ишонтириш); ахборий (реал ёки тўқима); далилий (сиёсат субъектлари ўртасида алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ маълумотлар) сиёсий хабарлар узаттирилади. Сиёсий коммуникация сиёсий муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлиб, унинг воситасида сиёсатда устунлик қилувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва ўз замонасининг ижтимоий-сиёсий ғоялар тарқалишини назорат қилади”⁶⁰. Охирги пайтларда сиёсий коммуникация жамият сиёсий тизимининг функционал элементи сифатида кўриб чиқилиб, бошқа бўғинлари билан ўзаро алоқани таъминлаб беради⁶¹. Бироқ айти пайтда сиёсий коммуникация ҳам жараён, ҳам сиёсий аҳамиятли ахборот ишлаб чиқарилиши ва тарқалиши бўйича сиёсий омиллар бевосита фаолияти сифатида намоён бўлади.

Хабарларнинг тарқатилиш усулига кўра, Ю. В. Ирхин сиёсий коммуникациянинг бир-бирини тўлдирувчи иккита шаклини ажратиб кўрсатади: табиий ва техник воситали. Табиий коммуникация коммуникаторлар ҳамда катта бўлмаган аудиториянинг ўша заҳотиёқ акс таъсир қилишга қараб ўзгариши мумкин бўлган “жонли” матн ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа билан тавсифланади; техник воситали – моддий

⁵⁹ Held D. Political Theory and the Modern State: Essays on State, Power and Democracy. Standford (Cal.), 1989.- P. 24.

⁶⁰ Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. М., 2002.- С. 30.

⁶¹ Кретов Б.Е. Средства массовой информации – элемент политической системы общества // Социально-гуманитарные знания. 2000. № 1.- С. 101.

мустаҳкамланган матн мавжудлиги, коммуникаторлар ҳамда сон жихатдан катта эътибори тақсимланган аудитория ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўқлигини билдиради⁶². Шахссиз мулоқот – бу шундай микродаражаки, макродаража – матбуот, радио, телевидение, кинематограф, маърузавий тарғибот ва ҳ.з.ларга катта таъсир ўтказди. Чунки ўзида сиёсий коммуникация расмий субъекти хабарини сақлайдиган ахборот фақатгина норасмий субъектлар томонидан ижобий баҳоланса ҳамда кўллаб-қувватланса, одамлар томонидан қабул қилиниши ва муваффақиятли ўзлаштирилиши мумкин. Ҳар қандай ахборот одатда оилада, меҳнат жамоаси, норасмий гуруҳда муҳокама этилиб, баҳосини олади. Айнан мана шу баҳо, яқин кишиларнинг нуқтаи назари унинг у ёхуд бу ахборот манбасига муносабатига энг кўп таъсир кўрсатади. Шахслараро мулоқот расмий ахборот ўзлаштирилишида филтер бўлиб хизмат қилади, уни баҳолайди ва шахснинг сиёсий мўлжал олишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сиёсий коммуникация тараққиёти ижтимоий ва техник шароитларига кўп жихатдан боғлиқ бўлади. ОКВ тарихий шакллари таҳлили ахборот узатиш институтлари ва усулларида ўзгаришлар билан боғлиқ сиёсий коммуникация тараққиёти ўзига хосликларини аниқлашга имкон беради. Шу муносабат билан ўз вақтида Ю. П. Буданцев томонидан таклиф этилган назарий концепцияси етарлича маҳсулдор бўлиб намоён бўлади. Мазкур концепция доирасида ахборот-коммуникацион тизим тушунчасига ўхшаш тизим сифатида бугунги кун нуқтаи назаридан унчалик аниқ бўлмаган “оммавий коммуникация воситалари тизими”(ОКВТ) чиқади, аслида нафақат оммавий, балки шахслараро, гуруҳли коммуникацияни ҳам қамраб олади. Шунга қарамай, ҳар бир шундай ОКВТ тузилмасида албатта 2та кичик тизимлар ажратилади: матнлар (модий мустаҳкамланмаганларидан тортиб рамз, белги, образ, товушларда мустаҳкамланганларгача) ва аудиториялар

⁶² Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология. М., 2002.- С. 31

(бир жойга тўпланган кичиклардан тортиб эътибори бўлинган сон жиҳатдан катталаргача). ОКВ бирламчи тизими пайдо бўлиш жиҳатдан энг қадимийси саналади – у ибтидоий жамоага хос бўлиб, матн ташувчиси инсоннинг ўзи, асосий ўринни эса шахслараро мулоқот эгалларди. Кейинчалик мазкур кичик тизимларнинг тараққиёти синхрон боради: иккинчи ОКВТ ни пайдо бўлиши ибтидоий жамоани парчаланиб, аудитория тушунчаси ўз маъносида ҳамда коммуникатив жараён ташкилотчилари пайдо бўлган даврга мосдир; учинчи ОКВТ пайдо бўлиши китоб нашрини ривожланиши, хат матн моддий мустаҳкамланиши билан боғлиқ саноатлашган жамиятни шаклланиши даврига тўғри келса, тўртинчи ОКВТ – ОАВ мажмуаси билан саноатлашган ва постиндустриал жамиятлари тараққиёти даврида пайдо бўлди. Ҳаётда кўрсатилган юқоридаги тизимлар “ОКВТ 1 – ОКВТ 2,” ва “ОКВТ 3 –ОКВТ 4” мажмуалари таркибида албатта параллель яъни бир пайтда, бир-бирини тўлдирган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин⁶³. Коммуникация воситалари тизими ривожланиш даражаси, уларни сиёсий соҳада ишлатилиш ўзига хослиги сиёсий маданият ижтимоий-ахборот базасини, унинг келажакдаги мақсадларини тўла тавсифлайди. Ўз навбатида, устунлик қилувчи сиёсий маданият шаклланган кадриятлар, урф-одатлар, фаолият намуналари ҳисобига сиёсий-коммуникацион жараёнлар йўналишини белгилаб беради.

2.2. Сиёсий коммуникациянинг микродаражали назариялари

Сиёсий коммуникацияни тадқиқ этиш дастлаб “мўжизавий ўқ назарияси” ҳамда “териости ниналари назарияси” номи билан машҳур оммавий-коммуникацион жараёнлар ҳақида илк концептуал тасаввурларга асосланади. Ушбу концепциялар ахборий тарғиботни оммавий аудиторияга улкан, чекланмаган таъсири ҳақидаги тахминлардан келиб чиқади. Мазкур аудитория ахборот йиғишда ўзини нофаол тутади ва моҳиятан инъекция кўринишидаги дорининг керакли миқдорини олгандан кейин ҳолати

⁶³ Буданцев Ю.П. В контексте жизни. М., 1979. - С. 45.

Ўзгарадиган беморни эслатади. Мазкур назарий моделлар асосчиларидан бири **Г. Лассуэлл** бўлиб, оммага биринчи жаҳон уруши йилларида тарғибий механизмларни таҳлил қилишга бағишланган ишида оммавий тарғиботга **“жамоавий бирдамликнинг болға ва сандони”** сифатида классик таъриф беради. Ушбу таъриф миллионлаб атомлашган индивидларни ягона “нафрат, умид ва ишонч умумлашган оммаси”га бирлаштиради. Сиёсий контекстда бир томондан ҳамиша ўз нишонини аниқ топа оладиган, бошқа томондан реакцияларнинг яхлит тизимини яратувчи ягона стимуллар тизими сифатида намоён бўладиган, натижада бутун жамоавий организмни батамом ўзига бўйсундирувчи ахборий “мўжизавий ўқ” ҳақида масалани бундай қўйилиши ОАВ каналлари бўйича сайловчилар хулқига тарғибий таъсир ўтказиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Бироқ 30 йиллар охири – 50 йилларда П. Лазарсфельд, Б. Берельсон ва Э. Кэмпбэлл раҳбарлигида ўтказилган кенг машҳурликка эга сайлов жараёнларини тадқиқоти мазкур назарий қарашлар эмпирик тасдиқ тополмаганлигини кўрсатади.

1940-йилда ўтказилган сайловлар арафасида Огайо штати, Эри округида сайловчиларни параллель сўров қилиш сериялари орқали олинган ижтимоий маълумотлар натижалари таҳлили асосида П. Лазарсфельд, Б. Берельсон ва Х. Годэ коммуникациянинг икки поғонали классик моделини таклиф қилади, натижада бу модель сиёсий коммуникативистикада илк умумқабул қилинган назарий конструкциялардан бирига айланади⁶⁴. Мазкур моделга кўра, оммавий коммуникацияни индивидга таъсири кўп жиҳатдан тўғридан-тўғри эмас, кичик гуруҳлар томонидан воситаланади, бу ерда фаол тарзда газета ўқиб, радио эшитадиган, сўнгра ўқиган ёки атрофдан эшитганларни муҳокама қилиб, фактлар ҳамда воқеаларга шахсий изоҳини берадиган ўз кичик гуруҳларида обрўга эга шахслар яъни ўзига хос “жамоатчилик фикри етакчилари” (opinion leaders) намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, шахслараро ва гуруҳ ичидаги коммуникация оммавий

⁶⁴ Lazarsfeld P., Berelson B., Gaudet H. The People's Choice. – New York: Free Press, 1944. – P. 18.

коммуникацияни қуйидаги схема бўйича воситалайди: ғоялар жамоатчилик фикри етакчиларига радио ва газеталар орқали, улардан – аҳолининг кам фаол қатламларига узатилади.

Оммавий коммуникациянинг “**минимал эффектлар назариялари**”га мувофиқ сайлов компаниялари даврида ОАВ орқали ахборий таъсир ўз самарадорлиги бўйича сайлов тартиби муайян ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий партияга тегишлилик каби ўзига хосликларини аниқлаштирадиган бошқа омилларга ён босади.

Маълум пайтгача сиёсий коммуникация муаммоларига тадқиқотчиларнинг қизиқишини “минимал эффектлар назариялари”га зид тарзда 50 йиллар ўрталарида бошқа концепциялар илгари сурилди. Л. Фестингер томонидан таклиф этилган концепцияга кўра, одамларни шахсий идеалларида шубҳаланишга мажбур қиладиган ёки уларнинг ҳиссиётлари ҳамда дидларига тегиб кетадиган қараш, ғоя ва фикрлар мажбуран сингдирилган тақдирда, психологик дискомфортни бошидан ўтказиб, “онгли (когнитив) диссонанс” ҳолатига тушиб қолишади. Дискомфортдан қочиш мақсадида инсон ўз қараш ва фикрларига мос келувчи ахборотнигина саралайди ва қарама-қарши хабарларни эътиборсиз қолдиради. 60 йилларда У. Уэйсс томонидан яратилган сайлов компаниялари даврида оммавий коммуникация эффектлар тадқиқотлари мазкур назарияни тасдиқламаган ва қисман уни рад этганлигига қарамай, сўнгги пайтларда қатор машҳур муаллифлар асарлари, хусусан, Д. Грабер ишларида ахборотни аниқ бир мақсадга қаратилган саралаш ғояси давом этмоқда.

П. Лазарсфельд ўқувчиси ва издоши, Э. Кац ишларида дастлаб ишлаб чиқилган “**фойдалилик ва эҳтиёжларни қондириш назариялари**” (theory of uses and gratifications) номи остида машҳур концепция индивидлар манфаатларига жавоб бермайдиган, қолаверса, жалб қилмайдиган шаклда намоён бўлган хабарни эътиборсиз қолдириб, ахборотни фаол тарзда саралайди. Тушаётган хабарлардан олинадиган фойда ва қониқиш ҳам

ҳиссий, ҳам интеллектуал табиатга эга бўлиши мумкин. Масалан, сайлов компанияси даврида инсон яқинлашаётган сайловларда овоз беришда нафақат фойдали бўлган, балки, ўзининг шахсий сиёсий компетентлиги ҳиссини уйғотадиган хабаргагина эътибор қаратиши мумкин. 80 йиллар ўрталарида К. Розенгрэн, Л. Уэннер ва Ф. Палмгрин муҳаррирлиги остида дунё юзини кўрган жамоавий монография материаллари гувоҳлик беради. ОАВни сайлов компанияларига таъсири борлиги ва сайлов натижаларини ўрганиш 60 йиллар охири – 70 йиллар бошларида фаоллашди. Қатор ишларда бу ҳодиса кўп жиҳатдан амалдаги сиёсатчиларнинг омма олдидаги чиқишлари ва интуицияси туфайли содир бўлганлиги таъкидланади. Мазкур тадқиқотлар қандайдир универсал эффектларни топишдан кўра, у ёки бу исталган натижага эришишда зарур бўлган шароитларни аниқлашга қаратилади. Номзодни сайлашга партияни таъсир ўтказиши ўша пайтда кенг тарқалган ҳамда анча машҳурликка эришган телевидениега қудратли кучга айланишга имкон берди.

70–90- йиллардаги тадқиқотлар натижалари ОАВ ҳамда телевидение турли йўллар билан сайлов компаниялари бориши ва натижаларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги хулосалар фойдасига кескин баҳслашади. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор ҳам умуммиллий, ҳам ҳудудий, ҳам маҳаллий босқичлардаги сайлов компанияларда олиб боришда қўлланиладиган ва индивид бевосита ишлайдиган махсус босма ҳамда электрон “медиа воқелик”ка йўналтирилган коммуникацион стратегиялар таҳлиliga қаратилади. Ушбу сиёсий-коммуникатив тадқиқотлар йўналиши илк бора 20 йиллар бошларидаёқ жамият оддий аъзосининг реал атроф-муҳитини ўрнини босадиган ОАВ ёлғон муҳити (psevdo-environment) мавжудлигини кўрсатган У. Липпман асарларида дунёга келади⁶⁵. ОАВ таъсири остида индивидлар онгида ташқи дунёнинг соддалаштирилган, бузилган ва қотиб қолган образи пайдо бўлиб, ҳақиқий воқелик билан бир

⁶⁵ Липпман У. Общественное мнение. – М.: Институт Фонда “Общественное мнение”, 2004. – С. 38.

каторда кундалик ҳаётимиздаги ахлоқни аниқлаб берувчи ва илҳомлантирувчи аҳамиятли омилга айланади. Бу шароитлардан хусусан Дж. Гербнернинг “культивация назарияси” (cultivation) келиб чиқади⁶⁶, унга кўра, ОАВ, биринчи ўринда телевидение томошабинлар реал деб қабул қилишга мойил бўлган рамзий дунёни яратади. Сайлов компанияларини ўтказиш ҳолатига мос тарзда, “культивация назариялари” нуқтаи назаридан сайланадиган лавозимларга номзодларнинг образларини шакллантиришга тегишли хабарларнинг мазмуни ва такрорланиш даври таҳлили катта қизиқиш уйғотади. Бу каби хабарлар, шубҳасиз, сайловларнинг натижасига бевосита таъсир кўрсатади, чунки замонавий дунёда сайловчилар овозининг зарурий миқдорини йиғиш ва ўз-ўзидан сайланиш мақсадида номзод биринчи ўринда таниқли ва эса қоларли бўлиши зарур. Аммо ОАВ томонидан яратиладиган образлар ролини оддий изоҳлаб бўлмайди ва сайлов компанияси борадиган муайян сиёсий контекстга қараб фарқланади. Хусусан, аудиториянинг қизиқиши “ахборий чекланиш” ҳолати билан алмашилиши мумкин ва номзод дастлаб машҳурликка эришса-да, кульминацион нуқтага чиққанда яъни сайлов кунига етқач, шунчаки “жонга тегиш”ни бошлаши мумкин. Л. Бартельс машҳур тадқиқоти орқали⁶⁷ рационал сайлов классик назариясига зид равишда сайлов компаниясини индивидуал истаклар тез-тез ўзгариб, жамоавий қарорни олдиндан айтиб бўлмайдиган даражага олиб келувчи динамик (ўсиб боровчи) жараён эканлигини кўрсатади. Кўпчилик политологлар мазкур жараёнда сиёсий реклама, дебатлар ва ОАВ каналларидан узатиладиган сайловолди мусобақасидан олинган қисқа парчасида янгиликлар дастуридаги хабарлар таъсири остида шаклланадиган ғолиб номзод образи муҳим аҳамият касб этади. Т. Гитлин, Д. Грабер, К. Джонсон-Карти ва Г. Коплэнд, К. ва Г. Лэнг,

⁶⁶ Gerbner G. Institutional Pressures on Mass Communicators // The Sociology of Mass Media Communicators: Sociological Review Monograph. – Vol. 13. / Ed.: Halmos P. – University of Keels, 1969.- P. 205.

⁶⁷ Bartels L.M. Presidential Primaries and the Dynamics of Public Choice. – Princeton, N.J.: Princeton University Press, 1988. – P. 37.

Э. Остин ва Б. Пинклтон, Р. Харт, Дж. Эдвардс ва С. Уэйн⁶⁸ охириги йилларда чоп этилган ишлари оммавий аудиторияни муайян сиёсий масалалар бўйича номзодларнинг позициясидан кўра, уларнинг шахсий фазилатлари: табиат кучи, ўзига ишонч, етакчилик қобилиятлари, ҳамдардликка мойиллик ва ҳ.з. кўпроқ қизиқтиради, айти пайтда сайланадиган лавозимларга даъвогарларнинг молиявий аҳволи ҳам улкан қизиқиш уйғотишини айтади. Э. Деннис ва Дж. Меррилл, К. Джемисон, Д. Келлнер, С. Краус, Л. Кэйд, М. Маккини ва Дж. Тедеско, Э. Микевич, Ч. Файерстоун ва Л. Роузелл тадқиқотлари⁶⁹ кўрсатишича, ҳақиқатда мавжуд муаммолар таҳлилидан қочишга интилиш фонида жорий муаммолар ҳақида номзодларнинг юзаки фикрлашдан ўлароқ сайловолди дебатларида айнан мана шу соҳалар ўз танловида иккиланаётган кўплаб фуқароларнинг эътиборини тортади.

Оммавий коммуникацион компаниялар сайловчиларнинг ҳис-туйғу ва кайфиятига нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, П. Абрамсон, Дж. Олдрич ва Д. Роуд айтишларича⁷⁰, агар ОАВ чиқишлари қаршилик акциялари тўлқинига сабаб бўлса, бу ўз навбатида сиёсий муҳитни ўзгариши ва сайловлар натижаларига таъсир этган бўлса, мазкур натижалар қисман оммавий коммуникация таъсири билан тушунтирилади. Сайлов компанияси даврида чоп этиладиган иқтисодий муаммолар ёки халқаро муносабатларга бағишланган материаллар ҳам худди шундай сайлов мавзуси умуман бўлмаса ҳам сайловчилар кайфиятига таъсир қилиши мумкин.

ОАВнинг сиёсий ахлоққа таъсирини ўрганишга етакчи назарий ёндашувлардан бири “**кун тартибини ўрнатилиши**” (“agenda-setting”) концепцияси ҳисобланади. Мазкур концепция нуқтаи назаридан ОАВни аудиторияга таъсири ўзига хос тузилмавий табиатга эга: матбуот, радио ёки

⁶⁸ Gitlin T. Media Unlimited: How the Torrent of Images and Sounds Overwhelms our Lives. – New York: Metropolitan Books, 2002. – P. 26.

⁶⁹ Dennis E.E., Merrill J.C. Media Debates: Great Issues for the Digital Age. – Belmont, CA : Wadsworth/Thomson Learning, 2002. – P. 21.

⁷⁰ Abramson P.R., Aldrich J.H., Rohde D.W. Change and Continuity in the 2000 Elections. – Washington, D.C.: CQ Press, 2002. – P. 33.

телевидение у ёки бу ҳодиса ёки муаммоларни ёритишга кўпроқ эътибор қаратса, айнан ушбу ҳодиса ёки муаммолар аудитория томонидан бошқаларига қараганда энг муҳим ҳамда аҳамиятлиси сифатида қабул қилинади. “Кун тартибини ўрнатилиши” (“agenda-setting”) концепцияси 1972 йилда ўз ёндашувини илк бора баён қилган Д. Шоу ва М. Маккомбс исмлари билан боғланади. Шу тариқа, 50 йилларнинг охирларида Н. Лонг газеталарга “кўпроқ даражада жамоатчилик кун тартибини ўрнатилиши оқибатида кўпчилик одамлар гапириши мумкин бўлган, тўғри фактлар саналадиган ва асосий муаммолар сифатида баҳоланадиган ҳодисаларни аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди”⁷¹ деб белгилайди.

“Кун тартибини ўрнатиш” концепцияси тарафдорлари, оммавий коммуникация каналлари бўйича тарқатиладиган хабарлар таъсири остида, бирор фактга нисбатан сайловчиларнинг муносабати ёки сайлов тартибидан кўра кўпроқ аудиториянинг билимлар омбори ўзгаради, улар асосида қарор қабул қилинади. ОАВ ўзининг асосий функцияларидан бирини амалга ошириб, алоҳида муаммо ҳамда ҳодисаларга ўз эътиборини қаратади, улар шу йўл билан аудиториянинг устунлик қилувчи манфаатларини ҳисобга олади.

Г. Лассуэлл ўз даврида ОКВ учта энг муҳим ижтимоий функцияларни бажаришига эътибор қаратди⁷²: биринчидан, улар аудиторияни жорий воқеалар билан таништиради ҳамда “кун тартибини ўрнатиш”да муайян ролни ўйнайди; иккинчидан, улар хабарлар мазмунини таҳлил қилади, шу тариқа перспективаларини шакллантиради, дунёда содир бўлаётган ҳодисалар кўриб чиқилади; учинчидан, шаклланиб улгурган маданий қурилмалар доирасида индивидларни ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Бу функциялар билан мувофиқ тарзда у сиёсий-коммуникацион тадқиқотларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатишни

⁷¹ Long N. The Local Community as an Ecology of Games. // American Journal of Sociology. – 1958. – Vol. 64. – P. 246.

⁷² Lasswell H. Propaganda, Communication, and Public Opinion: A Comprehensive Reference Guide. – Princeton, Princeton University Press, 1946. – P. 43.

таклиф қилади: ОКВ томонидан кенг қўлланиладиган “имиджлар”, “сиёсий образлар” шакллари; ОКВ томонидан таклиф этилган материалларда воқеаларни таҳлил қилиш баҳоси ва ниҳоят оммавий коммуникация каналлари бўйича сиёсий ижтимоийлашув даражасига тарқатиладиган хабарлар таъсири даражасини таҳлил қилишни ўрганиш. Г. Лассуэллнинг бу таклифларини ривожлантириш борасида Д. Ниммо ва К. Сандерс таҳрири остидаги 1981 йил чиққан “Сиёсий коммуникацияга оид маълумотнома”, Д. Свэнсон ва Д. Ниммо таҳрири остидаги 1990 йилда чоп этирилган “Сиёсий коммуникацияда янги йўналишлар”, шунингдек, 2004 йил Л. Кэйд таҳрири остида дунё юзини кўрган “Сиёсий-коммуникацион тадқиқотлар бўйича маълумотнома” мазмунидан келиб чиқилса, политологларга айрим бўшлиқларни тўлдиришга социология ва психология соҳасидаги мутахассислар ёрдам берди. Бир-бирига яқин мазкур фанларнинг назарий концепциялари – оммавий жамият ва ишонтириш назариясини турлича таҳлиliga мувожаат 80 йиллар иккинчи ярми ва 90 йиллар ўрталаридаги тарғибий таъсир самарадорлиги ва ривожланаётган ахборот жамияти шароитларида психологик урушлар олиб боришнинг эҳтимолий усулларига бағишланган қатор ишларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб хизмат қилади. Бу сингари тадқиқотларнинг мисоли ўрнида хусусан, кенг машҳурликка эга бўлган А. Бенеджер монографияси, қолаверса, У.Р. Нейман, Л. Макнайт ва Р. Дж. Соломон ишларини келтириш мумкин⁷³.

Кўриб чиққан назарияларимиз асосан замонавий сиёсий илм позитивистик йўналиши доирасида тараққий топмоқда. Ўз навбатида сиёсий коммуникацияни тадқиқ этиш ҳис этиш элементларига эътиборини жамлаши лозим. Масалан, бирорта хабар матнини таҳлил қилиш ўрнига бу матн қандай қабул қилинишини ўрганмоқ керак.

“Танқидий” йўналиш тадқиқоти энг аввало, сиёсий коммуникация ижтимоий натижалари таҳлиliga қаратилган бўлади. Шу тариқа, М.

⁷³ Neuman W.R., McKnight L., Solomon R.J. The Gordian Knot: Political Gridlock on the Information Highway. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 1997. – P. 32.

Эдельман таъсири⁷⁴ доминантлик қилувчи гуруҳларга ён босиши туфайли босимга учраётган кўпчиликнинг инертлиги ҳамда бўйсунувчанлигига олиб келадиган хабарлар “тузилмаси”ни аниқлашга ҳаракат қилади. Б. Гинсберг ва М. Шефтер сайловларни жамият истак ва манфаатларини ҳаққоний ифодасидек эмас⁷⁵, мавжуд ҳокимият тизимини қонунийлаштирадиган театр кўринишидаги маросим сифатида кўриб чиқади. Мазкур тадқиқотлар муаллифлари ОКВ (аслида қандай эканлиги эмас) қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги муайян тасаввурлардан келиб чиқиши диққатга сазовор. Бу тасаввурлар омма манфаатларини ифодаловчи ва бир пайтнинг ўзида ушбу оммаларга маърифат берувчи мутлақо эркин, мустақил ОКВ идеалига мослаштирилган. Ҳақиқатда матбуот, радио ва телевидение ушбу идеалга деярли мос келмаслиги факти Ж. Бодрийар “масс-медиа бўйича реквием” руҳида ёзишга ва уларнинг фаолияти натижасида пайдо бўладиган “аҳамиятнинг ўлими” хусусида фикрлашга имкон беради. Шу билан бирга “танқидий” йўналишдаги кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, олимлар фаол сиёсий позицияга эга бўлишлари ва барча чоралар ёрдамида тенглик ва адолат принципларига асосан жамиятни қайта шакллантириш ва мавжуд ижтимоий чекловларни енгилда кўл келадиган сиёсий-коммуникацион жараёнлар тузилмасидаги ўзгаришларга кўмаклашиши шарт. Ушбу фаоллик кўп жиҳатдан С. Холл тасвирий таърифига қараганда⁷⁶, бир қарашда беозор хабарларнинг яширин мафкуравий моҳиятини фош этишда ўз ифодасини топган ҳамда шаклланиб улгурган ижтимоий-сиёсий тартибга қарши “дискурсив уруш” табиатини қабул қилади. Натижада “танқидий тадқиқотлар”да сиёсий коммуникация тушунчаси токи ҳар қандай коммуникатив фаолият сиёсий табиатга эга бўлгунга қадар кенгайди.

⁷⁴ Edelman M. *Constructing the Political Spectacle*. – Chicago: University of Chicago Press, 1988. – P. 17.

⁷⁵ Ginsberg B., Shefter M. *Politics by other means: politicians, prosecutors, and the press from Watergate to Whitewater*. – 3rd ed. – New York: Norton, 2002. – P. 26.

⁷⁶ Hall S. *Encoding / Decoding // Media and Cultural Studies: Keywords / Eds.: M.G. Durham and D.M. Kellner*. – Malden, Mass.: Blackwell Publishers, 2001. – P. 166.

2.3 ОАВ ижтимоий-сиёсий омиллар ҳаракати майдонида

Замонавий оммавий ахборот воситалари “маҳсулоти”нинг кўпчилиги нафақат фактик ёки потенциал аудиторияга тегишли кўп сонли, айти пайтда бир-бирига зид талабларни ҳисобга олиш зарурати шароитида ишлайди. Ўз вақтида Дж. Гербнер алоҳида айтиб ўтканидек, бу иш миждозлар (масалан, реклама берувчилар), рақиблар (бошқа ОАВ) ва албатта, давлат бошқаруви органларига тегишли ташқи “қудратли омиллар” доимий таъсири остида амалга оширилади⁷⁷. Бугун биз ушбу “қудратли омиллар” таркибига коммуникацион каналлар эгалари, ҳомийлар ва инвесторлар, ахборот етказувчилар (янгиликлар агентликлари, жамоатчилик алоқаларини ривожлантириш хизматлари ва ҳ.з.) ва албатта, муаллифлар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокатларни киритишимиз мумкин. Давлат, сиёсий партиялар ва бошқа эътиборли ижтимоий-сиёсий институтлар шу муносабатда “икки карра қудрат”га эга: улар зарурий маълумотларни тарқатиш учун ҳам шахсий ҳуқуқ ва имкониятлари, ҳам улардан мустақил бўлган ОАВ ни ишга солиб, ўз мақсадларига эриша оладилар. А.И. Соловьев таъкидлаганидек, “коммуникацион жараёнларни ишлаб чиқарувчи омилларни ажратиб кўрсатишда сиёсий (биринчи ўринда давлат) институтлар ҳам, ҳоқимият дискурсида иштироки бир хил бўлмаган жамият тузилмаларига ҳам дифференциал ёндашув талаб қилинади” ва “шу маънода сиёсатнинг ахборий майдонидаги қуйидаги агентликлари ҳақида гапириш ўринли:

- давлат ахборот тузилмалари (турли муассасаларнинг жамоатчилик билан алоқа бўлим ва хизматлари, матбуот котибияти ва ҳ.з.);
- турфа хил корпоратив тузилмалар (партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, ахборот бўлимлари);

⁷⁷ Gerbner G. Institutional pressures on mass communicators // The Sociology of Mass Media Communicators: Sociological Review Monograph. Vol. 13. / Ed.: P. Halmos. – University of Keels, 1969. - P. 205.


- ихтисослаштирилган ахборот тузилмалари (консалтинг ва реклама агентликлари);
- ОАВ сиёсий вазифасида (ахборот бозорининг мустақил иштирокчилари);
- террористик ва ахборот борлигида қонуний жиҳатдан тан олинмаган қарашларга эга бошқа ташкилотлар;
- ўзига хос кўрсатма ва ахборот бозорига мувофиқ чиқиш йўлига эга ҳомийлар, медиамагнатлар ва реклама берувчилар;
- жамиятнинг (сиёсий дискурсдаги иштироки нуқтаи назаридан) турли сегментлари: ҳамиша ҳукумат билан ахборий алоқада бўлган “омма” ёки сиёсий фаол фуқаролар корпуси; ўткир сиёсий жараён ривожланиши давларидагина ҳукумат билан алоқага чиқадиган “жамоатчилик” ҳамда жамият яъни ҳукумат билан деярли алоқага чиқмайдиган фуқаролар уюшмаси” – деб ҳисоблайди⁷⁸.

Турли омиллар реал таъсири даражаси ва уларнинг мувозанати ҳолатдан ҳолатга турлича бўлади, шунга қарамай, ОКВ сиёсат ахборий майдонидаги фаолияти умумий ҳолатини доимий босим ўтказиш билан тавсифланади, бу босим материалларни қатъий белгиланган муддатларда чоп эттириш зарурияти билан янада мураккаблашади. ОКВ ишининг умумий шарти энг аввало – уларнинг ахборот хизматларини Д. Маккуэйл томонидан таклиф қилинган схема кўргазмалари намойиш қилади (1 расм)⁷⁹. Схемадан кўриниб турганидек, ОКВ бир пайтнинг ўзида бир-бирига зид талаб ва чекловларнинг бир нечта, энг аввало – ўз эгалари, аудитория, сиёсий институтлар, ишбилармон доиралар, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш органлари, реклама берувчилари, янгиликлар агентликлари ва бошқа потенциал ахборот манбалари билан муносабатларни сақлаб туришга

⁷⁸ Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации. // Полис. – 2002. – № 3. – Б. 13.

⁷⁹ McQuail D. Mass Communication Theory. London; Thousand Oaks, 1994.- P. 22.

мажбур. Янада “мувозанатлашган” босим молиявий институтлар ва бутун жамият томонидан ўтказилиши мумкин.



1 расм

Кўрсатилган таъсир аниқ нашр ёки телерадиокомпаниянинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзгаради. Бу унинг эгалари ёки акционерларини даромадлари ва ижтимоий, сиёсий ёки маданий масаладаги муайян “идеал мақсад” ҳамда аудиториянинг манфаатларини қондириш билан кенгайтириш, рекламадан келувчи даромадларни ошириш бўлиши мумкин. Мазкур мақсадлар бир-бирига дуч келади, бироқ камдан-кам ҳолатларда бир-бирига мос келади.

Ахборот хизмати ишини типик жойлашувини таҳлил қилиб, шунинг таъкидлаш ўринлики, асосий муаммолардан бири ОКВ ва ахборот манбалари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этишга тегишли.

Сиёсий коммуникация жараёнларини тадқиқотларида кўпинча маълумотларни мақсадга йўналтирилган тарзда тўплаш концепцияси кенг қўлланилади.

Мазкур концепция К.Левин мақоласида илк бора айtilган ғояларга асосланади, бу мақола бир қарашда сиёсий коммуникациядан йироқ муаммо – уй рўзғори учун маҳсулотлар харидига нисбатан қарор қабул қилинишига

бағишланган эди⁸⁰. Шунга карамай, ушбу мақола муаллифи таъкидлаганидек, ахборот оқими ҳар доим ўзига хос “фильтрлар”га эга каналлар бўйича тарқатилади, бирор холис критерийлар ёки ахборотни фильтр қилувчилар фикрларига асосланадиган қарорлар қабул қилиш эса маълумотларни филтрловчилар томонидан ҳақиқатдан ҳам маълумотлар бўлганми ёки маҳсулотларнинг ўзи мувофиқ каналга ўтказилганлигига асосланади. К. Левин изохларининг бирида мазкур жараёни матбуотдан янгиликларни тарқатиш билан қиёслайди. Бу фикр Д. Уайт ишларида маҳаллий газета муҳаррири фаолияти таҳлилида қўлланилиб, кейинчалик ривожлантирилди, унинг “тўғри сим”дан етиб келган маълумотлар ичидан фақат айримларини тўплаш бўйича ҳаракатлари ахборот “фильтрланиши”нинг энг типик ҳолати сифатида тавсифланади⁸¹.


N – ахборот манбаси (“тўғри сим”);

N1, N2, N3, N4 – манбадан келувчи маълумотлар;

N'2, N'3 – танланган маълумотлар;

N1, N4 – рад қилинган маълумотлар;

M – аудитория



3 расм

Уайт модели (3 расм) камчиликлардан холи эмас. Биринчидан, у ижтимоий-сиёсий тизимлар, мафкуравий ва ижтимоий маданий таркиб, қолаверса, институционал тартиб омиллари – турли ахборот манбалари, реклама берувчилар бозори, босим гуруҳлари ва ниҳоят, ахборот тўплаш

⁸⁰ Lewin K. Channels of group life. // Human Relations. Vol. 1. 1947. P. 143.

⁸¹ White D.M. The "Gatekeepers": a case study in the selection of news. // Journalism Quarterly. Vol.27. 1950.- P. 83.

жараёнини чекловчи ва йўналтирувчи, охир-оқибат кимларнингдир шахсий майлларидек намоён бўлувчи – ҳокимият органларининг ўзига хосликлари таъсирини ҳисобга олмайди. Иккинчидан, модель ахборот оқимига нисбатан ўзини етарлича нофаол тутувчи фақат битта “асосий филтёр” борлигини тахмин қилади. Учинчидан, муайян газета ёки телерадиокомпания учун қизиқарли бўлган маълумотларни у ёхуд бу тарзда “филтёрлаш”гина қоладиган энг турфа хил янгиликларнинг узлуксиз ва эркин оқими мавжудлиги кўринишидаги ёлғон таасурот туғилади. Бироқ ушбу камчиликларга қарамасдан, мазкур ёндашув кўп жиҳатдан дастлабки тадқиқот доирасидан анча узоқлашган муаммоларни ўрганишга таъсир кўрсатди, келаётган маълумотларни Уайт томонидан “филтёрлаш” билан шуғулланувчи таҳририят ходимининг номи сифатида таклиф қилинган “гейткипер” атамаси ҳамда ушбу тушунчадан ясалган сўзлар махсус адабиётларда мустаҳкам жойлашиб олди. Уайт концепцияси Дж. Макнелли томонидан хориждан келаётган хабарларни кўп поғонали “устидан ишлаш” жараёнининг таърифи сифатида илгари сурилган мураккаброқ модель учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу жараёнда бир эмас, бир қанча “гейткипер”лар иштирок этиб, улар ҳақиқатдан содир бўлган воқеадан тортиб ахборотнинг “сўнгги истемолчи”си – газета ўқувчиси, радио тингловчиси ва ҳ.з.гача йўлидаги ахборот оқимини босқичма-босқич тўғрилаб боради⁸².

Макнелли модели (4 расм) хорижий янгиликлар ҳақидаги хабарни шакллантириш жараёнини қуйидагича таърифлайди. Дастлаб ахборот агентлиги корреспонденти матбуотда ёритилишга арзийдиган айрим воқеаларни жойида ўрганиб, материални агентликнинг маҳаллий бюросига жўнатади. Шу ердан ушбу хабар қисқартирилган шаклида агентликнинг марказий бюросига жўнатилиб, бу ерда у бошқа ҳудудлардан етиб келган шу каби сюжетлар билан боғланиши мумкин. Марказий бюрода шаклланиб

⁸² McNelly J.T. Intermediary communicators in the international flow of news. // Journalism Quarterly. Vol. 36. 1959.- P. 23.

бўлган хориж янгиликларининг рўйхати мамлакатнинг маҳаллий ёки худудий ахборот хизматларига етказилади, бу ердан навбатдаги таҳрирдан сўнг у газета ва телерадиокомпаниялар муҳаррирларига юборилади, ўқувчи, телетомошабин ёки радиотингловчилари учун материалларни саралаб, улар у ёхуд бу сюжетни эътиборсиз қолдириши ёки қатор одамлар – оила аъзолари, дўстлар, ҳамкасблар ва ҳ.з.га оғзаки шаклда узатилиши мумкин. Бутун жараён мобайнида ахборот оқимининг ҳаракатини таҳрир қилишга имкон берувчи тескари алоқа, чақириқларнинг турли шакллари мавжуд бўлади.

Келтирилган модель қатор аҳамиятли томонларга эътибор қаратади. Биринчидан, хабарни шакллантириш ва саралаш жараёни асосан янгиликлар оқими газета ёки телерадиокомпания муҳарриригача етиб боргунга қадар тугалланиб бўлади, айниқса, агар гап хориждаги ҳаёт воқеалари ҳақида борса, чунки маълумотларни саралаш жараёни йирик ахборот агентликлари томонидан амалга оширилади. Иккинчидан, моделга кўра, ахборот оқимининг ҳаракати қандайдир маълумотларни шунчаки саралаш ҳамда рад этишдан кўра каттароқ аҳамиятга эга, “гейткипер” даллоллар ўтказилаётган сюжетларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан таҳрирдан ўтказишлари мумкин. Учинчидан, ҳар бир оралиқ ахборот олувчи одатда кейинги қабул қилувчи учун “фильтр” бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, тескари алоқа барча босқичларда келаётган хабарларга акс садо кўринишида номунтазам табиатга эга ва қоидага кўра, кечикиб юради. Шартли таърифлар:

Е – матбуотда ёритилишга арзийдиган воқеа;

С1 – ахборот агентлигининг хорижий корреспонденти;

С2 – ахборот агентлигининг маҳаллий бюро муҳаррири;

С3 – ахборот агентлигининг марказий бюроси муҳаррири;


С4 – мамлакат умуммиллий ёки маҳаллий ахборот агентлигининг муҳаррири;

С, S1, S2 ва ҳ.з. – хабар ва унинг кейинги ясама шакллари;

Р – газета ўқувчиси, телетомошабин, радиотингловчи;


Р1, R2 ва ҳ.з. – оила аъзолари, дўстлар, ҳамкасблар ва ҳ.з.;

S – R – оғзаки узатиш даврида қайта шаклланган сюжет;
 нуқтали чизик – тескари алоқа.



4 расм

Шу билан бирга шуни таъкидлаш лозимки, ахборот агентлигининг хорижий корреспондентини матбуотда ёритилишга арзийдиган воқеа ҳақидаги маълумотлар бирламчи манбаси сифатида гавдаланувчи мазкур моделни схемага бир қанча қўшимча босқичлар қўшиш орқали бироз кенгайтириш мумкин эди. Масалан, ахборот узатиш жараёни воқеанинг бевосита иштирокчиси ёки гувоҳи ахборот агентлигининг маҳаллий бюроси учун материал тайёрловчи штатдан ташқаридаги корреспондентга содир бўлганлар хусусида фактларини ўзича таҳлил қилиш ёрдамида ўз версиясини тушунтиради.



5 расм

Натижада Э. Басс мақсадга йўналтирилган тарзда ахборотни саралаш назариясини танқидий кўриб чиқиб, ахборот узатиш жараёнида турли

“гейткиперлар” бир хил роль ўйнамаслиги ҳамда ўз навбатида, ахборот саралашнинг айнан қайси босқичи энг муҳим эканлигини ҳисобга олмаган аждодининг моделига анча осон, бироқ аҳамиятли қўшимчани киритишни таклиф қилади. У ахборотларни саралаш бўйича асосий ҳаракатлар ахборот хизматлари чегараларида амалга ошиши ва бу жараён иккита: ахборот тўплаш ва уларни қайта ишлаш босқичларини ўз ичига олишини исботлади. (5 расм). Биринчи босқичда корреспондентлар, журналистлар, бўлим муҳаррирлари “хом янгиликлар” – жорий воқеалар ҳақидаги ахборот, сиёсий арбобларнинг нутқ ва чиқиш матнлари, матбуот анжуманлари деворий дастурлари ва ҳ.з. билан ишлайди ва намунавий материаллар ёки матбуот учун хабарларга айлантиради. Иккинчи босқичда агар гап хорижий аудиторияга мўлжалланган ахборот ҳақида борса, муҳаррирлар, уларнинг ёрдамчилари, баъзан ҳатто таржимонлар намунавий материаллар шаклини ўзгартиради ва уларни оммага тақдим қилинадиган “тайёр маҳсулот” –газета, ахборот теле ёки радиокўрсатувларга бирлаштиради ⁸³. Амалиётда Э. Басс ёндашуви ахборот агентликлари, ОКВ таҳририятлари ва уларнинг муайян ходимлари вазифаларига нисбатан қўлланилади, улардан бири ахборот манбалари билан ишлашга мўлжалланган бўлса, бошқалари кўп жиҳатдан, этиб келувчи ахборот оқимидан у ёки бу маълумотларни саралайдиган, қисман ўзгартирадиган ёки олиб ташлайдиган “гейткиперлар” сифатида намоён бўладилар.

Бундай асосий омилларга қуйидагилар киради:

I. Даврий интервал. Агар воқеаларни кенгайтириш вақти манфаатдор ОАВ нашрининг дунё юзини кўриш графигига мос тушса, воқеани эътиборга олиниши эҳтимоли ўсади. Масалан, бир неча соат давом этиб, тезроқ яқунланган воқеа кундалик газета ёки ахборот дастурида ёритилиш учун мос тушади, бир неча кун давомида кенгайиб бораётган мураккаб воқеа кўпроқ кундалик нашр таҳририятини

⁸³ Bass A.Z. Refining the gatekeeper concept // Journalism Quarterly. Vol. 46. 1969. - P.69.

қизиқтира олади. Бироқ янада секинроқ кенгайиб бораётган воқеалар ҳам борки, ўзининг аҳамияти даражасида ОАВда ёритилишга арзийди.

II. Интенсивлик ёки бошланғич мазмун. Аввалбошданоқ алоҳида аҳамиятга эга ёхуд шаклланаётган ҳолатлар ҳисобига бирданига шундай аҳамиятга эга бўла бошлаган воқеа тез сезилиб қолиниши эҳтимоли каттароқ бўлиб, ишларнинг одатий кетиши билан қиёслаганда, ўзига кўпроқ эътибор қаратади. Охиргиси ОАВ ҳукумат фаолиятини, молиявий масалалар ёки чўзилиб кетган тўқнашувларни кузатаётгандаги ҳолатларга тегишлидир.

III. Аудиториянинг маданий талабларига яқинлиги. У ёки бу воқеа мўлжалланаётган аудиториянинг манфаатлари ҳамда маданий даражасига қанчалик кўп мос бўлса, уни танлаш эҳтимоли шунчалик катта бўлади.

IV. Умидларга мос келиш. Айрим мавжуд умид ҳамда қарашлар билан мос келувчи ҳодиса номувофиқларидан кўра кўпроқ эҳтимоллик билан танланади.

V. Тасодиф. Муайян умид ёки қарашлар билан мос келувчи хабарлар орасида аслида кутилган, бироқ бирданига ноодатий ёки мутлақо кутилмаган тус олган воқеа ҳақидаги ахборот танланиши эҳтимоли каттароқ.

VI. Ўзаро боғлиқлик. Биронта воқеа мазкур газета, теле ёки радиодастурда ёритилишга арзирли деб тан олинган тақдирда етиб келаётган ахборот оқимидан бир-бири билан мантиқан боғлиқ сюжетларини излаш ва саралашга қўшимча туртки пайдо бўлади.

VII. Композиция. Янгиликлар шундай сараланиб, “жой-жойига қўйилдики”, оқибатда олинган “медиа-образ” (сўнгги хабарлар дастури ёки газета) мувозанатга келган яхлитликни намоён қилади; айти пайтда айрим хабарлар онгли равишда зидлик принципи бўйича танланади.


“Медиа образ” шаклланиши натижаларини тушунтириш ва башорат қилиш учун моделни қўллаш учта асосий гипотезага таянади, алоҳида ҳолатдаги ва бир-бири билан бирлашган ҳолатдаги мазкур критерийлар у ёхуд бу маълумотлар танловини аниқлаштиради.

Й. Галтунг ва М. Руге томонидан таклиф этилган ёндашув нашр қилинаётган янгиликлар мазмуни таҳлиliga бағишланган амалий тадқиқотларга аҳамиятли таъсир кўрсатди ва эмпирик синов натижалари томонидан муайян тасдиққа даъво қилади⁸⁴. Аммо мазкур моделга нисбатан К. Розенгрэн томонидан айtilган учта танқидий фикрга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, модель ҳаддан ортиқ “психологик”: хабарларни атайлаб сараланиши натижаси кўп жиҳатдан келаётган ахборот “гейткиперлари”нинг индивидуал таъсири ўзига хосликларига боғлиқдек кўринади. Розенгрэн бошқачароқ ёндашувни таклиф қилади, унга кўра, маълумотларни саралаш жараёнига ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий табиатдаги қатор омиллар таъсирини ҳисобга олиши керак. Шу тариқа, хорижий ахборот оқимига мос равишда саралашнинг энг аввало муайян давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ўзаро муносабатлари ўзига хослигини эътиборга оладиган қўшимча критерийлари зарур бўлади. Иккинчидан, Розенгрэн фикрича, моделнинг мантиқий синалганлигида муаммолар юзага келмоқда, чунки биргаликда олинган аддитивлик ҳамда комплиментарлик фаразлари саралашнинг барча эҳтимолли ҳолатларига тегишлидир. Учинчидан, модель зарурий тарзда ва эмпирик жиҳатдан текширилмаган: қониқарли синов қўшимча маълумотларга иқтибосни – мисол учун, очик ёки ёпиқ манбадан реал содир бўлган воқеа табиати ҳақидаги хабарни тасдиқланиши талаб қилган бўларди⁸⁵. 7 расмда тасвирланган ушбу модель расмий манбалар (давлат органлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, саноат корпорациялари,

⁸⁴ Smith R.F. On the structure of foreign news: a comparison of the New York Times and the Indian White Papers // Journal of Peace Research. Vol. 6. 1969. Б. 23; Sande O. The perception of foreign news // Journal of Peace Research. – Vol. 8. 1971. Б. 42.

⁸⁵ Rosengren K.E. International news: methods, data, theory // Journal of Peace Research. Vol. 11. 1974. Б. 54.

фирмалар ва ҳ.з.) ва оммавий ахборот воситалари ўзаро таъсири ҳолатларига нисбатан қўлланилади.



7 расм

Модель иккита ташкилот – расмий манбалар ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатларни икки босқичдан иборат жараён сифатида тасвирлайди. Манба-ташкилот доирасида матбуот учун хабарларни олдиндан саралаш – критерийларнинг муайян бирлиги билан мувофиқ маълумотларни “филтрлаш”, мазкур критерийлардан айримлари – техник, бошқалари бўлса, “мафқуравий” табиатга эга. Галтунг – Руге концепцияси ёрдамида таърифланаётган мазкур жараён жамоатчилик алоқаларини ривожлантириш хизмати томонидан амалга оширилади, унинг вазифаларига ОАВ билан алоқалар ўрнатиш ҳамда уларга “нашр” учун потенциал хабар сифатида маълум маълумотларни “ташлаб туриш” киради. Моделнинг марказий қисмида расмий манба ҳамда корреспондент ўзаро муносабатлари кўрсатилади, уларнинг манфаатлари маълум даражада муайян хабарни ОАВга нашр учун саралаш ва узатишда мос келади. Расмий манбалардан келувчи маълумотларнинг энг кенг тарқалган вариантлари – бу матбуот учун хабар, пресс-релизлар, матбуот анжуманлари материаллари, телефон интервьюлари ва ҳ.з.лардир. Ярим асрдан сал зиёдроқ Н. Винер таъкидлаганидек, бозор муносабатлари қонуниятлари бўйича яшайдиган жамиятда оммавий ахборот воситалари ўзининг бевосита вазифасидан ташқари яна бошқа “иккиламчи” мақсадларига хизмат қилади: “газета кино ва радио сингари – реклама воситаси ва эгасининг қармоғи” дир, айти пайтда

“алоқа воситасининг иккиламчи томонлари уларнинг асосий вазифасини тобора сиқиб чиқаряпти”⁸⁶.

Бобга хулоса.

Сиёсий коммуникация ижтимоий-сиёсий алоқалар – шахслараро, оммавий ва махсус турфа хилларини қамраб олиб, сиёсат субъектларининг маданий қадриятларини акс эттиради ва ифодалайди; сиёсий ахборотни моҳиятини ўзида ташийдди. Ушбу ахборот мазмунини алмашиш жараёнлари, шунингдек, мазкур алмашинувларда ишлатиладиган семиотик ва техник воситалар ҳамда уларнинг техник каналларни ўз ичига олади. Оммавий коммуникацияга мос равишда гап коммуникаторлар томонидан оммавий аудиториянинг мақсадга йўналтирилган сиёсий қурилмаларини шакллантириш ҳақида кетмоқда, бу қурилма омма ичида ривожланувчи тор ўзаро алоқани назарда тутиб, ўз навбатида коммуникаторларга таъсир ўтказди⁸⁷. Умумий ҳолатда кўп томонлама коммуникатив алоқа ва муносабатлар муайян жамият умумий маданиятининг муҳим таркибий қисми саналмиш сиёсий маданият билан боғлиқ.

Умуман олганда, сиёсий коммуникацияни ўрганиш соҳасига кириб бўлган ва кираётган турфа хил назариялар методологик мазмундаги анчагина қийинчиликларни туғдиради. Замонавий микродаражали сиёсий коммуникативистика хар қандай ривожланаётган илм соҳаси каби қатор фундаментал муаммолар бўйича фикрлардаги катта фарқланишлардан холи эмас, албатта. Назариячилар тадқиқотлар предмети борасида, ушбу тадқиқотлар айнан қандай табиатга– кўпроқ объектив ёки аксинча, танқидий-субъектив табиатга эга бўлиши кераклиги хусусида баҳслашишда давом этмоқдалар. Айни пайтда микродаражадаги сиёсий коммуникация ўрганилиши керак бўлган позицияларга нисбатан мавжуд зиддиятлар сиёсий тизим ва умуман жамият босқичида ахборий алмашинув ва ўзаро таъсир энг

⁸⁶ Винер Н. Кибернетика, или управление и связь в животном и машине. – М., 1983.- Б. 24.

⁸⁷ Федякин И.А. Общественное сознание и массовая коммуникация в буржуазном обществе. М., 1988. - С.39.

умумий қонун-қоидаларини концептул тарзда акс эттирувчи онгли метаназарий тuzилма сифатида сиёсий кибернетикани шаклланишида деярли ўз аксини топмади.

Афсуски, бугунги воқеликлардан унча узок бўлмаган шундай хулосага келиш мумкинки, ОАВ аслида сўз эркинлигини у қадар намоён этмасдан, кўпроқ сиёсий, иқтисодий муносабатида энг қудратли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари йўлида жамиятни бошқариш воситаларидан бири сифатида чиқади.

Шунга қарамай, ахборот технологияларини кейинги ривожланиши даражасида ҳар бир инсон интернетга уланган уй компьютери қаршисида шинам креслода ўтириб сиёсий қарорларни ишлаб чиқариб, қабул қилишда бевосита иштирок имкониятини олгандаги демократиянинг “электрон” моделини рўёбга чиқара олади. Қай даражада мазкур тахминлар амалга ошишини эҳтимол яқин келажак кўрсатади.

III БОБ. Сиёсий ва маданий коммуникация: уйғунлик муаммолари.

3.1 Сиёсий коммуникация жараёнларида шахс ва индивиднинг ўрни, аҳамияти.

Инсон табиатини ўрганиш билан боғлиқ назариялар яратувчилари фикрловчи мавжудотнинг ўзига хос бўлган фундаментал (асосий) хислатларини қадим даврлардан буён аниқлаш ва англашга интилиб келдилар. Бошқарув ва сиёсат Энциклопедиясида инсон моҳиятини ёритувчи норматив ва биосиёсий характердаги баъзи бир ғоят муҳим назариялар ва моделлар кўрсатилган:

- индивидуал инсон табиати тўғрисидаги Платон (Афлотун) назарияси;
- инсонни фақат ўзининг эгоистик манфаатлари билан ва доимо ҳокимиятга эришишни орзу қилган ҳолда ҳаракат қилувчи мавжудот сифатида кўрсатувчи Т. Гоббснинг назарияси;
- инсонни азалдан ижтимоий мавжудот деб ҳисоблайдиган Ж. Локк назарияси;
- олижаноб ёввойи тўғрисидаги Ж.Ж. Руссо концепцияси;
- инсон ижтимоий табиатини ва жамият аҳамиятини, шунингдек инсоний фазилатларнинг шаклланишида унинг ҳиссасини белгилаб берувчи марксистик (марксча) модель;
- энг мослашган индивидларнинг яшаб қолиши ва табиат ва жамиятдаги курашнинг нафақат муқаррар, балки матлуб эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ижтимоий дарвинизм (дарвинчилик);
- инсон феъл-атворини жамият таъсирига тез берилувчан деб ҳисобладиган Беррес Фредерик Скиннернинг бихевиористик концепцияси, бу концепция, ижтимоий шароитлар билан манипуляция қилиш йўли орқали талаб қилинадиган одамларни яратиш учун жамиятга имкон берилади деб ҳисоблайди;
- инстинктларнинг ўзгармаслиги ёки ирсий мўлжалланганлик таъсирида инсон табиатининг турғун бўлиб қолишини қаттиқ туриб маъқуллаган

Конрад Лоренц, Эдвард Вильсоннинг биоижтимоий концепциялари (уларда мақсадли генетик аралашининг ғоят реал (ҳақиқий) имконияти бу муаллифлар томонидан кўриб чиқилмаган).

Инсон – сиёсатнинг асосий субъекти (актори) дир. Одамлар ижтимоий ҳаётда ҳар хил гуруҳларни тузишади. Баъзилари тасодифий ва муваққат тузилган, баъзида сиёсий жараённинг қандайдир ўзига хос пайтидагина муҳим ўрин тутаяди. Барқарор ва индивидуаллаштирилган гуруҳлар хийла муҳим рол ўйнайди. Ўзининг феъл-атвори ва иштирокини шахс намунаси, унинг иродаси, темпераменти, характери, шуури, ҳаракатларига ва ш.к. ларга тўла мослаштирадиган таркибий, жамоа субъектлари шулар жумласига киради. Сиёсий муносабатда гуруҳ индивиднинг ўрнига (биз унинг орқасида бўламиз) ва аксинча индивид гуруҳнинг ўрнига (мен улар учун жавоб бераман) чиқиши мумкин.

Сиёсат субъекти сифатида қараладиган шахс тушунчаси.

Замонавий одам – бу ҳақиқатан ҳам оламшумул-тарихий индивиддир. Унинг шаклланишида маҳаллий ижтимоий-маданий муҳит ва анъаналардан ташқари, глобал тартиб омиллари ҳам – маданиятлар ва цивилизациялар диалоглари, фан, санъат, оммавий коммуникациялар кўринишидаги умумий маънавий маҳсуллар фаол иштирок этади.

Бугунги кунда умумий сиёсий қадриятлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: шахснинг эркинлиги, кадр-қиммати ва тенг ҳуқуқлилиги, жамоат тартиби, адолат, демократия, масъулият. Индивидуал борлиқ инсоннинг ички позицияси билан, унинг асосида инсон ўз дунёқарашини қурадиган шахс идроклари тизимининг вужудга келиши орқали шаклланади. У томонидан шакллантирилган дунёқараш унинг шахс сифатида камол топишини белгилайди. Бир ишни айтиб, бошқа ишни ўйлайдиган, учинчи ишни эса қиладиган инсон шахсизлик (шахс эмаслик) сифатида намоён бўлади (бу атама Ф.М. Достоевский томонидан киритилган). Инсондаги шахс (ёки инсоннинг шахс бўлишга интилиши) – бу

яқинларининг, жамоанинг, мамлакатнинг, инсониятнинг муаммолари тўғрисида доимий қайғуришлик, шахс талаблари нуқтаи назаридан ўзига мурожаат этишликдир: “мен кимман?”.

“Сиёсат субъекти” сифатида қараладиган шахс муаммоси сиёсат қиладиган, унда фаол ва онгли равишда иштирок этадиган шахсга дахлдордир. “Ўртамиёна” инсон агар у қуйидагиларни билса сиёсат субъектига айланади: а) ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий талаблари ва манфаатлари қандай; б) улар орасидаги зиддиятларга нима сабаб бўлган; в) бу зиддиятларни бартараф қилишнинг қандай йўллари бор; г) унинг шахсий талаблари, манфаатлари ва уларни қондириш учун ижтимоий имкониятларнинг ҳолати орасида қандай алоқа бор.

Шахс сиёсат субъекти сифатида жамиятдаги сиёсий “ўйин” нинг қоидаларида ва механизмларида ўзига йўл топиши, у қайси йўлни хоҳлашини билиши керак ва шундан кейин бу ўйинда ўрин эгаллаши мумкин. Фақат шу шартлардагина шахс сиёсатнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланади. Шахс субъективлигининг объектив омиллари унга ҳам ижобий (унинг сиёсий фаоллигини шакллантирган ҳолда), ҳам салбий (уни сиёсий ҳаётга мажбуран киритган ҳолда) таъсир кўрсатади. Шахс сиёсатдан ташқарида маълум бир вақт яшаши мумкин, лекин бундай яқкалик ғайритабиийдир: агарда реал сиёсатнинг натижалари нафақат у (шахс) кирган гуруҳнинг манфаатларига, балки шахсий манфаатларига ҳам хавф туғдирса, унда у сиёсий фаолиятга сўзсиз аралашади. Шахснинг сиёсий фаолиятдаги иштироки икки омил билан детерминацияланган (аниқлаб олинган): 1) аниқловчи доминанталар бўлиб шахснинг қобилияти ва амбицияси (нафсонияти (даъвоси)) ҳисобланадиган мотивация билан; 2) бу қобилият ва амбициялар рўёбга чиқиши мумкин бўлган ижтимоий шароитларнинг мавжудлиги билан.

Қобилияти ва тавсифи жорий сиёсий талабларга жавоб берадиган шахсгина у ёки бу аниқ бир шароитларда сиёсий ҳаётга таъсир кўрсатиши мумкин. Нуфузли сиёсий раҳнамолар шахсидаги типиклик ва индивидуаллик

диалектикаси шунда кўринадики, бу шахс биринчидан, ўта репрезентатив (таниқли (яъни эътиборли) дир, иккинчидан, жамиятнинг барча аъзоларининг типик хусусиятлари унда юқорироқ кўрсаткичларни эгаллайди. Асосий ижтимоий низолардан ўзини четга ололмайдиган вазиятда сиёсий раҳнамо (оддий сиёсатчи) қиёфасидаги шахс ўзи бажарадиган сиёсий ролларининг карама-қаршилиги сабабли ичдан ноиттифоқдош бўлиб қолади. Демак, фуқаронинг роли баъзан миллат намоёндасининг ролига нисбатан, миллат намоёндасининг роли – жамоат ташкилоти, синфи аъзосининг, бу синф ичидаги ижтимоий гуруҳнинг ва ш.к. ларнинг ролига нисбатан ихтилофда бўлади.

Шахснинг сиёсий фаоллиги даражасининг ташқи ифодаси сифатида унинг сиёсий амалиётга кирганлиги, ундаги иштирокининг кўламлари, сиёсий ҳаётда шахс ижро этадиган ролларнинг сони ва аҳамияти хизмат қилади. “Оддий” фуқаронинг сиёсий таъсир кўрсатиши ижтимоий характердаги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- а) шахснинг ижтимоий статуси (мақоми) (синфий мансублик, касби, касбий ва ижтимоий иерархиядаги ўрни, ҳаётини етуклик даражаси);
- б) унинг шахсий манфаатларининг у ёки бу ижтимоий зиддиятлар ва низолар билан боғланишлари;
- в) бажариладиган ижтимоий ролларнинг кўлами ва ижтимоий аҳамияти, бу ролларга қўйиладиган талабларни амалга ошириш даражаси ва самарадорлиги;
- г) сиёсий фаолият олиб бориш учун шахсий куч ва маҳоратлар;
- д) шахс фаоллигини чекловчи ижтимоий тўсиқлар ва чекловлар таъсирлари (маълум бир гуруҳларга берилган имтиёзлар, цензларнинг ҳар хил тури: мол-мулк, маълумот, миллий, диний; анъаналар юки ва ш.к.);
- е) шахснинг сиёсий онги ва маданияти, унинг сиёсий хабардорлиги, қадриятларнинг эътиқод тизими.

Шахс сиёсий фаоллигининг ривожланишида унинг чегараларини ва йўл қўйилган меъёрларини белгиловчи жамиятнинг ҳуқуқ тизими улкан аҳамият касб этади. Бундай меъёрлар одатда расмий равишда эълон қилинган (биринчи навбатда конституцияда) фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларида ва уларнинг кафолатлари тизимида (ҳам қонуний, ҳам моддий) мустаҳкамланади. Қуйидагиларни амалга оширадиган сиёсий умумлаштириш тизими ҳам шахснинг сиёсатдаги ролининг ошишига хизмат қилади:

- 1) жамият учун хизмат қилишга онгли равишда ҳаракат қиладиган шахсларнинг қобилиятлари ва инновацион имкониятларини амалга ошириш учун энг яхши шароитларни яратади;
- 2) сиёсатда индивиднинг мойиллиги юқори бўлган ролларни бажаришини таъминлайди;
- 3) жамиятни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш тизимининг оптимал характерини ва унинг самарадорлигининг юқори даражасини белгилайди (ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, маданият ва таълим бирлашмалари, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар);
- 4) қабул қилинадиган сиёсий қарорлар туфайли келиб чиқадиган ижтимоий муаммолар, фикрлар ва вазиятлар тўғрисида ва амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий оқибатлари тўғрисида ошкор қилинадиган маълумотларнинг миқдорини таъминлайди.

Сиёсатда шахс муаммоларини кўриб чиқиш учун икки асосий ёндашув мавжуд – “объектив” ва “субъектив”. Т. Гоббснинг “Левиафан” китобининг биринчи нашри муқовасида жуда кўп майда одам шаклчаларидан таркиб топган катта одам акс эттирилган эди. Расм “катта одам” – бу “майда одамлар” дан таркиб топган ва унинг барча хос сифатлари ва функцияларини акс эттирадиган жамиятдир деган маъно англатиши керак эди. Бу бир йўла бир неча маъноларни гавдалантирган ўзига хос тимсол эди. Шу маънолардан бири “майда одамлар” ўзларини “катта одам” га, жамиятга бўйсундиришади

деб ҳисоблаган. Бундай бўйсунуш заруратини Т. Гоббс беъмани, эгоистик (худбинлик) ва шунга кўра инсон табиатини назорат қилишда эҳтиёж сезади деб асослаган. Сиёсатда шахс муаммосига бундай ёндашувнинг ҳозирги кундаги тарафдорлари ўз фикрларини қуйидагилар билан оқлайдилар:

- жамоат ишлари бошқарувининг долзарб вазифалари билан (Д. Белл, С. Липсет, У. Мур);

- “барқарор демократияни таъминлаш” зарурати билан (Р. Даль, У. Корнхаузер);

- демократик жамиятда одамларнинг “оптимал (энг мақбул) тенглиги” ни таъминлаш билан (Ж. Роулз).

Мазкур ёндашув тарафдорлари учун инсон шахсдан юқори турувчи тузилмалар томонидан назорат қилишда ва бўйсундиришда эҳтиёж сезадиган сиёсат объекти сифатида намоён бўлади.

Сиёсатда шахснинг роли шахс тақдим қиладиганга нисбатан муҳитнинг берилувчанлигига, сиёсий тизимда инсон нуқтаи назарининг кучлилигига ва аниқ сиёсат “Мени” нинг ёрқинлигига қараганда юқори бўлиши керак. Манфаат ва эҳтиёжлар – инсон фаолиятининг энг муҳим сиёсий сабабларидир. Мазкур ҳолда эҳтиёжлар субъект (организм, ижтимоий гуруҳ, инсон) ва унинг яшаш шароитлари орасидаги муносабат сифатида намоён бўлади. Бу боғлиқликда яшаш шароитлари хусусида субъектлар орасидаги муносабат алоҳида аҳамият касб этади. Эҳтиёжнинг манфаатдан фарқи улар ифодаладиган муносабатлар характерида эмас (онгда акс этган зарурият, объективлик, фаолият), балки улар орасида муносабат ўрнатиладиган предметларда, томонларда кўринади.

Америкалик сиёсатшунос К. Дойч сиёсий манфаатнинг моҳиятини инсон ташқарисида, одамлар орасидаги ўзаро муносабатда кўради. У бу сўз бирикмасининг лотин тилидаги келиб чиқишига эътибор қаратади, “*inter esse*” сўз бирикмаси “орасида бўлиш” деган маънони англатади, яъни унинг доирасида одамлар ўз манфаатини излайдиган боғлиқлик ва ўзаро

муносабатни акс эттириш. Инсон ва сиёсат орасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий уч турини ажратиш мумкин:

- биринчидан, сиёсий жиҳатдан фаол феъл-атворнинг ҳар хил шаклларида ифодаланадиган ва сиёсий ҳокимият тизимига таъсир этиш орқали ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал этишга интилиш билан характерланадиган инсоннинг сиёсатга аралашуви ҳолати.

“...Сиёсат одами ҳокимият орқали ҳурмат қозонишни истайди”: ўзини кўрсатишнинг худди шундай шаклида инсоннинг ҳаётий кучларига бўлган эътиборни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш қуйидагилар характерли хусусиятлари ҳисобланадиган “авторитар шахс” нинг ўзига хос типини яратади:

- 1) конвенционализм – ташқи қадриятларни қабул қилишда ташқи босимга нисбатан мослашувчанлик;
- 2) нуфузли шахсни бир хил ҳурмат қилмаслик;
- 3) масъулият ва адоватни ташқарига, индивиддан назоратсиз бўлган ташқи кучларга ёйиш;
- 4) “кучлилар” каби, лекин юзаки категориялар билан фикрлашга интилиш;
- 5) ҳокимиятга интилиш ва ундан кўрқиш;
- 6) ўз феъл-атворини бошқаларнинг феъл-атвори билан оқлаш;
- 7) фитналар, конспирация (махфий тутиш) лар ва ш.к. мистик (сирли) кучларнинг сиёсатда иштирок этишига ва унга аралашушига ишониш.

Давлат билан ҳуқуқли ўзаро муносабатда реал иштирок этадиган шахсларни сиёсат субъектлари (акторлар) деб тушуниш мумкин. Сиёсатда кўпгина акторлар мавжуд, лекин фақат уч турдаги субъектларни асосий акторлар деб ҳисоблаш мумкин: индивидуал, гуруҳ ҳолидаги ва институционал (ташкилий). Ж. Розенау акторларнинг қуйидаги уч турини индивидуал субъектлар қаторига киритади: сиёсатда иштирок этишига гуруҳ манфаатлари сабаб бўлган оддий фуқаро, давлатда бошқарув ва назорат функциясини бажарадиган профессионал арбоб, шунингдек, гуруҳ

мақсадларига қарамасдан ҳаракат қилувчи ва бунда бирорта профессионал мажбуриятларни бажарувчи алоҳида индивид. Гуруҳ ҳолидаги субъектларга турли умумийликлар ва жамоалар киради (муваққатдан доимийгача, маҳаллийдан трансмиллийгача). Шунингдек, институтлар вакиллик ва ижро функцияларини бажарувчи ташкилотларнинг бутун бир доирасини ўз ичига олади. Методологик ёндашувларга қараб, пирамиданинг чўққисидан ёки институт (норматив ёндашув), ёки гуруҳ (манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашув), ёки индивид (бихевиорал ёндашув) бўлиши мумкин. Гуруҳни асосий сиёсий субъект сифатида қабул қилган ҳолда, сиёсатни англантишда индивидни биринчи ўринга чиқариш аниқ асосларга эга бўлишини қайд қилмаслик мумкин эмас. Уни фақат сиёсий ҳокимиятнинг субъектларидан бири сифатида қабул қилишнинг ўзи етарли эмас. Инсонга барча нарсаларнинг чегараси сифатида баҳо беришда (Протагор), бу гуманистик талаблар ҳокимиятнинг ўз-ўзидан ривожланишининг мўлжали сифатида кўринган ҳолда, давлат сиёсатининг ғоят аниқ мақсад ва принципларини белгилашга қодир. Бошқача қилиб айтганда, давлат ва индивид ҳокимият тузилишининг икки турли манбаи ва принципини мужассамлантиради. Барча вазиятларда давлат индивидуал ҳаёт учун шахсга нисбатан энг муҳим мажбурий имтиёзлар, ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган ташқи куч бўлиб қолади. Аммо инсон ҳам демократия шароитларида, давлат сиёсатининг моҳиятини аниқлаган ҳолда ва уни унинг учун зарур бўлган оқимга йўналтирган ҳолда сиёсий муносабатларнинг олий ижтимоий қадриятига айланади.

3.2. Кенг омма – сиёсий ва маданий коммуникация субъекти сифатида

Одамларнинг тартибсиз чиқишлари ўз иштирокчиларига, фаолиятнинг ташкил этилган шаклларига қараганда бошқа сиёсий-психологик талабларни кўяди. Сиёсий соҳада феъл-атворнинг тартибсиз шакллари қаторига ҳам алоҳида одамлар томонидан бажариладиган режалаштирилмаган (ёки ўйламасдан қилинган, иррационал) ишлар, ҳам уюлмаган оммавий

чиқишлар, исёнлар, ғалаёнлар, норозилик митинглари, беихтиёр (ўз-ўзидан) юзага келадиган ва кўп ўтмай тугайдиган ҳаракатлар ва ш.к. Улар тадқиқотчилар учун ўзларининг оммавий шакллари билан ҳам уларнинг сиёсий аҳамияти кучига кўра, ҳам шахсий ҳаракатлардагига қараганда уларда бошқача психологик қонунлар кучга киришига кўра қизиқарлидир. Густав Лебон (1841-1931) ва Габриэл Тард (1843-1904) давридан бошлаб фан оммавий агрессия (тажовузкорлик), саросима ёки энтузиазм (ғайрат) механизмлари тўғрисидаги тушунчаларни жуда оз бойитди.

Қуйидаги омиллар гуруҳи одамларнинг сиёсий феъл-атвориغا жиддий таъсир кўрсатади⁸⁸:

- биологик – ёш, соғлиғи ҳолати, жисмоний белгилари, жинс ва ш.к.;
- психологик – темперамент, ҳиссиёт, ирода, фикрлаш тури;
- ижтимоий – моддий аҳвол, касбий ва ижтимоий статус (мақом), дунёқараш.

Лекин шахсларнинг сиёсий феъл-атвори яна сиёсатда уларнинг алоҳида иштирок этишига ёки у ёки бу мақсадларга эришадиган одамлар оқимиغا кўшилганлигига боғлиқ. Ҳали XIX асрда Г. Лебон одамларнинг катта сонини ўзига эргаштирувчи омма нафақат улар орасидаги гуруҳ ҳолидаги тафовутларни йўқ қилади, балки шахсий феъл-атворни ўзгартиради, бутун шахсий психикани ўзгартириб юборади, оммага кирадиган одамларга янги сифатлар беради. Оммада, - деб ёзади Д.В. Ольшанский, - унинг кўпгина омилларининг фақат битта омили таъсирида индивид келажакда бир ўзи жилавлашга мажбур бўладиган дастлабки истакларнинг унга берилишига имкон берувчи енгилмас қудрат ҳиссини бошдан кечиради. Оммага кўшилган индивидда ўзини жазога тортилмайдиган ҳолда сезиш натижасида чексиз ҳукмронлик ҳисси кучаяди.

Омманинг ўзига хос эргаштирувчанлиги таъсирида шахсий психика ўзгаради. Оммада индивид умумий манфаат фойдасига ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечади. Оммавий фикрлар, туйғулар ва кечинмаларни

⁸⁸ Лебон Г. Психология толп. –Издательство Ф. Павленкова, СПб., 1895 г.

англаган ҳолда индивид оммага эргашишни бошлайди. А. Ольшанскийнинг фикрича, омманинг таъсирида бўлган индивиднинг асосий фарқловчи белгилари қуйидагилар ҳисобланади: онгли шахсларнинг йўқолиши ва онгсиз шахслар кўпчиликни ташкил қилиши; ишонтириш ва эргаштириш натижасида фикр ва туйғуларни маълум бир йўналишга йўналтириш; ишонтирилган ғояларни ошиғич амалга оширишга интилиш. Индивид энди ўзи бўла олмайди, у иродасиз автоматга айланади – деб ёзади бу муаллиф ўзининг “Сиёсий психология асослари” асарида⁸⁹. Инсон ўзининг оммага алоқадорлигига кўра фақат битта асос билан цивилизация тараққиёти пиллапоясидан бир неча поғона пастга тушади. Ягона бўлган, ўқимишли бўлган, ўқимишли бўлиши мумкин бўлган индивид оммада – варвар (бадавий), яъни дастлабки истакларнинг қули бўлган махлуқдир. У ўзибўларлик, жўшқинлик, бебошлик, шунингдек, ибтидоий махлуқларнинг энтузиазми (ғайрати) ва қаҳрамонлиги соҳиби бўлади, - деб ёзишни давом эттиради муаллиф.

Индивид ва омма феъл-атворини таърифлаган ҳолда, З. Фрейд шундай деб таъкидлайди⁹⁰: Омма итоат этадиган импульслар вазиятларга қараб, олижаноб ёки шафқатсиз, қаҳрамонона ёки кўрқоқона бўлиши мумкин, лекин барча ҳолларда улар шу қадар амирона бўладики, нафақат шахсий манфаатнинг, ҳаттоки ўз жонини сақлаш инстинктининг намоён бўлишига имкон бермайди. Унда ҳеч нима олдиндан ўйлаб қўйилган бўлмайди. Агар у бирор нарсани астойдил истаса, унда ҳамма вақт уни кўп кутмайди, у ироданинг саботли бўлишига қодир эмас. У истак ва истакнинг амалга ошиши орасида муҳлат қўймайди. У ўзини ҳар нарсага қодир деб ҳис қилади, индивид оммада бўлганида унда иложи йўқ деган тушунча йўқолади. Индивидлар оммада биргаликда бўлганида уларда нафақат тормозловчи онлар йўқолади, балки уларнинг ҳар бирида мудраб ётган шафқатсиз, кўпол, вайронкор инстинктлар уйғонади, алоҳида ҳолларда эса, алоҳида инсоннинг

⁸⁹ Ольшанский Д.В. Психология масс. – СПб.: Питер, 2001. – С. 33.

⁹⁰ Зигмунд Фрейд. Психология масс и анализ человеческого "Я". – Азбука., 2015.-С.65.

ахлоқ даражаси ошиши ҳам мумкин. Бу атрофида оммавий психологиянинг у ёки бу варианты юзага келган ва тегишли равишда, қандайдир одамлар оммаси вужудга келган сиёсий-психологик туб моҳиятга (ҳодиса, фикр, туйғу) боғлиқ.

Г. Лебон “оломон” сўзини индивидларнинг, уларнинг миллати, касби ёки жинси қандай бўлишидан қатъий назар ва бу йиғинга сабаб бўлган тасодифларнинг қандай бўлишидан қатъий назар йиғини деб ҳисоблаган⁹¹. Бироқ психологик нуқтаи назардан бу сўз мутлақо бошқа маънога эга бўлади. Номаълум шароитларда одамлар йиғини оломонни ташкил қилувчи индивидларни таърифловчи хусусиятлардан фарқ қилувчи мутлақо янги хусусиятларга эга бўлади. Онгли шахс йўқ бўлади, оломон деб аталадиган бир бутунни вужудга келтирувчи барча алоҳида кишиларнинг сезгиси ва ғояси маълум бир йўналишга эга бўлади. Албатта, вақтинчалик хусусиятга, лекин жуда аниқ хусусиятларга эга бўлган жамоа юраги пайдо бўлади. Йиғиннинг бундай тури уюшган оломон деб ёки оломоннинг маънавий бирлиги қонунига бўйсунадиган ягона тирик махлукни ўзида кўрсатувчи руҳланган оломон деб аташ мумкин бўлган оломонга айланади.

Онгли шахснинг йўқ бўлиши ва сезги ва фикрларни маълум бир йўналишга йўналтириш – ташкил қилиш йўлига кирувчи оломонни таърифловчи асосий хусусиятлар, - маълум бир жойда бир қанча индивидларнинг албатта ва бир вақтда ҳозир бўлишини талаб қилмайди. Бир-биридан ажратилган минглаб индивидлар маълум вақтларда бир вақтнинг ўзида баъзи бир кучли ҳиссиётларнинг ёки қандайдир буюк миллий ҳодисанинг таъсирига тушиши ва шу тарзда, руҳланган оломоннинг барча хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Қандайдир тасодиф билан бу индивидларни уларнинг барча ҳаракатлари ва ишлари оломон ҳаракатлари ва ишларининг характерини дарҳол эгаллаши учун биргаликда йўналтириш керак. Бошқа томондан, бутун бир халқ маълум таъсирларнинг таъсири

⁹¹ Лебон Г. Психология толп. –Издательство Ф. Павленкова, СПб., 1895 г.– С.86.

остида баъзан оломонга айланади ва бунда йиғин “оломон” сўзининг ўз маъносини ифодаламайди. Рухланган оломон ўзининг пайдо бўлишидан сўнг мутлақо аниқ умумий хусусиятларга эга бўлади. Бу умумий хусусиятларга, оломонни вужудга келтирувчи ва ўз навбатида, унинг маънавий таркибини ўзгартиришга қодир бўлган элементларга мувофиқ алмашинадиган алоҳида хусусиятлар қўшилиши мумкин.

Тартибсиз феъл-атвор ҳаммасидан кўра одамларнинг сиёсий инқирозларга ва беқарорликка бўлган оммавий реакцияси ҳисобланади. Бу реакция учун, анланган ва прагматик сезгиларга нисбатан иррационал, инстинктив сезгиларга эга бўлиш характерлидир. Оломоннинг энтузиазмини ёки норозилигини уйғотувчи сабаблар ва бевосита баҳоналар турли-туман бўлиши ва албатта сиёсий бўлмаслиги мумкин: миллий футбол командасининг ғалабасидан тортиб валюта курсининг пасайишигача.

XX асрнинг сўнгги ўн йилида суперзамонавий типдаги омма (оломон) нинг, оммавий, шу жумладан сиёсий феъл-атворнинг энг янги кўринишларининг вужудга келишини Серж Московичи ўзининг “Оломонлар асри” китобининг (1981) русча нашрига (1997) берган сўзбошисида қизиқарли тарзда изоҳлаб берди⁹². У бу жараённинг асосини миллий бирлашмаларнинг кенгайишида, бениҳоя катта бозорлар орқали амалга ошадиган гигант урбанизация жараёнида деб билди, бу жараённинг катализатори эса ахборот инқилоби бўлди. Электрон тармоқлар бутун ер шари бўйича тарқалиб кетган одамларни ўзаро янада зич боғлайди, лекин шу билан бирга “менинг уйим – менинг кўрғоним” тушунчасини бузган ҳолда шахсий ҳаётга суқилиб киради. Бугун содир бўлган барча воқеалар дунё сиёсатида ва миллий сиёсатда албатта акс этади.

Ижтимоий гуруҳ типига ўхшаш оломон (омма) бир вақтда ва аморфлик ва ўхшашлик билан тавсифланади. Кўпинча унда раҳнамо умуман йўқ, лекин агар у пайдо бўлса (бу кўпинча ўз номзодини кўрсатиш орқали содир

⁹² Московиси Серж. Век толп: исторический трактат по психологии масс. –Академический Проект.,1997.– С. 27.

бўлади), унда оломон фақат иккита сиёсий ролни ўз зиммасига олади: раҳнамо ва унинг издошлари. Йўлбошчининг ҳокимияти чексиз бўлади, чунки унга эргашувчилар фикрлашмайди, балки буйруқ ва чақириқларга кўр-кўрона эргашишади. Қатъиятсизлик, кўрқув ҳиссининг, расмий ахборот воситаларига бўлган ишончсизликнинг кучайиши каби психологик омиллар миш-мишлар, саросима, агрессия пайдо бўлишига олиб келади. Одамларнинг оммавий тўдасидаги ҳиссиётлар ўз қонунларига кўра тарқалади – эргаштириш ва ишонтириш таъсирида улар бир неча бор кучаяди. Ўзи учун манфаатли мақсадлар йўлида оломоннинг тартибсиз фаоллигидан фойдаланишга тайёр сиёсий кучлар ҳар доим топилади. Сиёсий жараён иштирокчиларининг ғайришуурий, инстинктив мотивациясига таъсир ўтказишга интилиш характерли бўлган анархистик, экстремистик, ўнг радикал ва сўл радикал, шунингдек, ўта ўнг миллатчи ҳаракатлар ва партиялар бундай усулдан ҳаммасидан кўра кўпроқ фойдаланишади. Психологлар (масалан, Московичи) юқорида номлари зикр этилган оқимларнинг айнан раҳнамолари ва фаоллари учун катта репрессив потенциал (жазолаш куч-қудрати), яъни агрессив феъл-атворга ва зўравонликка берилганлик, шунингдек, шахснинг авторитар тузилиши хослигини аниқлашди. Бундай сиёсатчилар кўпинча, ҳаёт шароитлари туфайли (чунончи, ҳамма нарсадан маҳрум қилинганлик, етарлича таълим олмаганлик) тегишли таъсир кўрсатишлар учун очик бўлган маълум ижтимоий гуруҳларга суянишини айтиб ўтиш муҳимдир. Қадимда уларни демос (халқ) дан фарқли равишда охлос (қора халқ) деб аташган.

Сиёсий феъл-атворнинг тартибсиз шакллари тарқалишига энг кўнувчан бўлган маргинал қатламлар анъанавий қадриятлар, одатий ижтимоий мўлжалларнинг йўқолиши таъсирида жамиятдан узоқлаштирилади. Жадал сиёсий ўзгаришлар ва тубдан ўзгартириладиган ҳаёт шароитлари, баъзи бир кўриниш билан уларнинг дунёқарашини шакллантирган диний, миллий, ирқий ва бошқа чегараларни йўқ қилишга қарши одамларнинг норозилигини

келтириб чиқаради. Экстремистик типдаги сиёсий феъл-атвор учун кадрият ва мақсадларнинг, йўл-йўриқлар ва услубий ўзига хос хусусиятларнинг маълум бир йиғиндиси характерлидир. Уларнинг орасидан ажратиб олиш мумкин бўлган муҳим жиҳат – бундай жамоавий акторларнинг маънавий заифлашганлиги ва интеллектуалликка қаршилигидир. Улар айнан маргинал қатламлар кучли мубтало бўлган хурофотларга мурожаат қилишади. Ғоявий мулоҳазалар экстремистик ҳаракатларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, алоҳида кадрияти ҳам бўлмайди. Улар учун ғайришуурийлик (онгсизлик), ҳиссиётлар, инстинктлар, содиқ эътиқод ёки бидъат – ўстирувчи муҳитдир. Тегишли оқимга мансуб сиёсий раҳнамолар одамларни ўзларининг атрофида бирлаштириш учун тартибсизликни усталик билан жорий қилишади ва ундан фойдаланишади.

Оломоннинг портловчи сиёсий феъл-атвори – тарихнинг ўз жараёни ходисаси ва замонавий шахс ривожланишининг юқори суръатлари ўтмишда, XX асрда қолишига умид қилмаса ҳам бўлади. XXI асрнинг энг бошида унинг (оломоннинг портловчи сиёсий феъл-атворининг) актуаллашиши (долзарбластиши) ҳақида антиглобалчилар ва альтерглобалчиларнинг оммавий ва хийла агрессив чиқишлари гувоҳлик беради, уларнинг орасида ўқимишли ва ўзига тўқ одамлар ўтган асрнинг мезонларига кўра маргиналлар деб аташ мумкин бўлган одамларга қараганда анча кўпдир.

3.3. Ахборий жамият шароитида сиёсий манипуляция кўринишлари

Мазкур соҳада иш олиб борган машҳур шахслардан Е.Л.Доценко манипуляция хусусида шундай дейди, - “оммавий онгни манипуляция қилиш бу саноати тараққийлашган капиталистик шаклдаги ижтимоий ташкилот, ҳукмронликнинг бир усули бўлиб, дунё суратини воқеликка номувофик тарзда омманинг онгига киритиш орқали муайян оммавий хулқ-атвор билвосита стимуляциясига асосланади”⁹³. С. Г. Кара-Мурза бу тушунчани

⁹³Доценко Е.Л. Психология манипуляции. М.: Наука, 1996. – Б.27.

қуйидагича таърифлайди: “Онгни манипуляция қилиш бу инсон психик тузилмаларига яширин тарздаги ва уни фикрлашини, мақсадларини керакли йўналишга ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб олувчи таъсир саналади”⁹⁴.

Ўз навбатида, В.Н. Амелин манипулятив жараённинг 3та таркибий қисмларини ажратиб кўрсатади:

“а) ноаниқ, бироқ муайян гуруҳлар учун мақбул “холис” ахборот шаклида онгга сингдириш;

б) оммавий онгнинг кўрқув, ваҳима, нафратни уйғотувчи оғриқли нуқталарига таъсир қилиш;

в) ўз нуқтаи назарини оммавий фикр кўмаги билан боғлаган ҳолда муайян ғоя ва яширин мақсадларни амалга ошириш”⁹⁵.

Кўриниб турибдики, юқоридаги барча таърифларда биз ўрганаётган ҳодисага салбий баҳо мавжуд. Тадқиқот ишимда унга қатъий, узил-кесил баҳо беришдан қочишга ҳаракат қиламиз, уни замонавий жамиятда кенг тарқалган ҳодиса сифатида ўрганиб чиқамиз.

Шуниси муҳимки, ҳар қандай сиёсий манипуляциянинг мақсади ҳокимиятни эгаллаш, амалга ошириш ва уни сақлаш ҳисобланади. Замонавий дунёда сайловлар ана шу мақсадга хизмат қилади. Бироқ сайловларда ғолиблиқда жамоатчилик, сайловчилар фикри ва кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун сиёсий манипуляциялар сайловчиларда у ёхуд бу номзод ёки партиёга овоз беришлари учун зарур бўлган кўрсатма ва фикрларни шакллантириш учун ишлатилади.

“Оммавий онг” тушунчасини ҳам аниқлаштириш лозим, чунки у сиёсий манипуляция объекти ҳисобланади:

1. Д.В. Олшанский фикрича, “Оммавий онг бу ижтимоий онг кўринишларидан биридир”⁹⁶.

⁹⁴Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. М.: Алгоритм, 2000. – Б.79.

⁹⁵Амелин В. Н. Социология политики. М., 1992. - Б. 61.

⁹⁶Ольшанский Д. В. Психология масс. — СПб: Питер, 2001. – Б. 127.

2. Жамоатчилик фикрини ҳам “бирор-бир масала бўйича муайян гуруҳларининг катта қисми томонидан ифода этиладиган фикр” сифатида аниқлаштириш мумкин⁹⁷.

3. Сиёсий атамалар луғати оммавий онг тушунчасини қуйидагича ифодалайди: “Оммавий онг кундалик ҳаёт шароитларини акс эттирувчи катта гуруҳлар онги бўлиб, ўз ичига ғоялар, маънавий қадриятлар, пуч хаёллар, стереотиплар, ижтимоий туйғуларни олади. Бу омма ижтимоий сиёсий ахлоқининг тартибга солувчиларидан бири”⁹⁸.

Шуни айтиш мумкинки, оммавий онг кенг тушунча сифатида жамиятда содир бўлаётган жараёнларга таъсир этувчи унсурдир. У ижтимоий коммуникациялар натижасида олинган меъёр, қадрият ва билимлардан ташкил топган.

Замонавий дунёда коммуникациялар соҳасида янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тез суръатлар билан бормоқда, бу ўринда аудитория томонидан нафақат ахборот истеъмолининг сифати, балки тарқалиш усуллари ҳам ўзгаради.

М.авв. IV-III асрларда Хитойда “маънавий зулм” кўринишида қўл остидагиларга таъсир ўтказиш учун ишлатиладиган концепцияни шакллантирган легистлар мактаби дунёга келди. Легистлар Макиавеллининг халқ оммасини бошқаришда фақатгина кучнинг ўзи етарли эмас, агар ҳукмдор ўзида қудрат ва дилбарликни мужассам этса яхши натижага эришади, деган ғояни ривожлантирди, унинг фикрича: “Халқни ўзига бўйсундириш учун шунчаки муносиб бўлиш етарли эмас, бироқ муносибни бўйсундириш учун ўктам куч етарлидир”⁹⁹.

⁹⁷Гринберг Т.Г. Политические технологии: PR и реклама в тексте. – М.: Аспект Пресс, 2006. – Б. 79.

⁹⁸Политико-терминологический словарь. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://politike.ru/dictionary/285/word/masovoe-soznanie>

⁹⁹Китайская философия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.diclib.com/%D0%9A%D0%98%D0%A2%D0%90%D0%99%D0%A1%D0%9A%D0%90%D0%AF%20%D0%A4%D0%98%D0%9B%D0%9E%D0%A1%D0%9E%D0%A4%D0%98%D0%AF/show/en/colier/%D0%9A/1182/480/0/9/5428#.U0_uPI_vzI (дата обращения: 27.03.2015)

Янги асрда италиялик сиёсий арбоб ва мутаффакир Николо Макиавелли ўзининг “Хукмдор” номли асарида хукмдорнинг устунлиги унинг кучи, фуқаролар билан ўзаро тушунишлари ва улар томонидан кўмакка боғлиқ.

Бундан ташқари, мутафаккир ҳисоблашича, хукмдор қўл остидагиларнинг қонунларини ўзгартирмаслиги керак, чунки бу қарама-қаршилиқларга олиб келади. Макиавелли жамият қадриятлари тизими, урф-одатлар ва маданиятнинг муҳим ролини англаган илк тадқиқотчилардан бири. Унинг фикрича, барча асосларнинг куч ишлатиш йўли билан бузилиши хукмдорни ўз мақсадига олиб келмайди. Хукмдор душман ва рақиблари билан муносабатларда айёр бўлмоғи даркор. Шундай қилиб, Николо Макиавелли сиёсатда манипуляциянинг асосчисига айланди, кейинчалик замонавий олимлар ўзларининг услубий ва илмий тадқиқот ишларида унинг таърифларини тизимлаштирдилар.

Сиёсий манипуляция технологиялари тараққиётининг кейинги муҳим босқичи бу XX асрнинг 20-йилларидир. Мазкур даврда З. Фрейднинг психотаҳлил ҳақидаги асарлари кенг оммалашди. Фрейд таъкидлаганидек, инсон психикаси 3та элементдан иборат: онгсиз – онг ости – онгли. Шу билан бирга, инсон хулқ-атвори онгсиз қисмида ривожланар экан, ўз навбатида, мазкур соҳа устидан хукмронлик қилиш индивидуум ахлоқини бошқаришга имкон беради.

Бундан ташқари, олим “Омма психологияси ва инсоннинг МЕНи таҳлили” номли асарида айнан омма таъсир ўтказилишига дуч келишини ёзган. Чунки одамлар омма орасига тушиб қолганларида шахсий “мен” жамоавийга айланади: “(Оломон) ўзини ҳамма нарсага қодир деб ўйлай бошлаб, оммадаги индивидда имконсиз деган тушунча йўқола бошлайди... Омма ишонувчан ва таъсирга ғоят тез тушиб қолади, у танқид қила олмайди, у учун ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳодисалар мавжуд эмас”¹⁰⁰.

¹⁰⁰ Фрейд З. Психология масс и анализ человеческого Я//Фрейд З. Психоаналитические этюды. М.: Попурри, 2003.– С.42.

Фрейд томонидан инсон табиатини тушуниш йўлида қилган хулосаси бугунги кунда ҳам сиёсий жараёнларда онгни манипуляция қилиш воситалари самарадорлигини тушунтиради. Инсон яширин инстинктларига муурожаат фашист мафкурачилари томонидан ҳам мувафаққиятли тарзда ишлатилган. Уларнинг тарғибий нутқлари идрокка эмас, инстинктларга чақирар эди.

ОАВ ва индивид ўртасидаги ўзаро алоқаларни тадқиқ этишнинг асосчиси У. Липпман ҳисобланади. Унинг асарлари XX аср 20 йилларида пайдо бўла бошлади. Сиёсий воқелик ҳақидаги аниқ ахборотни оддий ўқувчига етиб бормаслиги ҳисобида ОАВ манфаатдор томон учун фойдали йўсинда ахборот тақдим этади, деб ҳисоблайди у. Стереотипларни жамоатчилик фикрига таъсири бўйича тадқиқотларига асосланиб, Липпман шундай хулосага келадики¹⁰¹, ОАВ сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар ҳақида керакли стереотиплашган тасаввурни яратиб, сиёсий элита ва контрэлита манфаатлари йўлида индивидуумларни манипуляция қилиш имконини беради.

ОАВ турли ижтимоий қатламлар ўртасида мурасага эришиш йўли билан жамиятда демократик жараённи бўйсундирувчи ишонтириш механизмларини ишлатади. ОАВ орқали жамоатчилик фикрини синхронлаштириш мумкин: “Кўплаб умумий истаклар ичидан битта умумий иродани яратиш ўзига илк ғоялардан ажратилган туйғуларни сингдириб олувчи рамзларни қўллашдан иборат”¹⁰². Мазкур хулосалар оммавий онгни манипуляция қилиш жараёнида медианинг ўрни масаласини кенг ўрганишга йўл очди. Коммуникация механизмлари тадқиқотчиларидан яна бири Пол Лазерсфельд эди. Айнан у икки поғонали коммуникация модели концепциясининг муаллифидир.

¹⁰¹ Липпман У. Общественное мнение. – М.: Институт Фонда “Общественное мнение”, 2004. – С. 84 .

¹⁰² Lippmann W. Stereotypes//Language in Uniform. A reader on Propaganda/Ed. N.A. Ford. New York, 1967.- P. 15.

Ўз тадқиқотлари мобайнида у аудитория томонидан қабул қилинган ахборот икки ҳафтадан кейин камаймайди, аксинча, кучайиб боради, деган хулоса ясайди. Мазкур ҳодисани тадқиқ этиб, Лазерсфельд “ОАВ-истеъмолчи” занжирида яна бир аҳамиятли бўғин бор деган хулосага келиб, унга “фикр етакчилари” деган ном беради. Мазкур концепцияга кўра, фикр етакчилари ахборотни олиб, иккинчи поғона истеъмолчилари (аудитория) орасида тарқатади, яъни оммавий ишонтиришда ОАВ ўрни бирламчи бўлмай қолади.

Манипуляция усуллари: умумий тавсифи

Барча даврларда ҳам демократик давлат сиёсати учун сайловлар орқали ҳокимиятга эришиш жуда муҳим саналганлиги боис унга эришишда ҳамиша йўл қўйилган ёхуд ҳеч бўлмаганда, расман ман қилинмаган исталган воситалардан фойдаланиш тенденцияси мавжуд бўлган.

Шунинг учун ғарб мамлакатларда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам реклама бизнесининг янги йўналиши – имиджмейкинг мувафаққиятли тараққий топмоқда, у сиёсий арбобларнинг сайловчилар учун жалб қилувчи образларни яратишга ихтисослашган. Профессинал-имиджмейкерлар ва сайлов компаниялар ташкилотчилари кийим урфидан тортиб, ўз ичига кўп миқдорда қизиқарли ваъдаларни олувчи нутқ таркибига ҳар бир икир чикирни ишлаб чиқишади.

Е.А.Богачеванинг фикрича сиёсий соҳада барча воситаларни икки босқичли манипуляция тизими кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

1. воқеликни манипуляция қилиш (ахборот муҳитини бошқариш);
2. воқеликни қабул қилишни манипуляция қилиш (аудиториянинг психик жараёнларини бошқариш) ¹⁰³.

ОАВ аудиторияга таъсир қилишда кенг имкониятларга эга. Матбуот, радио ва телевидение орқали воқеликнинг далилий билимлари келади, инсон

¹⁰³ Богачева Е.А. Политическое манипулирование в избирательных компаниях: Учеб. пособие. Изд. дополненное и переработанное. - Невиномысск: НГГТИ, 2012. - Б. 70.

фикрини фаоллаштиради, назарий дунёқарашни ўзлаштириш ва янги фактлар билан уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратади. Шунинг учун ОАВ сайловолди компанияларда муҳим ўрин эгаллайди. Ахборот сиёсий жараёнда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш мақсадида ҳар бир сиёсат субъекти эгаллаши лозим бўлган асосий манбага айланади.

ОАВ сиёсий жараён субъектидан таъсир объектига ахборотни узатиш воситасигина бўлиб қолмай, шунингдек, турли субъектларга тегишли фикрлар алмашинуви платформасига ҳам айланади. Сайловолди ташвиқотнинг асосий мақсади бу энг кўп тарафдорларни йиғиш, ниҳоят сайловчиларнинг энг кўп миқдоридаги овозига эга бўлиш саналади. Тажрибали политехнологлар аудиторияга сайловолди мусобақасигача сезилар-сезилмас, расман ахборий кўрсатув ва нашрларда ўз манипулятив таъсирини ўткази бошлайди.

ОАВнинг реклама-манипулятив фаолияти номзодларнинг ҳақиқий ишбилармон ва ахлоқий фазилатларини кўриш, уларнинг сиёсий позицияларини аниқлаштиришга йўл қўймайди. Бу фуқароларнинг танловини мустақил қабул қилинган қарордан мутахассислар томонидан олдиндан белгиланган ҳаракатга айлантириб юборади.

Номзод ва унинг гуруҳи ўз шахси атрофида ахборот майдони шакллантираётганида, сайлов компанияси бир қанча босқичларда ривожланишини ҳисобга олиши зарур. Биринчи босқич жамиятда ўсиб боровчи босим билан изоҳланади, номзод ўзи ҳақида эълон қилмоғи шарт. Кейинги босқич - афзалликлар сайлов гуруҳларининг шаклланиши, шунингдек, ўзига хос “ботқоқлик” – сайловда иштирок этмайдиган аҳолининг кенг қатлами пайдо бўлади. Сайлов компаниясини маҳорат билан олиб бориш натижасида ўша ботқоқликдан ҳам кўп овоз йиғиш мумкин. Мазкур босқичда сайловдан истаклар шакллантирилади, ажратилади ва мустаҳкамланади. Сўнги босқичда ижтимоий фаоллик пасайиши, у ёки бу

сайловни тинимсиз тақдим этилишидан ҳафсаласи пир бўлган одамларнинг ҳорган ҳолати кузатилади.

С.Г. Кара-Мурзанинг фикрига қараганда, “инсон манипуляциянинг қурбонига фақатгина у ҳаммуаллиф, иштирокчи бўлса, айланиши мумкин”¹⁰⁴. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, ОАВнинг сиёсий фаол фуқароларга таъсири самаралироқ ҳисобланади, аynи пайтда иштирок этишдан бош тортаётган ва сиёсий коммуникация соҳасидан ўзини ҳар томонлама чегараловчи аҳолига таъсир кам аҳамиятлидир. Қолаверса, сиёсий фаол фуқароларга таъсир керакли ахборотни турли ахборот оқимлари бўйича етказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Сайловчиларнинг турли сегментлари асосий сиёсий субъект хусусида турли ахборотни олиши зарур. Айнан мана шу ахборот атрофида ахборий компания амалга оширилади.

ОАВ ўз ишида ахборот тарқатишнинг 2та усулидан фойдаланади: кетма-кет ва қисмларга ажратилган. Ахборот тарқатишнинг кетма-кет усули асосан босма нашрларга таллуқли. Матбуот секин-аста турли томонлама сиёсий мавзудаги у ёхуд бу ахборий сабабни ёритади. Бу ҳолатда манипуляция мавзу танланиши, етказиш оҳангдошлиги ва ёритиш тенденционлиги ҳисобига амалга оширилади.

Қисмларга ажратилган усул телевизион материалларда кенг тарқалган. Ахборотни тақдим этиш тезкорлик кўринишини яратиш билан чала амалга оширилади. Бу аҳолининг катта қисмида воқеа-ҳодисанинг тўлақонли суратини шакллантиришга халақит беради. Натижада, аудиториянинг сиёсатга бўлган қизиқишини сўндириб, сиёсий бетарафликни уйғотади ёки берилаётган фикрларга таянишга мажбур қилади.¹⁰⁵

“Янгиликларни ёритишда холислик профессионал журналистни ажратиб турувчи фазилатидир. Бузиб талқин этилган ёки юзаки ахборотни

¹⁰⁴ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.lib.ru/POLITOLOG/karamurza.txt> (дата обращения: 24.04.2015)

¹⁰⁵ Швидунова А. СМИ как субъект политического процесса и инструмент политических технологий. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://societyru/shvidunova_smi/ch07_ihtml (дата обращения: 21.04.2015)

оқлаб бўлмайди... Фактларни фикр, версия ёки тахминлардан аниқ фарқлай олиш шарт. Фактларни ёритилиши холис ва ҳар тарафлама кўриб чиқилиши шарт...”¹⁰⁶. Аммо афсуски, замонавий журналистлар хулқ-атворининг реал модели қоғоздагидан анча фарқланади. Журналист томонидан шарҳланаётган исталган воқеаларда сиёсий фикр мавжуд бўлади. Бунда очиқ ва ёпиқ икки хил фикр бор бўлади.

Очиқ фикр бевосита журналистнинг ўзидан чиқаётган фикрни ифодалаб, ундаги фактни яширмай, уни тўғридан-тўғри ифодалашни назарда тутади.

Ёпиқ – фикрлар пардаланган тарзда тақдим этилади. Шундай қилиб, у энди фикр эмас, фактдек кўрина бошлайди.

Бундан ташқари, яширин интерпретациянинг муҳим категорияси журналист фикрларини ташқи манбага йўйишидир, гўёки бошқаларнинг фикрини кўчириб бераётгандек, айнан мана шунда манипуляция манбаи яширингандир.

Бугунги кунда бу каби усулларнинг кўплаб синфлари мавжуд. Улардан биринчиси XX асрнинг 30 йилларида АҚШда Тарғибот таҳлили Институти мутахассислари томонидан яратилган “тарғибот алифбоси” саналади. Унда куйидаги усуллар таърифланган:

1. “Дум итни ликкилатади” (манфаатдор тарафлар иккинчи даражали воқеаларни фаолроқ муҳокама этилиши йўли билан ҳақиқатдан ҳам муҳим саналган воқеалардан эътиборни чалғитиш);
2. “Умумий вагон таассуроти” (китобхон рағбат билан у ёки бу ёндашувни қабул қилишга мажбур, чунки у тегишли бўлган ижтимоий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам шундай ҳисоблашади);
3. “Ёрлиқларни осиш” (кенг машҳур бўлган шахс ёки ҳодисалар учун ҳақоратли метафоралар, номлар, лақаблар танланиб, ахборот борлиғига

¹⁰⁶ Кодекс профессиональной этики Союза профессиональных журналистов. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.library.cjes.ru/> (дата обращения: 03.05.15)

жўнатилади, шу тариқа, у ёки бу шахсни қоралаш ёхуд жамоавий ҳодисага адоват ҳиссини уйғотиш имкони туғилади);

4. “Оддий халқ ўйини” (бу усул одатда сайловолди компаниялари даврида ишлатилиб, номзод “ўзиники” сифатида тақдим этилганда, ўз чиқишларида мақсадли аудиториясига тушунарли бўлган нутқдан фойдаланади, баъзан таржимаи ҳоли ҳам сайловчилар талабини ҳисобга олган ҳолда қайта ёзиб олинади);¹⁰⁷.

Бироқ бугунги кунда ижтимоий қайта қуришлар ва технологиялар тараққиёти ҳисобига кўплаб бошқа манипулятив усуллар ишлаб чиқилиб, таърифланган. Масалан, Л. Авченко ўз тадқиқотларида онгни манипуляция қилишнинг қуйидаги энг кенг тарқалган воситаларини ажратиб кўрсатади: комментарийлар, аноним обрў усули, кундалик ҳаёт ҳикояси, ҳиссий резонанс, фактлар констатацияси, ёлғон бирхилликлар ўтказиш, тесқари алоқани ишлатиш ва бирламчилик таъсири¹⁰⁸.

1. Аноним обрў усули қуйидаги нутқий айланмалардан иборат: “ҳукуматда обрўли манба”, “мустақил экспертларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики”, “олимлар аниқлашича”. Обрўли манбадан иқтибос келтирилади, бироқ исм берилмайди, айнан мана шу фактнинг ўзи ўқувчида ахборотнинг аниқлигига шубҳа уйғотади.

2. Кундалик ҳаёт ҳикояси усули ахборий сабаб аудитория томонидан рад этилган тақдирда қўлланилади, у салбий табиатли ахборотга ўқувчини мослаштиришга ёрдам беради. Масалан, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар хусусидаги ахборотда босқинчилар билан тўқнашувлар, вафот этганлар ҳақидаги хабарларда ҳиссий бўёқдорлик мавжуд эмас, бундай воқеаларнинг кундалик тарзда содир бўлиши ва одатийлигини билдирувчи лексикадан фойдаланилади.

¹⁰⁷ Техника дезинформации и обмана / Под общ. ред. Я.Н. Засурского - М.: Мысль, 1978.- С. 75.

¹⁰⁸ В. Авченко. Теория и практика политических манипуляций в современной России. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://psyfactor.org/polman.htm> (дата обращения: 03.05.15).

3. Ҳиссий резонанс усулини юқоридаги усулга қарама-қарши қўйшимиз мумкин. Унинг асосида тарғиботнинг асосий қоидаси – инсоннинг ақлига эмас, ҳис туйғуларига муроҷжат ётади. Телевидение ва радиода бу таъсирга бошловчи (корреспондент) ларнинг интонациялари орқали эришилса, босма матбуотда бунинг учун гувоҳларнинг берган маълумотларини ишлатиш мумкин. Гувоҳларнинг маълумотлари бу кўпинча воқеа жойидан берилган бевосита ҳиссий интервьюдир. Кейинроқ табиий равишда ахборот сараланади, бу нашр даврийлигига мос келиб, журналистларнинг тахминларини тасдиқлайди.
4. Классификатор-сўзлар гапирилаётган предмет ёки ҳодисанинг муайян бир ўзига хослигини алоҳида кўрсатишга кўмаклашади. Объектни қанчалик классификация қилишимиз ҳамда ҳаракат образи намоён қилинган хатти-ҳаракат фикрлар ва ҳиссий реакцияларларни керакли йўсинга йўналтиришга ёрдам беради. Уларнинг ёрдамида ахборот тарғибий хабар адресатига ҳолатни берилган тарзда қабул қилишга етарли тарзда тақдим этилади. Бундай сўз ва сўз бирикмалар манипуляторга ўзининг ижобий ва тузилмавий позициясини таърифлашга, шунингдек, ўз рақибига салбий тавсиф беришга ёрдам беради. ОАВда турли сиёсий акцияларни ёритиш даврида қўлланиладиган классификатор-сўзлардан мисол келтирамыз: “ҳуқуқни муҳофазаловчи тузилмалар”, “оддий фуқаролар”, “акция иштирокчилари”, “давлат органлари”, “ҳолат мувозанатсизлиги” ва ҳ.з.
5. Кейингиси, факт констатацияси усули бўлиб, шахсий позиция, рақиб жойини аниқлаш, шунингдек, ўз умид ва интилишлари ҳақида эълон қилиш мақсадида қўлланилади. Сайловолдидан сиёсий арбобларнинг чиқишларини мисол қилиш мумкин, бунда номзод ўз фойдасига берилиши мумкин бўлган овозлар миқдорига кўра ўз умидларини эълон қилади. Бу ерда сиёсатчи ҳолатни бўрттириб юборади ҳамда ўз ёндашувини аниқлаб олади. Баъзан аниқлик таъсирини кучайтириш учун

олимлардан иктибослар, ижтимоий маълумотлар ва бошқалар ишлатилади.

6.Комментарийлар. Мазкур усулнинг мақсади ўқувчининг фикрларини тўғри йўналишда олиб борувчи матнни яратишдан иборат. Воқеа ҳақида ахборот ўқувчига содир бўлган воқеалар юзасидан бир қанча асосли тушунтиришларни таклиф қилаётган шарҳловчи интерпретациялари билан бирга берилади. Аудитория керакли версияга ишониши эса шарҳловчи қобилиятларига боғлиқ.

7.Оммавий онгга таъсир ўтказиш ёрқин ўхшатишлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу аналогиялар кўпинча ёлғон бўлишига қарамаздан, аудиториянинг онгига таъсир ўтказишга халақит бермайди. Айнан мана шу усул бозор ислоҳотларини кардиналлигини оқлашга ишлатилади.

8.Кейинги иккита усул ўзаро боғланган бу тескари алоқа ва ахборий блокададир. Тескари алоқа нашр тарафдорларининг имкониятини кенгайтиради. Улар хатларда ўз нуқтаи назарини ифодалашига, сўровларда ва бошқа материалларда иштирок этишга кўмаклашади.

9.Ўз навбатида ахборий блокада қарама-қарши фикр тарафдорларининг имкониятини чегаралайди. Улар ўз фикрларини ифодалаш ва уни тушунтириши имкониятидан маҳрум этилади. Бу усул 90 йиллар бошларида хусусийлаштириш даврида кенг ишлатилган. Бу жараёнга қарши бўлганларнинг ахборот манбасига йўли ёпиб қўйилган, унинг тарафдорларига аксинча, эркинлик ва матбуотда жой ажратиларди.

Қолаверса, оммавий онгни манипуляция қилишни тадқиқ этиш соҳасидаги обрўли тадқиқотчилардан бири америкалик тилшунос, публицист ва назариячи Ноам Хомский ҳисобланади. У оммавий онгни бошқаришнинг асосий 10 та усулини шакллантирди:

1. Эътиборни чалғитиш: асосийси ўқувчига фикрлаш имконини бермасдан, эътиборини ҳақиқатдан ҳам муҳим масалалардан иккинчи даражали

масаларга чалғитиш саналиб, бу усул тарғибот институти томонидан илгари сурилган “дум итни ликкилатади” усулига ўхшашдир;

2. Муаммони яратиш – ечим таклиф қилиш: ҳукумат тузилмалари аҳоли ўзини ноқулай ҳис қиладиган ҳолатларни келтириб чиқаради, шу тариқа, одамлар ҳукуматдан ушбу муаммонинг ечимини топишни талаб қилади (янги қонунлар чиқарилиши, ҳукумат алмашинуви ва ҳ.з.);
3. Кетма-кетлик стратегияси: бу усул халққа кетма-кетлик билан шундай чораларни сингдирадики, агар мазкур чоралар бирваракайида қўлланилганида эди, жамиятда қаршиликларга сабаб бўлган бўларди;
4. Кейинга қолдириш стратегияси: жамият томонидан маъқулланмаган чораларни қўллашга жамиятдан розилик олиш, бунда манфаатдор томон мазкур тадбирларни келажакда қўллашга рухсат олишга интилади, зеро бу ҳодиса фуқароларга 2та сабаб туфайли енгиллик баҳш этади: биринчидан, аҳоли ўша заҳотиёқ ўзгаришларга тайёр бўлмайди, иккинчидан, жамият вазиятни келажакда яхшиланишига умид қилади. Шу тарзда, манипуляторлар ўз мақсадига эришади, чунки вақт ўтиши билан жамият бўлажак ўзгаришлар хусусидаги фикрларга одатланиб қолади;
5. Халққа тилёғламалик қилиш усули ёрдамида манипуляторлар ахборотни оммавий истеъмолчига етказаётганда, болаларга хос (рамз, оҳанг ва ҳ.з.) нутқда суҳбатлашади. Тадқиқотчи таъкидлашича, одамларни алдашга бўлган эҳтиёж кучлигига қараб, яна ҳам инфантилроқ мулоқот услуби танланади;
6. Фикрлашдан кўра, кўпроқ ҳис-туйғуларга берилиши: реципиентда рационал фикр юритиш жараёнини сусайтиришга қаратилган. Бу усулни қўллаб, манипулятор инсон онгостига таъсир ўтказиш орқали воқеликни “инқирозли” қабул қилишни ўчириб қўйишга мажбур қилади.
7. Одамларни зулматда ва ўртамиёналикда ушлаш: тадқиқотчининг фикрича, манипуляциянинг мазкур усули фуқароларнинг таълим

даражаси ва сифатининг пасайишини назарда тутати. Бизнинг фикримизча, манипулятив усулни ОАВга шу тарзда қўллайдики, томошабин ўзининг маънавий, ахлоқий ёки интеллектуал салоҳиятига мос бўлмаган сифатсиз матнни қабул қилади. Аксинча, манипуляторларга зарур бўлган “ҳаётий стандартлар”ни ўргатишга хизмат қилади, масалан, кучнинг илмдан ёки моддий бойликларнинг ахлоқ устидан устунлигини;

8. Оммани ўртамиёналик билан шуғулланишга чақиради: бу усул шунингдек, томошабинларнинг ахлоқий қурилмаларини ўзгартириш, туб аҳолининг онгида қўпол, ахлоқсиз ва тарбиясиз бўлиш урфга кирганлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган;
9. Айбини тан олиш ҳиссини кучайтириш: бу усул ёрдамида манипуляторлар оммаларни содир бўлаётган воқеаларда одамларнинг ўзи айбдор эканлигига ишонтиришга уринади, жамиятда тушкунлик кайфияти кучайиб, қаршилик кўрсатиш эҳтимоли пасаяди;
10. Одамлар ҳақида ўзларидан ҳам кўпроқ билмоқ: ҳукмдор элита каттароқ ҳажмдаги ахборотга эга бўлганлиги ҳисобига гап ўртача инсон хулқ-атворининг ўзига хослигининг тавсилотларини ўрганишга ёрдам берувчи ахборот ҳақида кетмоқда, ҳукмдор тузилмалар оммавий онгни манипуляция қилишнинг катта аслаҳахонасига эга.¹⁰⁹

Санаб ўтилган усулларнинг муҳим ўзига хослиги бу манипулятив асоси ҳисобланади: бу каби муҳаррирлик техникаси туфайли жамоатчилик ҳеч қачон ҳақиқатни билмайди ва ҳақиқатда нималар бўлганлиги ва бўлаётганлиги хусусида тасаввурга эга ҳам бўлмайди. Чунки ҳатто ахборотни йиғиш босқичидаёқ ОАВ ўз саҳифа, экран ёки тўлқинларида намоиш этиладиган у ёхуд бу кун тартибига таъсир ўтказди. Кейинроқ танланган бир ахборотни бошқаси билан ўраганда, муайян бир таркиб, ахборий майдонга қўшиб, ОАВ мазкур ахборотни ҳам аудитория томонидан қабул

¹⁰⁹ Noam Chomsky – “10 strategies of manipulation” by the media. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://noam-chomsky.tumblr.com/post/13867896307/noam-chomsky-10-strategies-of-manipulation-by-the> (дата обращения 05.05.15).

килиниши таъминлайди, шу сабабли халққа юклатилган, аниқ дунё харитаси пайдо бўлади.

И.М. Дзялошинский манипулятив таъсир усулларини муайян тўплами борлигини келтиради. Мазкур тадқиқотимизда ишлатиш учун биз “Қадриятларни манипуляция қилиш” гуруҳига киритилган усулларни ўрганиб чиқамиз, фикримизча, бу усуллар сиёсий коммуникация соҳасида фаол қўлланилади:

1. “Жамият қадриятларига тегишли бўлган сўзларни қўллаш” (манипуляторлар жамият ёки ижтимоий гуруҳнинг қадриятига оид қурилмалар, масалан, ватанпарварлик, эркинлик, ватандан фахрланишга интилиш, тинчлик, ишонч, оила ва ҳ.з.га шикоят қилувчи сўзларни ишлатиш);
2. “Ёрликларни ёпиштириш” (мазкур усул рақибга нисбатан турли сўз ва тушунчаларни қўллаш йўли билан унинг образини қоралаш ва натижада жамоавий онгда рад этиш, кўркув, нафрат, ишончсизлик ва бошқа реакцияларни уйғотади);
3. “Ноаниқ (ижобий) ифода” (“Қадриятга оид сўзлардан фойдаланиш” усули билан ўхшаш, уларнинг фарқи шундаки, бу ҳолатда ноаниқ ижобий маъноли ифодалар қўлланилади. Масалан, кўп номзодлар ўзининг сайловолди нутқларида турфа хил чақириқлардан фойдаланади: “Адолат ўрнатаман!”, “Бирга ғалабага эришамиз!” ёхуд “Келажак - қўлларимизда!”, бироқ бу тушунчаларнинг моҳияти тушунарсиз ва аудиторияга уларни ўзича тушуниш имконияти берилгандек бўлади ва кўп компанияларда улар аҳоли томонидан ижобий қабул қилиниб, керакли самарага эришишда ёрдам беради);
4. “Эвфемизмларни ишлатилиши” (хиссий бўёқдор сўзлар ўрнига “оддийроғи” ёки тушунарсизроғи ишлатилади);
5. “Ижобий образни кўчириш” (усул умуммашҳур шахс, предмет, воқеа ёки юқори ахлоқий қадриятлар сиёсий фигурага кўчирилади. Бундай таъсир

- масалан, буюк умуммашхур арбоблар билан бир қаторда номзоднинг шахсини санаб ўтиш орқали эришиш мумкин);
6. “Шиорларни ишлатилиши” (шиор ёрдамида маҳсулот ёки шахснинг энг яхши сифатлари аудиторияга қисқа, сиғимли ва эсда қоларли шаклда тақдим этилади. Шу тариқа туб аҳоли онгида реклама қилинувчининг идеал образи мустаҳкамланади);
 7. Ассоциатив боғлиқлик учун ишлатиладиган манипуляция (бу ҳолатда ахборот оқимини шакллантиришда асосан хабарларнинг жойлашуви тартиби ҳисобга олинади, чунки зарурий ҳис-туйғуларни уйғотадиган ҳар бир олдинги ахборот кейингиларига бирлашган ҳолда таъсир кўрсатади);
 8. “Ўринга ўрин алмашиш” (бу усул асосан рекламада қўлланилади, унинг асосини у ёки бу маҳсулот ёки бренднинг номи умумлашиб, умумий қадриятларга тенглаштирилиши ташкил қилади. Бироқ фикримизча, бу усул сиёсий тадбирлар, масалан, номзод ёхуд партия ўзини жамиятнинг ажралмас қадриятларига тенглаштирадиган чақириқ ва нутқларида қўллаганда самаралидир. Шу тариқа, кўп партиялар ўз чақириқларида “Ватан, Халқ!” сўзлари қўлланилган);
 9. “Салбий образни кўчириш” (бу ҳолатда машхур шахс, ҳодисаларнинг салбий сифатлари сиёсий фигурага аҳоли ўртасида мустаҳкам уюшган реакцияни шакллантириш мақсадида кўчирилади);
 10. “Тарихий ўхшашликлар усули” (зарурий образ яратишга кўмаклашади, қолаверса, шахснинг яна бир ижобий фазилати донолигини кўрсатади).¹¹⁰

Бобга хулосалар:

1. Шундай хулосага келишимиз мумкинки, тадқиқотчилар томонидан оммавий онгни манипуляция қилиш муаммосини ўрганишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Технологияларнинг тараққиёти

¹¹⁰ Дзялошинский И.М. Медиапространство России: коммуникационные стратегии социальных институтов. – М.: Издательство АПК и ППРО, 2013. - С. 75.

ва турли оммавий ахборот воситаларининг кўпайиши билан оммавий онгни манипуляция қилиш усуллари ҳам кўпаймоқда.

2. Атрофдаги олам ва ундаги ҳодисалар ҳақидаги ахборотни оддий одам айнан ОАВдан олади, шунинг учун коммуникациялар воситаси чиндан ҳам потенциал сайловчиларга энг самарали таъсир воситаларидан бири деб номлашимиз мумкин. Манипулятив усуллардан моҳирона фойдаланиш сиёсий кучларнинг бош мақсадига – сайловчилар ўртасида керакли қурилмаларни яратиш, олиш, рўёбга чиқариш ва ҳокимиятни сақлаб қолишга эришишига кўмаклашади. Шунини таъкидлаш жоизки, политехнологлар оммавий ахлоқнинг муайян моделини шунчаки ўрнатишга эмас, балки инсон танловининг мутлақ эркинлиги ҳиссини яратишга интиладилар.
3. Оммавий онгни манипуляция қилиш санъати тарихи Қадимги Хитойдаёқ бошланиб, бу ерда легистлар мактаби намоёндалари томонидан ҳукмдорнинг ўз қўл остидагилари устидан чексиз ҳокимият ўрнатиши бўйича зарурий ҳаракатлар рўйхати тузилади. Бу мавзу шунингдек, қадимги юнон, итальян, рус ва бошқа мутафаккир ва олимларнинг асарларида ҳам тараққий топди. Дастлабки асарлар мустаҳкам замин яратиб, замонавий тадқиқотчилар учун эталон бўлиб хизмат қилди.

Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, замонавий ОАВ турли сиёсий мақсадларга хизмат қилиш учун: одамларни маърифатли қилиш, уларда шахсий ғурур туйғусини, эркинликка ва ижтимоий адолатга интилишини ривожлантириш, сиёсатда ақлли иштирокка кўмаклашиш, шахсни бойитиш, айна пайтда маънавий асир қилиш, нотўғри ахборот тарқатиш ва кўрқитиш, оммавий нафратни ёқиш, ишончсизлик уйғотиш ва ваҳимага солиш кабиларда барча техник ва мафкуравий имкониятларга эга. Жамиятимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ОАВ қайси тараф позициясини эгаллашига боғлиқ.

ХУЛОСА

Илм фаннинг ривожланиши даражасида дастлаб барчага машхур бўлган ва етарлича ўрганилиб чиқилган феноменларга қайта муурожаат қилинган тақдирда илгари аниқланмаган назарий методологик муносабатда принципиал жиҳатдан муҳим феноменларни излаб топишга имкон беради. Сиёсий коммуникацияга сиёсий жараён иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайдиган ёрдамчи, ўта техник элемент сифатида анъанавий қарашни енгил шундай хулосага олиб келдики, ҳокимиятни эгаллаш, ушлаб қолиш, амалга ошириш ва ишлатиш давомида пайдо бўладиган сиёсий омиллар ўртасидаги исталган ўзаро муносабатлар фақатгина нутқ, матн, тасвир ва бошқа рамзий шакллар воситасида турли маъноли маълумотлар жамияти – омилдан омилга ёки ижтимоий муҳитга ўтишни назарда тутувчи коммуникация кўринишида намоён бўла олмайди. Шу тариқа, сиёсий коммуникация атрибут, яъни сиёсий фаолият, унинг ҳар қандай кўринишида зарурий, аҳамиятли, ажралмас хусусият бўлиб гавдаланади.

Сиёсий коммуникация тил ва бошқа рамзий шакллар воситасида ахборот етказадиган индивидуал ва уюшган омиллар ўзаро алоқаси муайян шакли кўринишидаги ижтимоий коммуникациянинг хусусий ҳолатини назарда тутуди. Бироқ бу ерда А.И. Соловьевнинг “сиёсий коммуникация” концепти коммуникатив алоқа шахсий манбаларига, ижтимоий ўзаро муносабатлар ташкилоти ўзига хос тури, ўзининг морфологияси, жамият доирасида ўзига хос функционал юктамалар, макроижтимоий гуруҳлар мулоқотининг билвосита услуби ва бошқа қатор хусусиятларга эга универсал эмас, балки ўзига хос турдаги коммуникатив жараённи таърифлайди”¹¹¹, деган принципиал муҳим таъкидини назарда тутиш лозим. Шунда бирликдаги, муайян ва умумий диалектикага асосланиб, қуйидагича хулосани чиқариш мумкин: универсал қонун, қонуниятлар, ривожланиш

¹¹¹ Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С. 59.

тенденциялари, шунингдек, жамиятда ахборот ўзаро алоқаси ва таъсири механизмлари ва воситалари предмети саналган коммуникация социологияси сиёсий коммуникативистикага муносабати бўйича метаназарияси сифатида намоён бўлади, бунда ҳокимият муаммолари мақсадида сиёсий омиллар фаолияти коммуникацион хусусиятлари мавжуд бўлиб, зарурий, аҳамиятли, мустаҳкам, сиёсат соҳасида такрорий алоқалар ва муносабатлари ижтимоий коммуникация билан объектив политология умумий қонунлари ҳамкорлигида ҳаракатни намоён этиш нуқтаи назаридан интерпретация қилинади.

Коммуникация тушунчаси сиёсий назарий мазмунида иккита феномен билан мослашади. У ҳукумат бўйича сиёсий омиллар ўзаро алоқасини ёки аристотель тушунчаси бўйича “мулоқот” ҳам жамиятда сиёсий аҳамиятли маълумотни кўчириш жараёни англатади. Бу икки ҳодиса нафақат жуда яқин, балки бир бири билан узлуксиз боғлиқ: индивидлар, уюшмалари ўзаро алоқаси ҳамisha ахборий таъсир ёки ахборот алмашинувини назарда тутаяди, ҳар қандай каналлар ва техник воситаларни қўллашдан қатъий назар ахборотни етказиш эса фақат у ёки бу инсон, ташкилот, ҳамжамият истеъмолчиси сифатида чиқсагина маънога эга бўлади. Кўрсатилган ҳолат шунини таъкидлашга имкон берадики, замонавий ғарб илм фан доирасида сиёсий коммуникация таҳлиliga микро даражадаги ёндашувлар ўртасида мавжуд зиддиятлар йўқолади ва бундан ташқари, синтезнинг имкони бўлган. Тадқиқот асосий объекти сифатида сиёсий аҳамиятли ахборот тарқатиш воситасида унинг фикри ва хулқ атворига таъсир қилиш меъёри ва имкониятларини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан индивид сиёсий воқелик субъектив атомик кўринишини акс эттирадиган илк ёндашув парадигмаси ҳамда сиёсий соҳа ва бутун жамиятдаги ахборот коммуникацион жараён ўрни ва ролини ўрганишга урғу берадиган иккинчи объектив ёндашув мазкур ишда тақлиф қилинган умумлаштирилган тузилмавий функционал модель доирасида бир бирини тўлдираяди. Ушбу моделга кўра, сиёсий тизим сиёсий

омилларни ўзаро ва атроф ижтимоий муҳит билан аниқ тарихий коммуникацияси шакли кўринишида талқин этилади. Мазкур модель жамият сиёсий тизими тузилмасида коммуникацион тизимости қисми тизимнинг барча элементлари ўртасида ички, шунингдек, ташқи сиёсий тизимни атроф ижтимоий муҳит билан ташқи ўзаро алоқани таъминловчи функционал компонент сифатида сиёсий коммуникация икки хил: бир пайтнинг ўзида ҳам сиёсий тизим функцияси сифатида, ҳам сиёсий жараён таркибий қисми сифатида табиатга эга эканлигини таъкидлашга асос беради. Бу таъкид сиёсий коммуникация фақатгина восита, техник технологик тарзда – ўз манфаатларини кўзлаб, ижтимоий ҳаётни бошқарадиган ҳукмрон сиёсий кучлар манфаатларини акс эттирадиган давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат институтлари фаолиятини таъминлаш воситаси сифатида кўриб чиқиладиган пайтда, сиёсат соҳасидаги ахборот жараёнлари ва ҳодисаларини муайян жиҳатларини қисман таҳлил қилиш босқичида шаклланган сиёсий коммуникация моҳияти ҳақидаги анъанавий тасаввурлардан воз кечишга имкон беради.

Ишда таклиф этилган жамият сиёсий тизими умумлаштирилган тузилмавий функционал модели сиёсий коммуникацияни бир томондан, жамиятни самарали бошқариш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг оқибатларини баҳолашда зарурий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш муаммолари билан боғлиқ ўз муайян роли ва вазифасини бажариш доирасида сиёсий омилар ўртасида алоқани сақлаб туриш ва ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат соҳасидаги ахборот таъсири ва ўзаро алоқаси, бошқа томондан, ўзгарувчан ижтимоий муҳит билан узлуксиз алоқада жойлашган бутун таълим сифатида антиэнтропик гомеостатик мустаҳкамликни таъминловчи сиёсий тизимини функционал компоненти сифатида талқин этилади. Сиёсат соҳасидаги ахборот таъсири ва ўзаро алоқаси ҳодиса ва жараёнлари ўртасида казуал алоқаларни очиш ва англашга кўмаклашадиган когнитив тузилма сифатидаги назарий моделлар генезиси ва кейинги

эволюцияси таҳлили сиёсий коммуникацион жараён иштирокчилари ўртасида тескари алоқани назарда тутувчи ахборий алмашинув шакллари “узаттириш” типи бир йўналишли, униполяр коммуникация билан секин аста алмашилиш мустаҳкам тенденциясини намоён қилиш тўғрисидаги хулосага олиб келади. Ахборот жамияти шаклланиши шароитида сиёсий коммуникация эндиликда нафақат бошқарув ва бошқарилувчилар ўртасидаги вертикал бўйлаб, балки жамиятни технологик жиҳатдан таъминланганлиги замонавий даражаси, бундай кўрсаткичлардан бири бу Интернетни кескин тарқалиши саналиб, исталган индивидга шахсий ахборот маҳсулотини эркин яратиш ва тарқатиш имконини бермоқда, шубҳасизки, бу коммуникаторлар диверсификацияси, коммуникацион оқимларнинг горизонтал интенсивлиги ўсиши, сиёсат соҳасини ҳам қамраб оладиган тармоқ интерактив тузилмаси пайдо бўлиши ва ривожланишига кўмаклашувчи омил сифатида намоён бўлади. Шу билан биргаликда, техник технологик таркибий қисмларидан қатъий назар жамиятда коммуникация ҳамisha инсонларнинг уларга йўналтирилган ахборотни қабул қилиш ва тушуниш қобилиятини назарда тутуди. Шу сабабли коммуникаторлар ҳақиқатдан ҳам мавжуд ёки потенциал истеъмолчига бирор бир фикрни етказишга интилиши ва бунда уларнинг нуқтаи назаридан тушунарли бўлиши лозим, назорат қилиши ва эҳтиёж туғилганида, адресат билан тескари алоқа воситасида шахсий коммуникатив ҳаракатларини тўғрилаши шарт. Агар одатдаги схемалар доирасида ишлайдиган сиёсий тузилмалар ва жамият ўртасида тескари алоқа бўлмаса, фуқароларнинг катта қисми ё сиёсий апатия аломатларини намоён этади, масалан сайловларларда иштирок этишдан бўйин тортади ёки аксинча, ўзининг сиёсий истакларида сезиларли номунтазамликни кўрсатади, айти пайтда ваъдаларининг фақатгина кичик қисмини бажарадиган ҳокимият аъзолари ҳаракатлари ва ўзгарувчи воқеликдан тобора айрилаётган оппозиция “қотиб қолган” лойиҳаларидан ҳафсаласи пир бўлади.

Сиёсий коммуникация жараёнларида тескари алоқа ролининг ўсиши ҳақидаги хулоса шунингдек, генезис таҳлили ва аниқ сиёсий натижаларга эришишга йўналтирилган стратегик сиёсий коммуникацион кампаниялар тараққиёти билан тасдиқланади. Сиёсий соҳадаги тарғибий ташвиқий ва реклама фаолиятини кўриб чиқилиши, “публик рилейшнз” жамоатчилик билан алоқалар ва сиёсий маркетингни ҳам умумий, ҳам муайян хусусиятларга эга бу каби компанияларнинг турли шакллари сифатида сиёсий коммуникацион стратегияларнинг тўртта бир бирини тўлдирувчи турлари: реклама тарғибот кўринишидаги униполяр стратегия, ижтимоий ахборотлаштириш стратегияси, кейинчалик иккитомонлама ассиметрик, иккитомонлама симметрик стратегияларини кетма кет шаклланиши мустаҳкам тенденциясини аниқлашга имкон берди.

Коммуникация тараққиёти ижтимоий сиёсий воқелик шаклланишига тарихий контекстда катта таъсир ўтказадиган омиллардан бири бўлиб чиқади. Ўрта асрлар ва Янги даврдан бошлаб бизнинг кунимизгача бу ҳодиса сиёсат соҳасидаги жараён ва воқеалар ҳақида маълумотларни етказа олиш даражасини секинлик билан ошишига боғлиқ. Бугунги кунда кузатиладиган энг янги коммуникацион технологияларни қўллашни кескин ўсиши ҳам ижтимоий сиёсий институтлар фаолияти масаласида ҳам муайян индивидлар ҳаракатларини назорат қилишда илгари имконсиз бўлган “шаффофлик”ка эришиш оқибати сифатида ахборот хавфини ўсиши билан ёнма ён туради. Кўрсатилган ҳолат сиёсий коммуникация техник технологик таркибий қисмини кейинги ривож ва такомиллашуви аниқроқ меъёрий ҳуқуқий регламентацияга эҳтиёжи бор, чунки у сиёсий қарорлар қабул қилиш ва унга тайёргарлик, ҳокимиятни ижро этиш очиклиги, оммавийлигини ошириш имкониятлари билан бир қаторда анъанавий тушуниладиган демократик ҳуқуқ ва шахс эркинликларини чекланиши ёки бузилиши потенциал хавфини ўз ичига олади.

Қолаверса, ахборот коммуникацион инфратузилма тараққиёти индивидуал мулоқот ва ахборотни назоратга бўйсунмайдиган даражада қабул қилиш ва тарқатиш имкониятларини кенгатириди ҳамда ривожланган мамлакатларда тоталитар режим мавжудлигини шубҳага қўйди. Ўтган асрнинг 90 йиллари бошларида Ж.Нэйсбитт ва П.Абурден¹¹²: “Бугун сайёрамизда диктаторлар сони кам, чунки улар ахборотни эндиликда назорат қилиш имкониятига эга эмас” деб таъкидлагандилар. Бунда нафақат сиёсий қарашлар эркинлиги, балки шунингдек, ўз фикрини тўсиқсиз баён этиш, агар инсонпарварлик принципларига қарама қарши бўлмаса, давлат чегараларидан қатъий назар ҳар қандай ахборот ёки ғояни эркин излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи ва имконияти муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан шаклланаётган ахборот жамияти воқелигига жавоб берадиган демократиянинг модел ва концепциялари кейинги ривожланиши сиёсий коммуникация муаммолари назарий таҳлилига қаратилмасдан имкони йўқ.

Сиёсат соҳасида Интернет бошқа энг янги ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга конвенционал сиёсий иштирок ва “электрон демократия” турли шакллари – шаклланаётган ахборот жамияти реал талабларига жавоб берадиган компьютер воситали механизмлари имкониятлари кейинги кенгайишига кўмаклашади. Ушбу муаммо ижобий ечими назаримизда, техник технологик таркибий қисм эълон қилиниши ва инсонпарварлик анъаналари ҳамда маданиятига таянчдан воз кечишдан иборат. “Электрон демократия” тараққиёти контекстида принципал моҳият сиёсий коммуникация, унинг асосий оқимлари, тарқатилаётган ахборотлар мақсад ва йўналишларини аксиологик, кадриятли ўлчовларга эга. Бу муносабат билан, шубҳасизки, Д. Маккуэлнинг фикри тўғри¹¹³, унга кўра, сиёсий коммуникация соҳасида маданий сиёсат мазкур маданият (иерархия) сифатлари ва кадриятлари устунлиги; адолат, демократия, фуқароларнинг

¹¹² Naisbitt J., Aburdene P. Megatrends 2000: Ten New Directions for the 1990's. – New York: Morrow, 1990. –P. 84.

¹¹³ McQuail D. Mass Communication Theory. – 3d ed. – London; Thousand Oaks: Sage Publications, 1994. – P. 46.

кенг ҳуқуқлари (тенглик)ни таъкидлаш оқибатида ахборотга мослашиш учун тенг ҳуқуқ ва кенг имкониятлар; миллат, этник умумийлик ёки диний кўпчилик (бир хиллик); маънавий меъёрлар ва талаблар ҳисоби каби принципларга асосланиши шарт деб ҳисобларди.

Сиёсий коммуникация қадр қиммати бугун ҳар доимгидек, албатта, шахсий манфаатларидаги ҳукмрон элита ва бюрократия томонидан сиёсий жиҳатдан қайта англашилади, бироқ улар кўп жиҳатдан муайян жамият умумий ва сиёсий маданияти билан аниқланади. Сиёсий коммуникация сиёсий маданиятни мавжудлиги ҳамда ахборотни етказиш воситаси усули сифатида, ўзи эса мавжуд маданий меъёр ва қадриятлар билан намоён бўлади. Бу – бир бирига ўзаро шартлашадиган ҳодисалардир.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий коммуникациянинг назарий методологик таҳлилини янада яхшилаш борасида қуйидаги тавсияларни келтиришни жоиз деб билдик:

- оммавий коммуникация назариялари борасида журналистика факультети талабалари учун ўқув дастурига фан киритиш;
- сиёсий коммуникациянинг назарий концепцияларини журналистика факультети магистратура талабалари учун мазсус курсни ташкил этиш;
- сиёсий коммуникацион тадқиқотларнинг натижалари асосида талабалар ва мазкур соҳага қизиқанлар учун қўлланма тайёрлаш;
- ахборот жамиятида сиёсий коммуникация шакллари ривожланишининг асосий тенденцияларини борасида оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этиш ёшларда мазкур мавзуга бўлган қизиқишни ортишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ

- 1.1. Каримов И.А. Ватанимиз равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
- 1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

II. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

- 2.1. Аристотель. Политика. // Аристотель. Сочинения: В 4 т. Т.4. – М.: Мысль, 1983.С. 644.
- 2.2. Аристотель. Риторика // Аристотель. Риторика; Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. С.148.
- 2.3. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. – М.: Academia, 1999. С.783.
- 2.4. Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. – М.: АСТ, 2003. С. 444.
- 2.5. Винер Н. Акционерное общество “Бог и Голем”: Обсуждение некоторых проблем, в которых кибернетика сталкивается с религией. // Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001. С. 262.
- 2.6. Винер Н. Индивидуальный и общественный гомеостазис. // Общественные науки и современность. – 1994. С. 130.
- 2.7. Винер Н. Кибернетика, или Управление и связь в животном и машине. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. С.344.
- 2.8. Винер Н. Машина умнее своего создателя // Винер Н. Кибернетика или управление и связь в животном и машине. – М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. С. 314.
- 2.9. Винер Н. Мое отношение к кибернетике. Ее прошлое и будущее. – М.: Советское радио, 1969.
- 2.10. Винер Н. Человеческое использование человеческих существ: кибернетика и общество. // Винер Н. Человек управляющий. – СПб.: Питер, 2001. С. 240.

- 2.11. Винер Н. Я – математик. – Ижевск: НИЦ “Регулярная и хаотическая динамика”, 2001. С.336.
- 2.12. Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского. // Гоббс Т. Сочинения: В 2 т. – Т.2. – М.: Мысль, 1991. С. 590.
- 2.13. Гринберг Т.Э. Политическая реклама: портрет лидера. – М., 1995. С. 103.
- 2.14. Землянова Л.М. Современная американская коммуникативистика: теоретические концепции, проблемы, прогнозы. – М.: Изд-во Московского университета, 1995. С. 268.
- 2.15. История Древнего Востока: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности “История” / Под ред. В.И. Кузищина. – М.: Высшая школа, 2001. С. 462.
- 2.16. Липпман У. Общественное мнение. – М.: Институт Фонда “Общественное мнение”, 2004. С. 384.
- 2.17. Локк Дж. Опыт о веротерпимости. // Локк Дж. Сочинения: В 3 т. – Т.3. – М.: Мысль, 1988. С. 405.
- 2.18. Макиавелли Н. Рассуждения о первой декаде Тита Ливия // Макиавелли Н. Избранные сочинения. – М.: Художественная литература, 1982. С. 452.
- 2.19. Маклюэн Г.М. Понимание Медиа: Внешние расширения человека. – М.; Жуковский: “КАНОН-пресс-Ц”, “Кучково поле”, 2003. С. 464.
- 2.20. Мельник Г.С. Mass media: психологические процессы и эффекты. – СПб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета, 1996. С. 159.
- 2.21. Мильтон Д. Ареопагитика: Речь о свободе печати, обращенная к английскому парламенту // О свободе: Антология западноевропейской классической либеральной мысли / Отв. ред. М.А. Абрамов. – М.: Наука, 1995. С. 47.
- 2.22. Монтескье Ш.Л. О духе законов. – М.: Мысль, 1999. С. 672.
- 2.23. Нисневич Ю.А. Информация и власть. – М.: Мысль, 2000. С. 175.

- 2.24. Ньютон И. Математические начала натуральной философии. – М.: Наука, 1989. С. 687.
- 2.25. Ольшанский Д.В. Психология масс. – СПб.: Питер, 2001. С. 363.
- 2.26. Платон. Государство. // Платон. Филеб, Государство, Тимей, Критий. – М.: Мысль, 1999. С. 420.
- 2.27. Попов В.Д. Информациология и информационная политика. – М.: Изд-во РАГС, 2001. С.116.
- 2.28. Соловьев А.И. Политическая коммуникация: к проблеме теоретической идентификации. // Полис. – 2002. С. 18.
- 2.29. Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект Пресс, 2004. С. 559.
- 2.30. Тоффлер Э. Метаморфозы власти: Знание, богатство и сила на пороге XXI в. – М.: АСТ, 2003. С. 669.
- 2.31. Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. – М.: АСТ: Ермак, 2004. С.588.
- 2.32. Цицерон. О государстве. // Цицерон. Диалоги. – М.: Научно-издательский центр “Ладомир”; Наука, 1994. С.88.
- 2.34. Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология: В 3 ч. – Ч. 1. – М.: [Российская академия управления], 1992. С.180.
- 2.35. Шпенглер О. Закат Европы: Очерки морфологии мировой истории: В 2 т. – М.: Айрис-пресс, 2003. С.611

III. ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

- 3.1. Abramson P.R., Aldrich J.H., Rohde D.W. Change and Continuity in the 2000 Elections. – Washington, D.C.: CQ Press, 2002. P.331.
- 3.2. Bell D. Die dritte technologische Revolution und ihre möglichen socioökonomischen Konsequenzen. // Mercur. – 1990. P.47.
- 3.3. Burke K. Language as Symbolic Action. – Berkeley, University of California Press, 1966.P.514.

- 3.4. Campbell A. Elections and the Political Order. – New York: Wiley, 1966. P.385.
- 3.5. Campbell A., Converse P.E., Miller W.E., Stokes D.E. The American Voter. – 2nd ed. – Chicago: University of Chicago Press, 1976. P.385.
- 3.6. Campbell A., Gurin G., Miller W. The Voter Decides. – Evanston, Ill.: Row Peterson, 1954. P.242.
- 3.7. Cohen A. Future Directions in Television News Research. // American Behavioral Scientist. – 1989. P.268.
- 3.8. Cohen B.C. The Press and Foreign Policy. – Princeton, N.J., Princeton University Press, 1963. P.288.
- 3.9. DeFleur M. Theories of Mass Communication. – New York: D. McKay, 1966. P. 171.
- 3.10. Edelman M. Constructing the Political Spectacle. – Chicago: University of Chicago Press, 1988. P.137.
- 3.11. Edelman M. The Politics of Misinformation. – Cambridge, UK; New York: Cambridge University Press, 2001. P.139.
- 3.12. Gerbner G. Institutional Pressures on Mass Communicators // The Sociology of Mass Media Communicators: Sociological Review Monograph. – Vol. 13. / Ed.: Halmos P. – University of Keels, 1969. P.
- 3.13. Gerbner G. Mass Media and Human Communication Theory // Sociology of Mass Communications. / Ed.: McQuail D. – Harmondsworth: Penguin, 1972. P. 248.
- 3.14. Gerbner G. The Future of Media: Digital Democracy or More Corporate Control? – New York: Seven Stories Press, 1999. P. 199.
- 3.15. Gerbner G., Gross L., Morgan M., Signorelli N. Political Correlates of Television Viewing. // Public Opinion Quarterly. – Vol. 48. – 1984.P.
- 3.16. Gerbner G., Gross L., Morgan M., Signorielli N., Jackson-Beek M. The Demonstration of Power: Violence Profile № 10 // Journal of Communication. – 1979. P.300.

- 3.17. Gerbner G., Marvanyi G. The many worlds of the world's press. // *Journal of Communication*. – Vol.27. – № 1. – 1977. P. 317.
- 3.18. Gieber W., Johnson W. The City Hall beat: a study of reporter and source roles. // *Journalism Quarterly*. – Vol. 38. – 1961. P. 297.
- 3.19. Ginsberg B., Shefter M. Politics by other means: politicians, prosecutors, and the press from Watergate to Whitewater. – 3rd ed. – New York: Norton, 2002. P. 266. P. 266.
- 3.20. Gitlin T. *Media Unlimited: How the Torrent of Images and Sounds Overwhelms our Lives*. – New York: Metropolitan Books, 2002. P. 260.
- 3.21. Graber D.A. *Processing the News: How People Tame the Information Tide*. – Lanham, Md.: University Press of America, 1993. P. 300.
- 3.22. Graber D.A. *Mass Media and American Politics*. – Washington, D.C.: CQ Press, 2002. P.441.
- 3.23. Greenberg E.S., Page B.I. *The Struggle for Democracy*. – New York: Longman, 2002. P. 736.
- 3.24. Hall S. *Encoding / Decoding // Media and Cultural Studies: Keywords / Eds.: M.G. Durham and D.M. Kellner*. – Malden, Mass.: Blackwell Publishers, 2001. P. 176.
- 3.25. *Handbook of Political Communication / Eds: D. Nimmo, K.R. Sanders*. – Beverly Hills: Sage Publications, 1981. P. 732.
- 3.26. Lasswell H. *Propaganda Technique in the World War*. – London: Kegan Paul, Trench, Trubner & Co., 1927. P.233.
- 3.27. Lasswell H. *Propaganda, Communication, and Public Opinion: A Comprehensive Reference Guide*. – Princeton, Princeton University Press, 1946. P.
- 3.28. Lasswell H.D. *The Structure and Function of Communication in Society. // The Communication of Ideas. / Ed.: L. Bryson*. – New York: Harper and Brothers, 1948. P. 435.
- 3.29. Lazarsfeld P., Berelson B., Gaudet H. *The People's Choice*. – New York: Free Press, 1944. P. 187.

- 3.30. Lazarsfeld P.F. *On Social Research and its Language*. – Chicago: University of Chicago Press, 1993. P.333.
- 3.31. Lerner D. *The Passing of Traditional Society: Modernizing the Middle East*. – Glencoe, Ill.: Free Press, 1958. P. 466.
- 3.32. McQuail D. *Mass Communication Theory*. – 3d ed. – London; Thousand Oaks: Sage Publications, 1994. P.416.
- 3.33. McQuail D. *Media Performance: Mass Communication and the Public Interest*. – London; Newbury Park, Calif.: Sage Publications, 1992. P. 350.
- 3.34. Miller W.E., Levitin T.E. *Leadership and Change: The New Politics and the American Electorate*. – Cambridge, Mass.: Winthrop Publishers, 1976. P. 267.
- 3.35. Neuman W.R. *The Future of the Mass Audience*. – Cambridge [England]; New York: Cambridge University Press, 1991. P. 202.
- 3.36. Neuman W.R., McKnight L., Solomon R.J. *The Gordian Knot: Political Gridlock on the Information Highway*. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 1997. P.324.
- 3.37. Nimmo D. *Political Persuaders: The Techniques of Modern Election Campaigns*. – New Brunswick, N.J.: Transaction Publishers, 2001. P. 246.
- 3.38. Nimmo D., Savage R. *Candidates and their Images: Concepts, Methods, and Findings*. – Pacific Palisades, Calif.: Goodyear Pub. Co., 1976. P. 250.
- 3.39. Ratzel F. *Politische Geographic*. – Oldenburg, 1903.
- 3.40. White D.M. The “Gatekeepers”: a case study in the selection of news. // *Journalism Quarterly*. – Vol. 27. – 1950.P. 390.
- 3.41. Wiener N. *Cybernetics or Control and Communication in the Animal and the Machine*. – 2nd ed. – Cambridge (Mass.): The M.I.T. Press – New York: John Wiley & Sons, 1961. P.194.
- 3.42. Wiener N. *The Human Use of Human Beings: Cybernetics and Society*. – Boston: Houghton Mifflin, 1950.P. 199.

IV. ТАДҚИҚОТЧИ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

4.1. Абдурахмонова Х. Оммавий коммуникациянинг замонавий тенденциялари // Филология масалалари илмий-методик журнал. №2 – Т.: 2014.

4.2. Абдурахмонова Х. Сиёсатда шахс муаммосига ёндашувлар. // Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари ва истиқболи. №2 – Т.: 2015.